

ТЕНГ ҲУҚУҚЛАР – ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР



Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг
Тараққиёт Дастури



ТЕНГ ҲУҚУҚЛАР – ТЕНГ
ИМКОНИЯТЛАР

Тошкент 2011 йил

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат
ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
Тошкент, А. Авлоний кўч., 20-А. Тел.: +998 (71) 239-88-38

БМТ Тараққиёт Дастурининг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси
Тошкент, Т. Шевченко кўч., 4. Тел.: +998 (71) 120-34-50

Тенг ҳуқуқлар — тенг имкониятлар — Тошкент:
SMI-ASIA, 2011, 128 б.

Нашр этувчи — А.В. Арапов

Босишга рухсат этилди 18.05.2011 й.
Адади 5000 нусха.

ISBN 978-9943-17-024-7

SMI-ASIA, Лицензия AI № 141
100000, Тошкент ш., Х. Олимжон майдони, 3б-2а
www.smi-asia.uz

Mega Basım босмахонасида чоп этилган.
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey
www.mega.com.tr

© Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазирлиги, 2011 йил.
© БМТ Тараққиёт дастури, 2011 йил.

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг
Тараққиёт дастури

ТЕНГ ҲУҚУҚЛАР – ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Тенг ҳуқуқлар — тенг имкониятлар. — Тошкент: SMI-ASIA, 2011. 128 б.

Қўлланмада ногиронларни реабилитация қилиш, тиббий хизмат билан, ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя, таълим ҳамда иш билан таъминлаш, оилага жойлаштириш, ногиронларнинг ҳаётий фаолият муҳитининг қулайлигини ташкил этиш масалалари, шунингдек уларнинг давлат органларига мурожаат қилиш тартиби ёритилган.

Қўлланма ногирон шахслар, ривожланишида нуқсонли бор болаларнинг ота-оналари ва ногиронлик соҳасида ишловчи мутахассислар, шунингдек мазкур масалаларга қизиққан барча учун мўлжалланган. Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури билан биргаликдаги «ACCESS: ногиронлар учун қулайлик, фуқаролик ҳисси, иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя» лойиҳаси доирасида Адлия, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Сен ёлғиз эмассан» РБЖФ ва Мактабгача таълим ходимлари уюшмаси, Ўзбекистон ногирон тадбиркор аёллар миллий уюшмаси, «Миллениум» ва «Опа-сингиллар» ногиронларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД) ривожланиш соҳасида БМТнинг бутунжаҳон тармоғи ҳисобланиб, ислохотларни қўллаб-қувватлашда иштирок этади ҳамда аҳоли ҳаётини яхшилаш мақсадида билимлар, амалий тажриба ва маблағлар манбаларидан фойдаланишни таъминлайди.

Ушбу нашрда баён қилинган қарашлар муаллифлар фикрини ифода этади ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг расмий нуқтаи назари билан тўғри келмаслиги мумкин.

Қўлланма ўзбек ва рус тилларида чоп этилган.

Нашр ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмағида амалга оширилди.

Бепул тарқатилади.

Нашрнинг электрон кўриниши БМТТДнинг — www.undp.uz/publications

ва ACCESS лойиҳасининг — www.dostup.uz сайтларида жойлаштирилган.

Муҳаррирлар:

Я.Е. Чичерина, п. ф. н., Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури билан биргаликдаги «ACCESS» лойиҳаси раҳбари

Т.А. Умаров, ю. ф. д., Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бошлиғи

Тақризчилар:

М.А. Усманова, ю. ф. н., проф., Тошкент давлат юридик институтининг кафедра мудири

А.Б. Абдусаламов, Ўзбекистон ногиронлар жамяти

Муаллифлар:

I-боб: Д. Н. Камилова, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; А. Ш. Навотный, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги; Н. Д. Тойчиев, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. **II-боб:** А. Ш. Навотный, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги. **III-боб:** Г. В. Смирнова, «Сен ёлғиз эмассан» РБЖФ. **IV-боб:** Ф. Н. Вахабова, Мактабгача таълим ходимлари уюшмаси. **V-боб:** М. А. Ахунова, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. **VI-боб:** Г. Ф. Голева, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. **VII-боб:** А. Ш. Навотный, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги; Н. Д. Тойчиев, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. **VIII-боб:** Т. П. Зимакова, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; Н. Д. Тойчиев, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. **IX-боб:** Н. Д. Тойчиев, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

Қўлланмада фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан олинган кўчирмаларни тузувчи: Ш. М. Икрамова, БМТТД/ACCESS лойиҳасининг тренинг ва тадқиқотлар бўйича мутахассиси.

ISBN 978-9943-17-024-7

© Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, 2011

© БМТТД, 2011

МУНДАРИЖА

Муқаддима	5
I. Ногиронларни реабилитация қилиш ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш	6
1. Ногирон тушунчасига таъриф	6
2. Шахсни ногирон деб эътироф этиш	6
3. Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотиш	10
4. Реабилитация ва тиббий хизмат билан таъминлаш масалалари	11
5. Дори-дармонлар билан таъминлаш ҳамда даволаш бўйича имтиёзлар	13
6. Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлаш масалалари	15
7. Ногиронлар ва пенсионерларни санаторий-курорт билан таъминлаш	19
II. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш	20
1. Болалиқдан ногиронларга ва ногирон болаларга нафақалар ва ижтимоий ёрдам	20
2. Ёлғиз пенсионерлар, кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари	21
III. Ногирон болаларни жойлаштиришнинг шакллари	25
1. Ногирон болаларни фарзандликка олиш	25
2. Фарзандликка олишнинг бекор қилиниши	33
3. Болаларни жойлаштиришнинг бошқа шакллари	34
4. Кундузги ғамхўрлик қилиш ва вақтинча жойлаштириш	36
IV. Ногирон болаларнинг мактабгача таълими	38
1. Болани мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш	38
2. Болани мактабгача таълим муассасасида бўлиши	44
V. Ногирон болаларнинг мактабдаги таълими	47
1. Болани мактабга жойлаштириш	47
2. Оилада амалга ошириладиган таълим	51
3. Болани бир мактабдан бошқасига ўтказиш	52
4. Ногиронлиги бор ўқувчи оиласига бериладиган нафақа ва имтиёзлар	54
VI. Ногиронларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими	55
VII. Ногиронларнинг ишга жойлашиши ва бандлиги	60
1. Ишга жойлашиш	60
2. Ишлаётган ногиронларга бериладиган имтиёз ва нафақалар	66
3. Ногирон фарзанди бор аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари	69
VIII. Ногиронлар ҳаётий фаолияти муҳитининг қулайлиги	71
1. Шаҳарсозлик муҳитининг қулайлиги	71
2. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларининг қулайлиги	72

3. Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, мактаб-интернат, касб-хунар коллежларининг қулайлиги	72
4. Иш жойидаги қулайлик	73
5. Соғлиқни сақлаш, реабилитация ва ижтимоий ҳимоя муассасаларининг қулайлиги	74
6. Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларидаги кўчалар, турар жой ҳамда ижтимоий-амалий зоналар, автомобилларнинг тўхташ жойлари, транспорт ўтиш жойлари қулайлиги	74
IX. Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	76
Қўлланмада фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан олинган кўчирмалар	82

МУҚАДДИМА

Хурматли китобхон! Бизнинг мамлакатимизда ижтимоий масалалар, жумладан, ногиронлар муаммолари билан боғлиқ масалалар ечимига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчилардан бўлиб ногиронлар ҳуқуқларини мустаҳкамлашга, ҳимоя қилишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди, биринчилардан бўлиб ногиронларга қулайликлар яратишга қаратилган нормаларни ишлаб чиқди ва тасдиқлади. Ўзбекистон Республикаси 2009 йил 27 февралда БМТнинг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясини имзолади ва шу билан ногиронлар ҳуқуқларини халқаро стандартларга мос даражада ҳимоя қилишга ўзининг тарафдорлигини кўрсатди.

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 2008 йил 11 июлда қабул қилинган янги таҳрири, юқоридаги Конвенциянинг аксарият қоидаларини ўзида акс эттирган. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги ва бошқа қатор (жами 70 дан ортиқ) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан биргаликда у мамлакатимизда яшаётган ногиронлар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни кафолатлашга асос яратди.

Шунга қарамасдан, ҳар бир инсоннинг, жумладан ногиронларнинг ҳаётида, шундай вазиятлар бўладики, унда улар масъул кишиларнинг етарли малакага эга эмасликлари сабабли, ўзларига кафолатланган ҳуқуқларни амалга ошира олмайдилар, имтиёزلардан, пул тўловлари ва натурал таъминотдан, давлат томонидан таъминланадиган хизматлардан фойдалана олмайдилар, дори воситаларига, реабилитация воситалари ва протез-ортопедия буюмларига бўлган эҳтиёжларини қондира олмайдилар. Бундай вазиятларда малакали мутахассиснинг маслаҳати, юзага келган муаммони ҳал этиш учун зарур бўлган ҳатти-ҳаракатларни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича бериладиган батафсил тушунтиришларнинг аҳамияти муҳим ҳисобланади.

Ушбу қўлланмани тайёрлаш давомида ногиронларда, ривожланишида нуқсонли бор болаларнинг ота-оналарида юзага келган саволлар жамланган. Биз ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида ногиронлиги бор болалар ва катталарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий, методик ва маъмурий тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиш ва имплементация қилиш жараёнига алоқадор бўлган мамлакатимизнинг етакчи мутахассисларига мурожаат қилдик. Қўлланмада келтирилган барча жавоблар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволалар билан асослантирилган.

Сизларга, ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда омад тилаймиз ва умид қиламизки, ушбу қўлланма Сизга бу ишда фойдали бўлади. Келгуси нашрларни тайёрлашда Сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз ва қўшимчаларингизни инобатга олишдан мамнун бўламиз.

ҚўЛЛАНМАДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

Қўлланма савол-жавоб тарзида тайёрланган. Ҳар бир жавоб тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бетма-бет ҳаволалар билан асослантирилган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тўлиқ матни ёки ундан зарур кўчирмалар «Қўлланмада фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан олинган кўчирмалар» бобида келтирилган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни билан танишиш учун ҳар бир бетнинг охиридаги ҳаволанинг рақамини кўчирмалар рўйхатидан топиш лозим. Қўлланма 2010 йилнинг декабрь ойига қадар нашр қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни бевосита жавобда келтирилган бўлса, матн курсив (ётиқ) ёзув билан ажратилади. Бундай ҳолда ушбу кўчирма «Қўлланмада фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан олинган кўчирмалар» бобида келтирилмайди.



I. НОГИРОНЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА УЛАРГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

1. НОГИРОН ТУШУНЧАСИГА ТАЪРИФ

1 Менинг эримга биринчи бор ногиронлик белгиланди. Ногирон деб кимни ҳисоблаш мумкинлигини тушунтирсангиз?

Ногирон — жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож шахс.¹

2 Менинг фарзандим — болалиқдан ногирон. Кимлар «ногирон болалар» тоифасига киритилади?

Ногирон болалар — жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар²

3 Мен ногиронлик гуруҳини олдим. ТМЭК маълумотномасида турмуш фаолияти чекланганлиги кўрсатилган. Бу нимани англатади?

Шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги — шахснинг ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шугулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлиги³.

2. ШАХСНИ НОГИРОН ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШ

4 Неча ёшдан тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига ногиронликни аниқлаш учун мурожаат қилса бўлади?

Қоидага кўра ТМЭК 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги даволаш-профилактика муассасасининг йўлланмасига эга бўлган фуқароларни тиббий текшириш учун қабул қилади.

Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларининг йўлланмаси бўйича тиббий текшириш мақсадлари кўрсатилган ҳолда ТМЭК 16 ёшдан кичик шахсларни ҳам тиббий текшириш учун қабул қилиши мумкин.⁴

5 ТМЭКда тиббий текширишдан ўтиш учун қандай ҳужжатларни тайёрлаш зарур?

Тиббий текширишни ўтказиш учун ТМЭКга қуйидагилар тақдим этилади:

- паспорт ёки шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат;

1 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун.

2 Уша ерда.

3 Уша ерда.

4 Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори.

- даволаш-профилактика муассасасининг йўлланмаси;
- даъволовчи врач ва тиббиёт муассасасининг муҳри билан тасдиқланган касаллик тарихидан кўчирма,
- амбулатория картаси.

Агар текширилаётган шахс муомалага лаёқатсиз бўлса, қўшимча равишда васийнинг паспорти ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг ушбу шахс устидан васийликни тасдиқловчи ҳужжати ҳам талаб қилинади.

Тиббий текширувдан ўтказиш ҳужжатлар ТМЭКга қабул қилинган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда ёки бевосита ТМЭКда жойлашган хонада ёхуд уйда ёки стационарда кўчма мажлисларда ёки фавқулодда ҳолатларда сиртдан (тиббий текширишдан ўтаётган шахс ҳозир бўлмасдан) ўтказилади.⁵

6 Болалиқдан ногиронликнинг гуруҳи нима асосида аниқланади?

Ногиронлик гуруҳи ТМЭК томонидан ногиронликни белгилаш мезонлари асосида касаллик оқибатида организм функциялари бузилишининг намоён бўлиши даражасидан келиб чиқиб аниқланади⁶.

Ногиронликни белгилаш тўғрисида қарор касаллик табиати, организм функциясининг бузилиш даражаси, даволаш ва реабилитация тадбирларининг самарасини ҳисобга олган ҳолда клиник, руҳий, ижтимоий-маиший ва касбий омиллар мажмуини баҳолашга асосланади. Ўзига ўзи хизмат қила олиш, ҳаракат қила олиш, мўлжал олиш, муомала қила олиш, ўзини ўзи назорат қила олиш, ўқиш, меҳнат фаолияти билан шуғуллана олиш каби ҳаётий фаолиятнинг асосий турларининг яққол чекланиши ҳолатларида, қоида тариқасида I ва II гуруҳ ногиронлиги белгиланади. I ва II гуруҳ ногиронлигини олиш ҳуқуқини берувчи ҳаётий фаолиятнинг асосий турларининг ифодаланган ва жиддий ифодаланган бузилишлари, қоида тариқасида, доимо ўзгаларнинг ёрдамига муҳтожлик ва бошқа шахсларга фуқционал боғлиқлик билан таърифланади.

Шу билан бирга, ногиронлик гуруҳини аниқ белгилаш ТМЭК томонидан бир қанча кўрсаткичларни таҳлил қилиш, болани бевосита текширувдан ўтказиш мобайнида тиббиёт муассасалари хулосаларини, касаллик тарихи ва амбулатория картасини ўрганиш асосида амалга оширилади.

7 ТМЭК қароридан норози бўлган ҳолларда қаерга мурожаат қилиш мумкин?

Фуқаролар туман, туманлараро, шаҳар, ихтисослашган ТМЭК қароридан норози бўлган тақдирда, марказий ТМЭКга қайта текширишдан ўтиш учун мурожаат қилишлари лозим.

Марказий ТМЭК хулосасидан норози бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш республика инспекциясига мурожаат қилинади⁷.

ТМЭК ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш республика инспекцияси қарорларидан норози бўлган тақдирда фуқаролар белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

8 Мен кўп йиллардан бери оғир касалликларга чалинганман. Дўстларим менга ногиронлик гуруҳини белгилатиш учун мурожаат қилишимни маслаҳат беришди. Ногиронлик қайси органлар томонидан белгиланади?

Шахсни, жумладан ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни ногирон деб эътироф этиш тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан⁸, ўн олти ёшгача бўлган болаларни

⁵ Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори.

⁶ Ўша ерда.

⁷ Ўша ерда.

⁸ Ўша ерда.

эса — яшаш жойидаги даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан амалга оширилади⁹.

9 Мен ногиронликни расмийлаштириш учун ўзимнинг шифохонамга мурожаат қилдим. Лекин, улар менга рад этишди ва ТМЭКга жўнатишди. Уларнинг бу ҳаракатлари қонунийми?

Ҳақиқатан ҳам, шифохонада ТМЭКда тиббий текширишдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар тайёрланади, ногиронлик гуруҳи, муддати ва сабабларини белгилаш эса ТМЭК ваколатига киради¹⁰.

10 Мен ишламайман, сон суюгим қаттиқ шикастланган. Ногиронликни расмийлаштириш учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Сиз маҳаллий поликлиниканинг травматологига мурожаат қилишингиз керак. У Сизни тиббий-маслаҳат комиссиясига йўналтиради. У ерда Сизга ТМЭКда тиббий текширишдан ўтиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш бўйича маслаҳатлар берилади¹¹.

11 Мен ёлғизман, оғир касалман, ўриндан тура олмайман. ТМЭКда тиббий текширувдан ўтиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришнинг тартиби қандай?

Маҳаллий поликлиника Сизни, касаллигингиз бўйича ихтисослашган малакали шифокорларни жалб қилинган ҳолда оилавий шифокорингиз томонидан кўриқдан ўтказишни ташкиллаштиради. Амалга оширишнинг имкони бўлган керакли текширувлар ҳам даволаётган шифокорнинг йўлланмаси асосида уйда қилинади. ТМЭКда тиббий кўриқдан ўтиш учун зарур бўлган ҳужжатлар даволаётган шифокор (ёки ТМК раиси) томонидан ТМЭКга тақдим қилинади. Шундан кейин, Сизни ТМЭК томонидан уйда тиббий текширувдан ўтказиш санаси ва вақти белгиланади¹².

12 Инсултни бошимдан кечирганимдан кейин 2 ойдан бери касалман ва касаллик варақам бор. Менга қачон ногиронлик гуруҳини белгилаш мумкин?

Ногиронлик гуруҳи айнан бир касаллик билан боғлиқ ҳолатда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб узлуксиз муддат бирварақайига 4 ойдан ортиқни ташкил этадиган узоқ муддат касал бўлган шахсларга (сил касаллигига чалинган беморлардан ташқари) белгиланади¹³.

13 Мен сил касалига чалинганман. Ногиронликни расмийлаштириш учун қайси муддат давомида мурожаат қилишим мумкин?

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври касаллик аниқланган кундан бошлаб камида 10 ойни ташкил этадиган касаллик биринчи марта аниқланган силга чалинган беморлар, шунингдек асосий касаллик кучайганда — вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб камида 6 ой силга қарши муассасаларда ҳисобда турган сил касалига чалинган беморлар кўрсатилган муддатлар ўтгандан сўнг ногиронликни расмийлаштириш учун мурожаат қилишлари мумкин¹⁴.

9 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2005, 2009 йил 15 сентябрь).

10 Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори.

11 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланган Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва маълумотномалар бериш тартиби тўғрисида Йўриқнома (рўйхат рақами 873, 2000 йил 19 январь) (10-банд).

12 Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори.

13 Уша ерда (3-илова, 6-банд).

14 Уша ерда (3-илова, 6-банд).

14 Менинг қайнонам 4 даражали жигар саратони касаллигига чалинган. ТМЭК 4 ой ичида узлуксиз кузатилишни талаб қилмоқда. Ушбу муддатдан олдин ногиронликни расмийлаштирса бўладими?

Ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахслар, шунингдек нохуш клиник прогнозли беморлар белгиланган муддатлар тамом бўлгунга қадар ТМЭКга тиббий текшириш учун қабул қилиниши мумкин. Ушбу шахсларни тиббий текшириш учун қабул қилиш тўғрисидаги қарор ТМЭК раиси томонидан қабул қилинади¹⁵.

15 Мени 8 ёшли касал фарзандим бор. Ногиронлик бўйича нафақа олиш масаласини ҳал этиш учун мен қаерга мурожаат қилишим лозим.

Нафақалар Сизнинг яшаш жойингиз бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан тўланади. Нафақани тайинлаш учун асос бўлиб Сизнинг доимий яшаш жойингиздаги даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган тиббий-маслаҳат комиссиясининг 16 ёшгача бўлган болани ногирон деб топиш тўғрисидаги тиббий хулосаси хизмат қилади. Шу сабабли Сиз аввал доимий яшаш жойингиздаги даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган тиббий-маслаҳат комиссиясига мурожаат қилишингиз зарур¹⁶.

16 Мен стационар даволанишдан кейин поликлиниканинг ТМКсига ТМЭКга тақдим қилинадиган ҳужжатларни расмийлаштириш учун мурожаат қилдим. ТМК шифокори мени касалхонадан чиқариш қоғозимни стационарнинг бўлим мудирини ва бош шифокоридан тасдиқлатиш учун стационарга юборди. Уларнинг бундай ҳаракати қонунийми?

Ҳақиқатдан ҳам, ТМЭКга тақдим этиладиган касаллик тарихидан кўчирмалар даволовчи врач, бўлим мудирини, бош врач имзоси қўйилган ва муассасанинг думалоқ муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим¹⁷.

17 Мен II гуруҳ ногирониман. Бир йил давомида стационарда икки маротаба даволандим. Такрорий тиббий текшириш пайтида ТМЭКда менга бир йил давомида стационарда 4 маротаба даволанишим керак бўлганлигини важ қилиб II гуруҳ ногиронлигини беришни рад этишди. ТМЭК талаблари қонунийми?

Ногиронликнинг у ёки бу гуруҳини белгилаш стационарда неча маротаба даволанишга боғлиқ эмас. Касаллар шошилиш тиббий ёрдам олиш учун стационарга даволанишга ётқизилади. Стационарда режа асосида неча маротаба даволаниш кераклигини даволаётган шифокор белгилайди. *Ногирон деб эътироф этиш учун организм функциялари барқарор бузилган ҳолда соғлиқнинг бузилиши, шунингдек, ҳаёт фаолиятининг чекланиши (шахс томонидан ўзига ўзи хизмат кўрсатиш, мустақил ҳаракатланиш, мўлжал олиш, муомала қилиш, ўз хулқ-атворини назорат қилиш, ўқиш ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланиш лаёқати ёки имконининг тўлиқ ёки қисман йўқотилиши) асос ҳисобланади*¹⁸.

18 II гуруҳ ногирониман. ногиронлик гуруҳимни тасдиқлатиш учун бир йилда неча маротаба поликлиникага боришим керак?

Поликлиникага неча маротаба бориш кераклиги ҳар бир алоҳида олинган касаллик учун, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган¹⁹

15 Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори (3-илова, 6-банд).

16 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2005, 2009 йил 15 сентябр).

17 Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори (3-илова, 6-банд).

18 Уша ерда.

19 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1994 йил 28 июлдаги 352-сон қарори.

19 Умумий сабабларга кўра ногиронлик болалиқдан ногиронликдан нимаси билан фарқ қилади?

Болалиқдан ногиронлик доимий яшаш жойидаги даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган ТМК томонидан, 16 ёшдаги ва ундан катта шахслар учун умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик ТМЭК томонидан белгиланади.

20 Қайси ҳолларда ногиронлик муддатсиз белгиланади?

60 ёшдан катта ногирон эркакларга ва 55 ёшдан катта ногирон аёлларга, охириги 5 йил ва ундан ортиқ давр мобайнида ногиронликнинг биринчи ёки иккинчи гуруҳи белгиланган ва 5 йил мобайнида даволаш профилактика муассасаси (ДПМ) да тўлиқ диспансер кўригидан ўтган, реабилитация дастурлари бажарилган, шунингдек реабилитациянинг барча турлари истиқболсиз бўлган, тиклаб бўлмайдиган анатомик-функционал бузилишлар ёки зўраювчи касалликларга дучор бўлган ногиронларга ногиронлик гуруҳи муддатсиз белгиланади. Кўрсатиб ўтилган талаблардан ҳеч бўлмаса бири бажарилмаганда, шу жумладан бемор реабилитация, даволаш ёки операцияни, ўқишни рад этган тақдирда ногиронлик гуруҳи муддатсиз белгиланмайди. Бундан ташқари охириги 7 йил мобайнида ногиронлик гуруҳи ўзгармаган III гуруҳ ногиронларига ҳам ногиронлик гуруҳи муддатсиз белгиланади.²⁰

21 ТМЭК қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби қандай?

Бемор бир ой мобайнида марказий ТМЭКга ёки белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин. Ариза тушгандан кейин 3 кун мобайнида туман ёки ихтисослашган ТМЭК текширишдан ўтказиш далолатномасини марказий ТМЭКга беради. Марказий ТМЭК кейинги 15 кун мобайнида ариза берувчини қайта тиббий текширишдан ўтказиши ва ўз хулосасини чиқаради. Марказий ТМЭК хулосасидан норози бўлган тақдирда бемор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш республика инспекциясига ёки суд мурожаат қилишга ҳақлидир²¹.

22 Мен иш берувчининг айби туфайли ишда жароҳатландим ва ТМЭК менга I гуруҳ ногиронлигини белгилади. Менинг соғлигимга етказилган зарар ким томонидан қопланади?

Агарда ходим иш берувчининг айби туфайли ногирон бўлиб қолса ва ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамга муҳтож бўлса, иш берувчи ТМЭКлари ёки ТМКлари хулосасига мувофиқ ногиронни меҳнат қобилиятини йўқотган даврида парваришлаган шахсни ўз ҳисобидан таъминлашга ҳамда жабрланган ходимга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашга мажбур²².

3. МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИНИ ВАҚТИНЧА ЙЎҚОТИШ

23 Менинг қизим I гуруҳ ногирони. У онкологик касалга чалинган бўлиб, ўзгаларнинг доимий парваришига муҳтож. Поликлиникада уни парваришлашим учун менга касаллик варақалари беришни рад этишмоқда. Поликлиниканинг ҳаракатлари қонунийми?

I гуруҳ ногиронларни парвариш қилганлик учун меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бериш назарда тутилмаган, сабаби парваришлашга белгиланган нафақа ногиронлик пенсиясисига қўшилади²³.

20 Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори.

21 Ўша ерда.

22 Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлиқнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

23 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланган Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва маълумотномалар бериш тартиби тўғрисида йуриқнома (рўйхат рақами 873, 2000 йил 19 январь) (10-банд).

4. РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА ТИББИЙ ХИЗМАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАН МАСАЛАЛАРИ

24 Ногиронларни реабилитация қилиш нималардан иборат?

Ногиронларни реабилитация қилишнинг мақсади ногиронларга тўлақонли турмуш кечириш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш имконини берувчи ижтимоий мақомини, ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ва касбий фаолиятнинг ҳар хил турларига доир қобилиятларини тиклашдан иборатдир²⁴.

25 Реабилитациянинг қандай турлари мавжуд?

Ногиронларни реабилитация қилишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- ногиронларни тиббий реабилитация қилиш, бу тиклаш терапияси, реконструктив жар-роҳлик, протезлаш ва ортезлашдан иборат бўлади;
- ногиронларни касбий реабилитация қилиш, бу касбга йўналтириш, касб таълими бериш, касб-ҳунар-ишлаб чиқариш мослашувидан ва ишга жойлаштиришдан иборат бўлади;
- ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, бу ижтимоий муҳитда йўлини топа олиш ва ижтимоий-маиший мослашувдан иборат бўлади²⁵.

26 Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури нима, у ким томонидан ишлаб чиқилади ва унинг бажарилиши қандай қилиб таъминланади?

Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури — бу ногирон учун реабилитация қилишнинг мақбул чора-тадбирлари комплекси, улар ногирон организмнинг, шунингдек мекнат фаолиятининг муайян турларини бажариш қобилиятининг бузилган ёки йўқолган функцияларини тиклашга, компенсация қилишга йўналтирилган тиббий, касбий, ижтимоий ва бошқа реабилитация қилиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг айрим турлари, шакллари, ҳажмлари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олади.

Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури:

- 16 ва ундан катта ёшдаги шахслар учун — ТМЭЖ томонидан;
- 16 ёшгача бўлган болалар учун — ТМК томонидан ишлаб чиқилади.

Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини ишлаб чиқиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- реабилитация-эксперт диагностикасини ўтказиш;
- реабилитация потенциали ва реабилитация прогнозини баҳолаш;
- ногиронга маиший, ижтимоий ва касбий фаолиятни бажаришда бузилган қобилиятни тиклаш ёки уни компенсация қилиш имконини берадиган тадбирларни, техник воситалар ва хизматларни белгилаш²⁶.

Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини амалга ошириш учун масъул бўлган аниқ бажарувчи ташкилотлар Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белги-ланган. Булар:

- Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт муассасалари;
- Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва унинг жойлардаги бўлимлари;
- Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари;
- спорт-соғломлаштириш муассасалари.

Шубҳасиз, ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурининг «бош ишти-рокчи»си ногироннинг ўзи бўлиб, реабилитация натижалари унинг ўз хоҳиш ва иродасига бе-восита боғлиқдир.

24 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун.
25 Ўша ерда.

26 Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сон «Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реби-литация қилиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

27 Мен эшитиш бўйича II гуруҳ ногирониман. Шаҳар ТМЭК мен учун ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини ишлаб чиқди. Мен бу дастурдан норозиман ва бажаришни истамайман. Мен ушбу дастурга ўзгартириш кири-тиб беришлари учун юқори турувчи ТМЭКга мурожаат қилишим мумкинми?

Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисида низомга мувофиқ, Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури (РЯТД) ногирон учун тавсия тусига эга, ногирон тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилишнинг у ёки бу турини, шаклини, ҳажмини, шунингдек умуман дастурни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга.

Ногирон умуман РЯТДни ёки унинг бирон-бир қисмини бажаришни рад этган тақдирда бажарувчи ташкилотлар РЯТДнинг бажарилмаганлиги учун жавоб бермайди.

Ногирон (ёки унинг қонуний вакили) РЯТД мазмунига рози бўлмаган тақдирда у ТМЭКнинг юқори муассасаларига, соғлиқни сақлаш бошқарув органларига ёки белгиланган тартибда судга ёзма ариза беришга ҳақлидир²⁷.

28 ТМЭКда тиббий текширишдан ўтгандан сўнг мен қаерга мурожаат қилишим керак?

Ногиронлик нафақаси миқдорини белгилаш учун Сиз бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман бўлимларига мурожаат қилишингиз лозим²⁸.

Реабилитация тадбирларини ўтказиш учун Сиз ҳудудий поликлиникадаги даволаётган шифокорига мурожаат қилишишигиз зарур.

29 Менга II гуруҳ ногиронлиги белгиланган. Мен қаерда реабилитациядан ўтишим мумкин.

Реабилитация хизматларини яшаш жойи бўйича поликлиникалар йўлланмаси ва соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқармалари томонидан бериладиган имтиёзли ордерлар асосида стационар профилдаги барча даволаш-профилактика муассасаларида (ДПМ); поликлиникалар ҳузуридаги кундузги стационарларда; тун-кун ишлайдиган стационарларнинг кундузги стационарларида; ихтисослаштирилган ИТИларда, ҳудудий ТМЭКларининг йўлланмаси бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг реабилитация марказларида²⁹.

Ногиронлик гуруҳи белгилангандан кейин, ТМЭК ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини ишлаб чиқади.

Ишлаб чиқилган тиббий реабилитация дастурига мувофиқ реабилитациянинг муддати, шакли, ногирон реабилитация қиладиган ДПМ белгиланади.

Тиббий реабилитациянинг шаклларида бири бўлиб стационарда даволаниш ҳисобланади. Ногирон касаллигидан келиб чиқиб, марказий ва туман шифохоналарида, кўп тармоқли тиббиёт марказларида ҳамда республика ихтисослаштирилган илмий-тиббий марказларида стационар даволанишни олиши мумкин.

Стационарда неча маротаба даволаниш кераклиги ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида белгиланади.

30 Ногирон бола учун ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ким томонидан ишлаб чиқилади? Ногирон боланинг РЯТД таркибига нималар киради?

Ногирон боланинг ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури яшаш жойидаги даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган ТМК томони-

27 Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сон «Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

28 Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўйбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

29 Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сон «Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

дан ишлаб чиқилади. Ногирон боланинг РЯТД тиббий ва ижтимоий реабилитацияни ўз ичига олади³⁰.

31 Ногирон боланинг РЯТДни амалга оширилишига ким жавобгар, айнан қайси ташкилотлар?

Ногирон боланинг РЯТДни тузиш, назорат қилиш ва натижаларини баҳолаш боланинг яшаш жойидаги даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган ТМК томонидан амалга оширилади³¹.

32 Қайси ҳолларда иш берувчи меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплашга мажбур?

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларига мувофиқ, *етказилган зарар учун жавобгар бўлган иш берувчи жабрланувчига, меҳнат жароҳати туфайли қилинган қўшимча ҳаражатларни, жумладан ногиронни протезлаштириш билан боғлиқ ҳаражатларни, агар у ТМЭК томонидан ёрдамнинг ушбу турларига муҳтож деб топилган бўлса ва уларни тегишли ташкилотлардан бепул олмаган бўлса, тўлашга мажбурдир*³².

33 Менга ногиронлик гуруҳини белгилашди ва ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури билан таништиришди. Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини ишлаб чиқилишида ва уни амалга оширилишида ногироннинг ҳуқуқлари қандай?

*Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ногирон учун тавсия тусига эга бўлиб, ногирон реабилитация қилиш чора-тадбирларининг у ёки бу турини, шаклини ва ҳажмини, шунингдек дастурнинг амалга оширилишини бутунлай рад этиши мумкин. Ногирон ўзини муайян техника воситаси ёки бошқа восита ёхуд реабилитация қилиш тури, шу жумладан автомобиллар, ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппаратлар, сигнализаторлар, субтитрли ёки сурдо таржимаси бўлган видеоматериаллар, бошқа шунга ўхшаш воситалар билан таъминлаш тўғрисидаги масалани мустақил равишда ҳал қилишга ҳақлидир*³³.

34 Менга III гуруҳ ногиронлиги белгиланган ҳамда ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурни бажарилишини учун ташкилотлар қандай жавобгарликка эга?

*Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ташкилотлар бажариши учун мажбурийдир*³⁴.

5. ДОРИ-ДАРМОНЛАР ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

35 Стационар даволаниш пайтида ногиронларга қандай имтиёзлар берилади?

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 ноябрь 532-сон «Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига му-

30 Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сон «Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

31 Ўша ерда.

32 Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари.

33 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун. Ўша ерда.

вофик, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари стационар даволанишда овқатланиш тўловидан озод қилинадилар.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари учун стационар даволаниш марказий туман шифохоналарида ва кўп тармоқли вилоят шифохоналарида бепул амалга оширилади.

Бундан ташқари, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари республика ихтисослаштирилган илмий-тиббий марказларида имтиёзли ордер бўйича амбулатор шароитларда бепул текширувдан ўтиш ва стационар даволаниш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ордерларни ногиронлар яшаш жойидаги даволаш-саралаш комиссиялари (ДСК) тавсиялари асосида ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаларидан олишлари мумкин³⁵.

36 ДСК нима? Ордер олиш учун уларга қандай ҳужжатлар топширилади

ДСК — бу даволаш-саралаш комиссияси бўлиб, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож беморлар контингентини саралаб олиш мақсадида ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаларида тузилади. ДСКнинг йўлланмасини олиш учун инструментал текшириш натижалари билан амбулатор картадан кўчирма тақдим қилиниши лозим. ДСК ордер олиш учун ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармасига йўлланма беради³⁶.

37 Мен III гуруҳ ногирониман. Дори воситаларини бепул олиш учун имтиёзлар борми? Дори-дармон билан таъминлаш қандай амалга оширилади? Ногиронларнинг тиббий эҳтиёжларини қондириш учун қандай имтиёзлар бор.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари учун стационар даволаниш марказий туман шифохоналарида ва кўп тармоқли вилоят марказларида бепул амалга оширилади.

Шунингдек, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари стационар даволанишда овқатланиш тўловидан озод қилинадилар.

Дори воситаларини бепул олиш учун имтиёзли рецепт олиш ҳуқуқига: 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат fronti қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, Чернобыль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахслар, ижтимоий ҳимоя органларида рўйхатда турадиган ёлғиз шахслар, ғирт етимлар, онкологик беморлар, қанд касаллиги ва руҳий касалликка чалинган беморлар эгадирлар. Сил ва ОИВ (ОИТС) касаллигига чалинган беморлар тегишли органларнинг махсус дастурлари асосида дори воситалари билан таъминланадилар³⁷.

Бундан ташқари, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари амбулатор шароитларда бепул текширувдан ўтишлари ҳамда республика ихтисослаштирилган илмий-тиббий марказларида стационар шароитларда имтиёзли ордерлар бўйича даволанишлари мумкин. Давлат томонидан кафолатлаган бепул тиббий-санитария ёрдамини кўрсатувчи ДПМлар рўйхати белгиланган³⁸.

38 Менинг фарзандимга соғлиғи ёмонлашмаслиги учун қабул қилиши лозим бўлган қиммат турадиган дори ёзиб беришди. Ушбу дори-дармонларни сотиб олиш учун имтиёзлар борми?

Ўзбекистон Республикасида болаларнинг статционар даволаниши бепул амалга оширилади. Бундан ташқари, амбулатор шароитларда болалар бюджетдан ҳамда турли кредит линиялари томонидан ажратиладиган барча дори воситалари билан таъминланадилар³⁹.

35 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2009 йил 18 августдаги № 256 буйруғи.

36 Уша ерда.

37 Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 ноябрь 532-сон «Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарори.

38 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

39 Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48-сон «Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

39 Қиммат ва малакали тиббий ёрдамга муҳтож бўлган ногиронликнинг оғир шаклларига чалинган инсонларни соғлиғини яхшилаш учун маблағлар йўқ бўлса бу учун махсус фондлар ёки дастурлар борми?

«Соғлом авлод» жамғармаси, «Қизил ярим ой жамияти», «Қизил хоч жамияти» каби фондлар мавжуд.

40 РЯТДни амалга оширишга сарфланган маблағлар ким томонидан таъминланади?

РЯТДни амалга ошириш учун харажатлар бажарувчи ташкилотлар, яъни даволаш-профилактика муассасалари, реабилитация марказлари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ва РЯТДда тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация тадбирларини ижрочиси этиб белгиланган бошқа ташкилотлар томонидан таъминланади⁴⁰.

6. ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ БУЮМЛАРИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

41 Тиббий хулоса бўлган тақдирда ногиронларга бепул берилиши кафолатланган реабилитациянинг техник воситаларининг тасдиқланган рўйхати мавжудми?

ТМЭК томонидан протез-ортопедия буюмларига муҳтож деб топилган ногиронлар, қуйидаги буюмлар билан бепул таъминланадилар:

- қўл протезлари (елка протези, елка ажратилгандан кейинги протез, билак протези, панжа протези);
- оёқ протезлари (сон протези, елка ажратилгандан кейинги протез, болдир протези);
- кўкрак экзопротезлари;
- қўл ва оёқларнинг ортопедик аппаратлари ва тугорлари;
- корсетлар;
- бандажлар (радикулит, туғруқдан олдинги ва туғруқдан кейинги бандажлардан ташқари);
- реклинаторлар (очадиган шиналар);
- мураккаб ортопедик пойабзал;
- протез учун пойабзал.

ТМЭК томонидан реабилитациянинг техника воситаларига муҳтож деб топилган ногиронлар, қуйидаги буюмлар билан бепул таъминланадилар:

- велоаравачалар, кресло-аравачалар ва кичик ўлчамли аравачалар
- қулоққа тутадиган аппарат
- қўлтиқ таёқ ва ҳассалар
- қўлтиқ таёқ ва ҳассаларнинг резина қисмлари (пойнаклари)⁴¹. (норасмий таржима).

42 II гуруҳ ногирони кресло-аравача бепул олиш ҳуқуқига эгами? Ногирон ва болаликдан ногиронларга қайси ҳолларда кресло-аравача бепул берилади? Бу учун қаерга мурожаат қилиш лозим?

Кресло-аравача, худди реабилитациянинг бошқа техник воситалари каби ТМЭКнинг тиббий хулосаси асосида берилади. Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқномада кресло-аравача олиш учун қуйидаги тиббий кўрсатмалар назарда тутилган:

Хонага мўлжалланган кресло-аравача қуйидаги ҳолларда берилади:

- III даража қон айланишининг сурункали етишмаслиги;
- III даража ўпка-юрак сурункали етишмаслиги;

⁴⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сон «Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 1229, 2003 йил 27 март).

- гемиплегия, ифодаланган гемипарез;
- ифодаланган куйи парапарез, параплегия;
- ифодаланган трипарез, триплегия;
- ифодаланган тетрапарез, тетраплегия;
- гиперкинетик-амиостатик синдром, кескин ифодаланган атаксия;
- ҳар иккала болдир чўлтоқлиги ёки ампутациянинг юқорироқ даражаси;
- ҳар иккала тиззанинг ва қўл панжасининг билак-кафт бўғимлари IV даража деформацияланган остеопарози.

Сайр қилишда фойдаланиладиган кресло-аравача куйидаги ҳолларда берилади:

- гемиплегия, выраженный гемипарез;
- ифодаланган куйи парапарез, параплегия;
- ифодаланган трипарез, триплегия;
- ифодаланган тетрапарез, тетраплегия
- ҳар иккала болдир чўлтоқлиги ёки ампутациянинг юқорироқ даражаси;
- ҳар иккала тиззанинг ва қўл панжасининг билак-кафт бўғимлари IV даража деформацияланган остеопарози.

Кресло-аравачани бепул олиш учун ТМЭКнинг унга муҳтожлиги тўғрисидаги хулосаси мавжуд бўлганда яшаш жойидаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларига ариза билан мурожаат (тиббий хулоса илова қилинган ҳолда) қилинади. ТМЭК юқоридаги Йўриқнома асосида муҳтож бўлган ногиронларни ариза келиб тушиш кетма-кетлигида кресло-аравача билан таъминлайди. Кресло-аравачани олиш учун ногирон ёки унинг васийси ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ўртасида тегишли шартнома тузилади⁴².

43 Менинг аравачадаги ногирон отам 2008 йилда ижтимоий таъминот бўлимидан кресло-аравача олган эди. Афсуски, яқинда у оламдан ўтди. Туман ижтимоий таъминот бўлими аравачани қайтаришни талаб қилмоқда. Ушбу талаблар қонунийми?

Реабилитациянинг техник воситалари ногироннинг улардан фойдаланишга эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда ушбу буюмнинг фойдаланиш белгиланган муддати ўтмаган бўлса уларни берган ташкилотга қайтариши лозим⁴³. «Фойдаланишга эҳтиёжи бўлмаган» ҳоллар ногироннинг тузалиши ёки вафот этиши ҳисобланади. Кресло-аравачанинг фойдаланиш муддати 5 йил.

Мазкур талаблар ушбу реабилитациянинг техник воситаси олинаётган пайтда ногирон ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (аввалги ижтимоий таъминот бўлими) ўртасида тузилган шартномада акс эттирилади.

Шундай қилиб, вафот этган ногироннинг оиласига кресло-аравачани қайтариш бўйича қўйилган талаб қонуний ҳисобланади. Илтимос, кресло-аравачани қайтариш муддатини чўзиш, кимнингдир ўз ҳаётини қулайроқ қилиш имкониятидан маҳрум қилишини ёдда тутиш.

44 Менинг уйда ҳаракатланишим анча қийинлашиб қолди ва шу боис кресло-аравача олмоқчиман. Уни қаердан ва қандай шартлар асосида олиш мумкин?

Агар ТМЭКнинг хулосасида тасдиқланган тиббий кўрсатмага мувофиқ ногирон ёки бемор (ногирон деб топилмаган) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидан кресло-аравачани бепул олиш ҳуқуқига эга бўлмаса, бу ҳолда у:

- унча катта бўлмаган тўлов эвазига Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган, реабилитациянинг техник воситалирининг ижарага бериш нуқталаридан кресло-аравачани вақтинча фойдаланиш учун олиши мумкин. Ҳозирги пайт-

⁴² Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 1229, 2003 йил 27 март).

⁴³ Уша ерда.

да республиканинг туманларидан 119 та реабилитациянинг техник воситалирининг ижарага бериш нуқталари ишлаб турибди. Яқин икки йил ичида бу каби нуқталар мамлакатнинг ҳар бир туманида фаолият кўрсатади;

- «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган бошқа хайрия ташкилотларига мурожаат қилиш мумкин⁴⁴.

45 Менинг ногирон боламга махсус ортопедик пойабзал тайёрланди ва берилди. Бола улғайиши билан унинг оёқ ўлчами ўзгармоқда. Фарзандим қачон ўзининг ўлчамига мос янги оёқ кийим олиши мумкин?

Умумий тартиб бўйича ортопедик пойабзалнинг фойдаланиш муддати 12 ойни ташкил этади. Бироқ, 16 ёшгача бўлган болаларга жисмоний ўсганлик сабабли, ўлчами жиҳатдан лойиқ бўлмайд қолган тақдирда ушбу буюм белгиланган муддатдан олдин алмаштириб берилиши мумкин. Махсус пойабзални алмаштириш учун туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидан йўлланма-талонни олиб, у билан тегишли ҳудудий реабилитация марказига янги пойабзални олиш учун мурожаат қилинади. Яроқсиз ҳолга келган ортопедик пойабзални реабилитация марказларига топшириш шарт эмас⁴⁵.

46 Ногиронларни протез-ортопедия буюмларига эҳтиёжи борлигини ким белгилайди?

Реабилитациянинг техник воситаларига муҳтожлик белгиланган касалликка мувофиқ тиббий кўрсатмалар асосида ТМЭК томонидан белгиланади⁴⁶ 16 ёшгача бўлган ногиронлар болаларга протез-ортопедия буюмлари олиш учун йўлланма-талонлар туман (шаҳар) аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари томонидан ТМКнинг тиббий хулосаси асосида берилади. Ногиронларда протез-ортопедия буюмларини олиш учун тиббий кўрсатмалар мажудлигини яқка тартибда аниқлаштириш зарурати бўлганда, шунингдек, буюмларни тайёрлашда қўшимча иш турларини қўллаш талаб қилинган ҳолларда тиббий-техник комиссиялар тузилади⁴⁷.

47 Қайси тоифадаги ногиронлар реабилитациянинг техник воситалари билан таъминланиш бўйича имтиёзга эга?

Имтиёз қуйидагиларга берилади:

- иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
- умумий касалликлар бўйича ногиронлар;
- меҳнатда майиб бўлган ногиронлар;
- касб касаллигига чалинганлиги туфайли ногиронлар;
- ҳарбий хизматни бажариш билан боғлиқ ярадорлик, контузия, майиблик, касалликлар туфайли ногиронлик;
- ҳарбий хизматни ўтиш даврида орттирилган касаллик туфайли ногиронлик;
- фуқаролик бурчини бажариш билан боғлиқ жароҳатланиш, майиблик, контузиялар туфайли ногиронлик;
- Чернобиль АЭС ногиронлари⁴⁸. (норасмий таржима)

44 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги ПҚ-459-сон қарори билан тасдиқланган 2007–2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури.

45 Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 1229, 2003 йил 27 март).

46 Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сон «Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

47 Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 1229, 2003 йил 27 март).

48 Уша ерда.

48 Ногиронларга техник ёки бошқа воситаларни бериш тартиби қандай?

Ногиронга техник ёки бошқа воситалар ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурга мувофиқ бепул ёки имтиёзли шартларда ҳудудий ижтимоий ҳимоя органлари томонидан берилади.

- Агар ногиронга ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурида назарда тутилган техника воситасини давлат органи томонидан тақдим этишнинг имкони бўлмаса ёки агар ногирон ўз ҳисобидан тегишли воситани олган бўлса, унга белгиланган тартибда компенсация тўланади⁴⁹.
- Муҳтож фуқароларни протез-ортопедия буюмлари ва ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқномага (рўйхат рақами 1229, 2003 йил 27 март) мувофиқ амалга оширилади.

49 Ногиронлардан протез-ортопедия буюмлари учун буюртма олиш тартиби қандай?

Протезлаштиришга талон-йўлланма олиш учун ногирон туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- протез-ортопедия буюмларига муҳтожлик ҳақидаги ариза;
- протез-ортопедия буюмларига муҳтожлик ҳақидаги ТМЭК (16 йшгача бўлган болалар учун ТМК) томонидан берилган тиббий хулоса.

Протез-ортопедия буюмини олиш учун талон-йўлланма ногироннинг шахсни тасдиқловчи ҳужжати асосида тўлдирилади⁵⁰. (норасмий таржима).

50 Ногиронларга берилган протез-ортопедия буюмларини олиш учун берилган талон-йўлланма қанча муддат ичида кучда бўлади?

Талон-йўлланма берилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кучда бўлади. Агар ногирон талон-йўлланмадан фойдаланмаган бўлса, ҳудудий меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими сўрови бўйича унинг амал қилиш муддатини яна бир ойга узайтириши мумкин. Агар кўрсатилган муддат ичида талон-йўлланмадан фойдаланилмаса, ушбу талон-йўлланма далолатнома тузилганидан кейин ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ногиронга биринчи бор талон-йўлланма расмийлаштирилганда ижтимоий таъминот бўлими томонидан унга «Протезланувчи картаси» очилади ва у ногироннинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади. Ногироннинг яшаш жойи ўзгарган тақдирда, «Протезланувчи картаси» барча ҳужжатлар билан биргаликда охириги турар жойидаги туман (шаҳар) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига ўтказилади⁵¹.(норасмий таржима).

51 Протезга қўшиб протез учун пойабзал бериладими?

Протез корхоналари ногиронларга протез билан бирга протез учун пойабзал бериши лозим⁵². (норасмий таржима).

⁴⁹ 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 1229, 2003 йил 27 март).

⁵¹ Уша ерда.

⁵² Уша ерда.

52 Протез-ортопедия буюмларини таъмирлаш учун қаерга мурожаат қилиш керак?
Протез-ортопедия буюмларини таъмирлаш учун протез корхоналари мурожаат қилиш керак. Улар протез-ортопедия буюмларини ясаш билан бир қаторда ушбу буюмларни таъмирлаш билан ҳам шуғулланадилар⁵³. (норасмий таржима).

7. НОГИРОНЛАР ВА ПЕНСИОНЕРЛАРНИ САНАТОРИЙ-КУРОРТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

53 Ногиронлар ва пенсионерларнинг қайси тоифалари санаторий-курортда давланиш бўйича имтиёзлардан фойдаланадилар

Санаторий-курортларга йўлланмалар билан бепул таъминланиш бўйича имтиёзларга эга бўлган ногирон ва пенсионерлар тоифасига куйидагилар киради:

- *Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек I гуруҳ уруш ногиронларга ҳамроҳлик қилаётган шахслар;*
- *Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;*
- *Собиқ ССР Иттифоқининг фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллари билан тақдирланган иккинчи жаҳон уруши даври меҳнат фронти қатнашчилари;*
- *ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;*
- *республика аҳамиятидаги шахсий пенсияларни олувчи шахслар;*
- *Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар, шунингдек ногиронликнинг келиб чиқиш сабаби Чернобиль фалокати билан боғлиқ эканлиги аниқланган ногиронлар;*
- *ядро полигонларида ва бошқа ядровий радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган шахслар;*

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги санатория ва дам олиш уйларида бўш ўринлар мавжуд бўлганда, санатория ва дам олиш уйларига йўлланмалар ёлғиз пенсионерлар; I ва II гуруҳ ногиронлари ҳамда кўриш бўйича I гуруҳ ногиронларига ҳамроҳлик қилувчи шахслар ҳамда ёш бўйича пенсионерларга ажратилади⁵⁴.

53 Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия махсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 1229, 2003 йил 27 март).

54 Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Ногиронлар ва пенсионерларни санатория-курорт йўлланмалари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 1489, 2006 йил 6 июль).



II. НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҶИМОЯ ҚИЛИШ

1. БОЛАЛИҚДАН НОГИРОНЛАРГА ВА НОГИРОН БОЛАЛАРГА НАФАҚАЛАР ВА ИЖТИМОЙ ЁРДАМ

54 Болаликдан ногиронларга қандай имтиёзлар назарда тутилган?

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан қуйидаги имтиёзлар назарда тутилган (жадвалга қаранг)

Ҳар ой тўланадиган нафақалар (I ва II гуруҳ болаликдан ногиронлар, 16 ёшгача ногирон болаларга)	Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори
Даволаш муассасаларида стационар даволаниш-да овқатланиш тўловидан озод қилиш	Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон қарори
Тиббий хулоса бўйича бепул протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 1229, 2003 йил 27 март)
Энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдордаги даромадлар солиқдан озод қилинади	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (180-модда)
Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) ҳамроҳлик қилувчи шахс билан бирга бепул юриш (кўриш бўйича I гуруҳ ногирони)	«Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун (1-модда)

55 16 ёшга тўлмаган ногирон болага ногиронлик бўйича нафақа тўлаш учун қарга мурожаат қилиш лозим? Бунда қайси ҳужжатларни тақдим қилиш лозим?

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза ногирон боланинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси, васийси ёки ҳомийси томонидан яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

Аризага ногирон боланинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси, васийси ёки ҳомийси томонидан — ногирон бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ногирон боланинг яшаш жойини тасдиқлайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси, соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан белгиланган тартибда бериладиган тиббий хулоса, ариза берган ота-она, фарзандликка олувчи, васий ёки ҳомийнинг паспорти нусхаси илова қилинади.

Фарзандликка олувчи, васий ёки ҳомий томонидан ариза билан мурожаат қилинганда туман (шаҳар) ҳокимининг фарзандликка олиш, васийлик ёки ҳомийликни белгилаш тўғрисидаги қарорининг нусхаси ҳам тақдим этилади ⁵⁵.

⁵⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом.

56 **Бизнинг оила доимий яшаш учун бошқа вилоятга кўчиб ўтди. Ногирон болага тўланадиган нафақа тўхтаб қолмаслиги учун нима қилиш керак? Нафақани бошқа туманга қайта расмийлаштириш учун қанча вақт керак?**

Қонунчиллика мувофиқ, доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошқа туманга кўчганда ногирон болага тўланадиган нафақа тўхтатилмайди⁵⁶.

Нафақа тўлашда техник узилишлар бўлмаслиги учун Сиз нафақа олиб турган туман Пенсия жамғармаси бўлимидан ариза билан тилхат асосида нафақа олувчининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини олиб, янги яшаш жойидаги туман бўлимига тақдим этишингиз лозим. Бунда нафақа олувчининг янги яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжатлардан бошқа ҳужжатлар талаб қилинмайди.

Янги яшаш жойида нафақа тўлаш аввалги яшаш жойида нафақа тўлаш тўхтатилган пайтдан бошлаб давом эттирилади.

57 **Бола Мурувват уйига жойлаштирилди ва унга ногиронлик бўйича нафақа бериш тўхтатилди. Нафақа тўлашни тўхтатган ижтимоий таъминот бўлимларининг ҳаракатлари қонунийми?**

Ногирон бола (шунингдек болалиқдан ногирон) тўлиқ давлат таъминотига ўтказилганда нафақа тўлаш тўхтатилади⁵⁷. Шундай қилиб, бола Мурувват уйига жойлаштирилганда ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан қилинган ҳаракатлар қонуний ҳисобланади.

58 **Нафақанинг миқдори ногиронлик гуруҳига ёки болалиқдан ногироннинг даромадига боғлиқми? Нафақанинг миқдори қандай белгиланади.**

I ва II гуруҳ болалиқдан ногиронларга, шунингдек ногирон болаларга тўланадиган нафақа Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан бир хил миқдорда белгиланади ва мунтазам кўпайтириб борилади.

Белгиланган нафақа болалиқдан ногиронга у оладиган иш ҳақи, стипендия, алимент ёки бошқа даромаддан қатъи назар тўланади.

Ногирон болага тайинланган нафақа, у томонидан (унинг учун) бошқа нафақалар олинишидан қатъи назар, тўланади⁵⁸.

2. ЁЛГИЗ ПЕНСИОНЕРЛАР, КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

59 **Қонунчиликка мувофиқ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар тоифасига кимлар киради?**

Қўшимча аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар тоифасига алоҳида уйда, квартирада, ётоқхонада ёлғиз яшайдиган ҳамда фарзанди (шу жумладан асраб олинган), ота-онаси, эри (хотини), васий ёки ҳомийси бўлмаган умумбелгиланган пенсия ёшига етган ва ундан катта ёшдаги, I ва II гуруҳ ногирони бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари киради⁵⁹.

Муҳтож кекса, пенсионер ва ногиронларга, агар:

- *уларнинг маъмурий ҳудуддан (махалла, қишлоқ, овул ва б.) ташқарида қариндоши бўлиб, лекин уларда ногиронга доимо турли моддий ёрдам кўрсатиш имкони бўлмаса;*
- *уларнинг фарзандлари ёки ота-онаси, эри (хотини) узоқ муддатли даволанишида ёки озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлса;*

⁵⁶ Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган Болалиқдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом.

⁵⁷ Уша ерда.

⁵⁸ Уша ерда.

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдамни етказиш тартиби (рўйхат рақами 900, 2000 йил 23 февраль).

- кекса, пенсионер ва ногиронлар бўлган — эр ва хотин биргаликда яшаса ва қариндоши бўлмаса;
- улар ногирон фарзанд билан бирга яшашса кўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатилиши мумкин (норасмий таржима).

Кўшимча аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаш бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда амалга оширилади.

Ёлғиз кексага (пенсионерга, ногиронларга) аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдамни бериш унинг аризаси ёки фуқаролар йиғини оқсоқолининг тавсияси ҳамда ёлғиз одамнинг турар жой ва моддий шароитини текшириш далолатномаси асосида амалга оширилади.

60 Ижтимоий ходим ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз пенсионер, кекса ва ногиронларга қандай хизматларни кўрсатиши лозим?

СССР Давлат меҳнат кўмитасининг 1986 йил 3 февралдаги қарори билан тасдиқланган лавозим мажбуриятларига мувофиқ, ижтимоий ходим бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари раҳбарлари тасдиқлаган қуйидаги хизматларни кўрсатиши лозим:

- озиқ-овқат маҳсулотларини уйга етказиб бериш, жумладан бепул озиқ-овқатлар тўпламини, шунингдек, савдо ташкилотларидан пенсионернинг ўз ҳисобига олинган озиқ-овқатларни;
- дори воситалари, ишлаб чиқари товарлари, жумладан пенсионернинг ўз ҳисобидан олинган ва ҳомийлик ташкилотлари ва ҳомийлар томонидан ажратилган товарларни уйга етказиб бериш;
- хонани ювиб тозалаб бериш;
- пенсионер ҳисобидан коммунал хизматлар учун тўловни амалга ошириш;
- шифокорни ногироннинг уйига чақириб, зарур ҳолларда, пенсионерни даволаш-профилактика муассасаларига боришини ташкиллаштириш;
- турар жойнинг иситилишини таъминлаш (марказий иситиш бўлмаган тақдирда);
- имконият доирасида ёлғиз ногироннинг бошқа илтимосларини бажариш⁶⁰ (норасмий таржима).

61 Ўзгалар қарамоғига муҳтож ёлғиз пенсионерларга бепул бериладиган озиқ-овқат ва товарлар тўпламига нималар киради? Улар кимларга берилади ва уларни қандай қилиб олиш мумкин?

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни белгиланган нормада бепул таъминлаш учун ҳар ой бериладиган энг зарур товарлар рўйхатига:

Ун — 3 кг., ўсимлик мойи — 0,5 л., макарон маҳсулотлари — 250 грамм, гуруч — 800 грамм, чой — 100 грамм, тухум — 10 дона, шакар — 800 грамм, зўғит — 1 кг., ювиш воситалари — 200 грамм.

Ушбу рўйхатдан ташқари, қоида тариқасида, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларга рўйхати ҳомийлик ташкилотлари томонидан белгиланадиган кўшимча озиқ-овқат, дори воситалари ва энг зарур товарлар ҳомийлар ҳисобидан ажратилади.

Энг зарур товарларни олувчилар рўйхатига киритиш учун асос бўлиб қуйидагилар киради:

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг раиси номига ёлғиз пенсионернинг аризаси;
- ўзгалар парваришига эҳтиёжи борлиги тўғрисидаги ТМЭК ёки ТМКнинг маълумотномаси;
- яшаш жойидан маълумотнома;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ижтимоий таъминот органларининг биргаликдаги ёлғиз пенсионернинг ижтимоий-маиший шароитини текшириш далолатномаси.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатларни йиғиш ва тақдим қилиш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари уйда ижтимоий ёрдам сектори ходимлари томонидан амалга оширилади.

60 СССР Давлат меҳнат кўмитасининг 1986 йил 3 февралдаги қарори.

Юқорида кўрсатилагн маҳсулотларни ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларга етказиб бериш юқоридаги марказнинг ижтимоий ходимлари томонидан амалга оширилади⁶¹. (Норасмий таржима).

62 Ёлғиз пенсионер инсонпарварлик ёрдами олиши мумкинми? Бунинг учун нима қилиш керак? Қаерга мурожаат қилиш керак?

Ҳомийлик ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига келиб тушган инсонпарварлик ёрдами фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органлари томонидан ёлғиз деб тан олинган кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг рўйхатига мувофиқ тарқатилади⁶².

Инсонпарварлик ёрдами ёлғиз пенсионерларга етказиб бериш уларнинг яшаш жойидаги бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари ҳомийлик ташкилотлари, жумладан хорижий ташкилотлар, пенсионерлар, қариялар ва ногиронларга ёрдам бериш бўйича ўзларининг шахсий режаларини амалга оширадilar. Ҳомийлик ташкилотлари томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилган инсонпарварлик ёрдами ҳақида батафсил маълумот олиш учун бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларига ёки бевосита ушбу ташкилотларга мурожаат қилиш лозим.

Ёлғиз кексалар ва ногиронларга доимий инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш дастурлари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органидан ташқари «Нуроний», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ва бошқалар томонидан ҳам амалга оширилмоқда.

63 Мен ёлғиз ногиронман, ўзимнинг уйимда яшайман. Ўтган йили баҳорда уйнинг томи тешилди — зудлик билан таъмирланиши лозим. Уйимни таъмирлашга пенсиям етмаслигини инобатга олиб менга ким ёрдам бера олади?

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларида рўйхатда турувчи ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамнинг энг кўп тарқалган усулларида бири уларнинг уй-жойларини таъмирлаш ҳисобланади.⁶³

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдамни етказиш тартибига (рўйхат рақами 900, 2000 йил 23 февраль) мувофиқ ижтимоий ҳимоя органлари томонидан ёлғиз шахсларнинг рўйхатга олиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг махсус журнали юритилади. Ушбу журналда ёлғиз шахснинг барча эҳтиёжлари рўйхатга олинади, шунингдек ижтимоий ёрдам кўрсатиш графиги белгиланади.

Уй-жойни таъмирлашни амалга ошириш учун бевосита бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларига мурожаат қилиш ёки доимий ёрдам кўрсатувчи ижтимоий ходимга тегишли аризани топшириш мумкин.

Агар ёлғиз фуқарога уй-жойни таъмирлаш зарур бўлса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари вакилларида иборат махсус комиссия турар жойни кўздан кечириб асосида таъмирлаш ишларини олиб борадиган ташкилотни белгилайди. Ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан бажариладиган мазкур ишлар учун тўлов давлат бюджетдан амалга оширилади.

61 Молия вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган Ўзгаларни қарамоғига муҳтож пенсионерларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан текин таъминлаш тўғрисида низом (рўйхат рақами 636, 1999 йил 15 февраль).

62 Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдамни етказиш тартиби (рўйхат рақами 900, 2000 йил 23 февраль).

63 Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги 520-сон «2000–2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори.

64 Биз эгизак ногирон болалармиз. Биз 16 ёшга тўлдик. Биз етим болалар деб ҳисобланамизми? Уй билан таъминланишга ҳуқуқимиз борми?

Интернат-уйларда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа стационар муассасаларида турадиган етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ногирон болалар воёга етганидан кейин ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурига мувофиқ, агар дастурда ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ва мустақил турмуш тарзи олиб бориш имконияти назарда тутилган бўлса, уй-жой майдони билан навбатдан ташқари таъминланади⁶⁴.

⁶⁴ 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун.



III. НОГИРОН БОЛАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ШАКЛЛАРИ

1. НОГИРОН БОЛАЛАРНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

65 Қайси болалар фарзандликка олинишлари мумкин? Қуйидаги:

- ота-онаси вафот этган;
- ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган;
- ота-онаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган;
- ота-онаси болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган;
- ота-онаси бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар муассасалари ёки тиббий муассасалардаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган;
- ота-онаси тарбиялаш, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасасидан ва бошқа муассасалардан боласини олишдан бош тортган;
- ота-онаси бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилинган болалар маҳаллий васийлик ва ҳомийлик органи томонидан яшаш жойи бўйича фарзандликка олиниши лозим бўлган болалар сифатида ҳисобга олинади.

Ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган муассасалар (мактабгача тарбия ва умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа муассасалар)нинг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар бу ҳақда болалар яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларини уч кун муддатда хабардор қилишлари шарт.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муассасалар томонидан фарзандликка олиниши лозим бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни бошқа ташкилотлар ва муассасаларга, шунингдек фуқароларга қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари берилишига йўл қўйилмайди⁶⁵.

66 Имконияти чекланган етим болани ким фарзандликка олиши мумкин?

Бола соғлом ёки имконияти чекланган бўлишидан қатъи назар вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар уни фарзандликка олувчилари бўлиши мумкин, қуйидаги шахслар бундан мустасно:

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;
- қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;
- асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;
- собиқ фарзандликка олувчилар, агар улар фарзандликка олиш бўйича зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаганликлари ёки уларни лозим даражада бажармаганликлари, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилганликлари, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлганликлари, шунингдек сурунка-

⁶⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида низом.

ли ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганликлари муносабати билан фарзандликка олиш бекор қилинган бўлса;

- қасддан содир қилган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар.

Шунингдек, Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида низомда *фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустасно*⁶⁶ эканлиги назарда тутилган.

67 **Агар етим бола Мурувват уйига тушиб қолган бўлса, уни асраб олишда қариндошлар устунлик ҳуқуқига эгами?**

*Ҳа, улар турар жойидан қатъи назар бундай ҳуқуққа эга, бундан ташқари устунлик ҳуқуқига оиласида фарзандликка олинувчи бола яшаётган шахс, ака-ука, опа-сингилларни улар орасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар, шунингдек ўғай ота ва ўғай оналар эга*⁶⁷.

68 **Биз Мурувват уйда тарбияланаётган болани фарзандликка олмоқчимиз. Бунинг учун васийлик ва ҳомийлик органига қандай ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим. Соғлом болани фарзандликка олиш ногирон болани фарзандликка олишдан фарқ қиладими, бу учун бирон бир қўшимча ҳужжатлар керакми?**

Агар Сиз болани фарзандликка олишга қарор қилган бўлсангиз бола соғлом ёки имконияти чекланган бўлишидан қатъий назар, Сиз *яшаш жойидаги халқ таълими бўлимига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишингиз лозим:*

- *фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳда қачондан бери турганлиги, эр-хотиннинг бирга ёки алоҳида яшаши, агар фарзандлари бўлса уларнинг сони ва ёши, фарзандликка олинадиган боланинг ёши ва жинси кўрсатилган ариза;*
- *шахсини тасдиқловчи ҳужжат;*
- *никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (агар никоҳда бўлса);*
- *оила аъзолари кўрсатилган ҳолда яшаш жойидан маълумотнома;*
- *иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома;*
- *иш жойидан ёки яшаш жойидан тавсифнома;*
- *фарзандликка олувчи бўлишни хоҳловчи шахснинг соғлиги тўғрисида тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси, психиатрия ва наркологиya муассасалари, тери-таносил касалликлари диспансерининг маълумотномалари.*

Фарзандликка олувчилар бўлиш имконияти тўғрисида хулоса тайёрлаш учун халқ таълими бўлими болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг турмуш шароитларини ўрганиш натижалари бўйича далолатнома тузади.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар, шунингдек болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг турмуш шароитларини ўрганиб чиқиш далолатномаси асосида халқ таълими бўлими ариза берилган кундан бошлаб 30 иш куни мобайнида уларнинг фарзандликка олувчилар бўлиши имконияти тўғрисидаги хулосани тайёрлайди. Ушбу хулоса ариза берувчиларга берилади ва фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйиш учун асос ҳисобланади.

*Васийлик ва ҳомийлик органи салбий хулоса ва унга асосланган фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйишининг рад этилишини хулоса имзоланган санадан бошлаб 5 кун муддатда ариза берувчининг эътиборига етказилади. Айни бир вақтда ариза берувчига барча ҳужжатлар қайтарилади ва қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади*⁶⁸.

⁶⁶ Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида низом.

⁶⁷ Уша ерда (11-банд).

⁶⁸ Уша ерда.

69 Мен — Ўзбекистон фуқаросиман, эрим билан фарзандимиз бор, ammo яқинда биз болалар уйларининг бирида имконияти чекланган ўғил бола борлигини билдик (туғма оёғи ва қўлларининг ярми йўқ). Боланинг ота-онаси бор, лекин улар унинг олдига келмайдилар ва тарбияси билан шуғулланмайдилар. Биз эрим билан бирга шу болани асраб олишимиз мумкинми?

Фарзандликка олиш, васийлик ёки ҳомийлик нафақат ота-она вафот этганда ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, балки ота-она касаллигида, узоқ муддат йўқ бўлганда, болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, жумладан ўз фарзандларини даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасасидан ва бошқа муассасалардан олишдан бош тортганда ҳам белгиланади⁶⁹.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризасига ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари тавсиясига қўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

Фарзандликка олиш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини ва бу ҳақида маълумот олиш учун Сиз яшаш жойингиздаги васийлик ва ҳомийлик органларига (туман халқ таълими бўлими) мурожаат қилишингиз мумкин.

70 Биз бир ёшга тўлмаган қиз болани фарзандликка олоқчимиз. Болалар уйи тақдим қилаётган маълумотлардан ташқари биз боланинг соғлиғини қўшимча равишда текширишга ҳуқуқимиз борми?

Ҳа, агар Сиз фарзандликка олиш учун ҳужжатларни расмийлаштириб бўлган бўлсангиз Меҳрибонлик уйи ходими ҳамроҳлигида шаҳар тиббиёт муассасаларидан бирида боланинг соғлиғини қўшимча равишда текширтиришга ҳуқуқингиз бор.

71 Бизнинг фарзандимиз йўқ, биз Америка Қўшма Штатлари фуқаролари ҳисобланамиз, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида ишляпмиз ва болани фарзандликка олишни хоҳлар эдик.

Болаларни чет эл фуқаролари томонидан фарзандликка олиниши учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда фарзандликка олиш рўй бераётган туман (шаҳар) ҳокими масъул ҳисобланади.

Қонунчиликка мувофиқ, етим болаларни жойлаштиришга васийлик ва ҳомийлик органлари масъулдирлар. Фарзандликка олувчилар ёки уларнинг қонуний вакиллари халқ таълими бўлимига тегишли ҳужжатларни тақдим этишлари лозим.

Қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ, фарзандликка олувчилар никоҳда бўлишлари ёки бўлмасликлари мумкин. Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт. Ўзбекистон ҳудудида яшаш лозимлиги бўйича талаблар йўқ.

Тахмин қилинган фарзандликка олувчилар болани танлаши биланоқ, улар бевосита туман (шаҳар) ҳомийлик ва васийлик органига ариза ва у билан бирга топширилиши лозим бўлган ҳужжатларни топширишлари ва дипломатик ваколатхонанинг куйидаги маълумотлар: болани фарзандликка олишни истовчи фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исмини, туғилган вақти, турар жойи, моддий аҳволи ҳақидаги маълумотларни, тиббий хулоса, оиланинг ахлоқий-руҳий шарт-шароити, шунингдек, фарзандликка олувчининг ҳар бирига тавсифномаларни ўз ичига олган илтимосномасига эга бўлишлари лозим.

Ҳомийлик ва васийлик органи ҳужжатларни ўрганиб бўлгандан сўнг уларни ҳокимиятга тегишли қарор чиқариш учун топширади. Ҳоким қарори асосида ФХДЁ органлари томонидан туғилганлик ҳақидаги янги гувоҳнома берилади. Туғилганлик ҳақидаги янги гувоҳномага фарзандликка олувчиларнинг исм-шарифлари ёзилади олади ва боланинг фамилияси фарзандликка олувчиларнинг фамилиясига ўзгартирилади.

69 Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 1998 йил 30 апрель.

Талабга кўра, боланинг исми ва туғилган санаси ўзгартирилиши мумкин. Боланинг туғилган санаси бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилади. Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

Ҳокимнинг рухсати ва ФХДЁ органлари берган ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Кириш, чиқиш ва фуқаролик бошқармаси болага паспорт ва унинг чиқишига рухсат беради.

Фарзандликка олиш учун бўлажак фарзандликка олувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

1. Васийлик ва ҳомийлик органига юқорида санаб ўтилган маълумотлар (исм-шарифи, яшаш жойи, оилавий аҳволи, фарзандлари бўлса улар ҳақида маълумот, тахмин қилинган фарзандликка олинувчи ҳақида маълумотлар) акс эттирилган ариза;
2. Тахмин қилинган фарзандликка олувчиларнинг паспорти;
3. Никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (агар никоҳда бўлса);
4. Оила аъзолари сони кўрсатилган ҳолда яшаш жойидан (уй-жойни кўздан кечириш) маълумотнома (ушбу маълумотлар уй-жойни кўздан кечиришга киритилиши мумкин);
5. Тахмин қилинган фарзандликка олувчиларнинг меҳнат фаолияти ҳақида маоши кўрсатилган ҳолда маълумотнома;
6. Иш берувчи, муниципалитет ёки оилани кузатиш агентлигининг тавсияномаси (тавсифномаси);
7. Тахмин қилинган фарзандликка олувчилар соғломлиги, юқумли касалликларга чалинмаганлиги ва гиёҳвандлик воситалари ва алкоголь ичимликларини суистеъмол қилмасликлари ҳақидаги шифокорнинг тиббий маълумотномаси;
8. АҚШ ҳукумати оила ҳақида маълумотга эга эканлиги ва тегишли органлар оилани текширгани ҳамда оиланинг етим болани фарзандликка олишини маъқуллаганликлари кўрсатилган АҚШ элчихонасининг хати.

Муҳим: Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, болани фарзандликка олиш жараёни бошланганда ҳамда қарор чиқарилаётган вақтда иккала ота-она ҳам Ўзбекистон ҳудудида шахсан бўлишлари шартлигини эътиборга олишингизни сўраймиз.

Изоҳ: барча ҳужжатлар расмий таржимон томонидан ўзбек ёки рус тилларига таржима қилинган бўлиши ва Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси томонидан тасдиқланган бўлиши керак⁷⁰.

72 Исталган мамлакат фуқароси Ўзбекистондан бола асраб олувчи бўлиши мумкинми?

Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болаларни фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикасида ўз дипломатик ваколатхонаси мавжуд бўлган давлатларнинг фуқаролари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Болаларни фарзандликка олишни истовчи шахсларни рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади⁷¹.

73 Фарзандликка олишга номзодлар фарзандликка олмоқчи бўлган бола ҳақида қандай маълумотларни олишга ҳақли?

Агар Сиз болани у тарбияланаётган ҳар қандай муассасадан фарзандликка олмоқчи бўлсангиз, бола тўғрисидаги энг батафсил маълумотни ва унинг қариндошлари борлиги ҳақидаги маълумотларни олишга ҳақлисиз. Бундан ташқари, бола турган муассасанинг вакили иштирокида унинг соғлиғи ҳақида янада батафсил маълумотга эга бўлиш мақсадида мустақил тиббий текширувни ўтказиш учун тиббиёт муассасасига мурожаат қилишингиз мумкин⁷².

⁷⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида низом.

⁷¹ Уша ерда.

⁷² Уша ерда (III бўлим. Фарзандликка олиш учун болаларни танлаш).

74 Васийлик ва ҳомийлик органи фарзандликка олишга номзодларга қандай ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим?

Васийлик ва ҳомийлик органи фарзандликка олинувчи ҳақида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- туғилганлик ҳақида гувоҳнома;
- бола эр-хотиндан бири томонидан фарзандликка олинаётган бўлса хотин (эр)нинг ёзма розилиги (агар эр-хотин оилавий муносабатни тугатган, бир йилдан охиқ биргаликда яшамаётган ва эр (хотин)нинг турар жойи номаълум бўлса, хотин (эр)нинг ёзма розилиги талаб этилмайди);
- фарзандликка олинувчи ота-онасининг нотариал равишда тасдиқланган розилиги;
- ота-онасининг вафот этганлиги ҳақида маълумотнома ёки суднинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги тўғрисида, ота-оналар, муомалага лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган, бедарак йўқолган ёки ўлган деб топилганлиги тўғрисидаги қарори;
- ота-онанинг болани тарбияси ва таъминотидан воз кечганлиги тўғрисидаги аризаси, ота-онага қидирув эълон қилинганлик ҳақидаги ҳужжатлар, ички ишлар, тарбиялаш, даволаш ва бошқа муассасаларнинг бола ташлаб кетилганлиги ҳақидаги далолатномаси ва бошқа ҳужжатлар;
- даволаш муассасасининг боланинг жисмоний ва руҳий ривожланиши тўғрисидаги хулосаси⁷³.

75 Фарзандликка олишга номзод фарзандликка олиш учун болани танлаб бўлганидан сўнг қандай ҳаракатларни амалга ошириши керак?

Фарзандликка олиш учун бола танлангандан кейин фарзандликка олувчига номзод боланинг яшаш жойи (бола турган жой)даги халқ таълими бўлимига фарзандликка олинаётган боланинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ёши ва жинсини кўрсатган ҳолда ариза билан мурожаат қилади. Ариза билан биргаликда номзоднинг фарзандликка олувчи бўлиши мумкинлиги тўғрисида тегишли халқ таълими бўлими томонидан берилган хулоса тақдим этилади.

Тарбиялаш ёки даволаш муассасаларидан фарзандликка олиш учун берилаётган болага ҳужжатлар тайёрлаш юқоридаги муассасалар маъмурияти томонидан амалга оширилади ва туман, шаҳар халқ таълими бўлимларига кўриб чиқишга берилади.

Туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари тақдим этилган ҳужжатлар асосида қуйидагиларни эътиборга олган ҳолда туман, шаҳар ҳокимига тавсиянома тайёрлайди:

а) фарзандликка олинувчининг соғлиги:

- соғлом болалар, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар боланинг соғлиги тўғрисида фарзандликка олувчини хабардор қилиш шарти билан фарзандликка берилиши мумкин;
- фарзандликка олинувчининг соғлиги ҳақидаги тиббий маълумот педиатр, невропатолог, хирург (ортопед-травматолог), офтальмолог, отоларинголог, логопед томонидан тузилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади. Бола бошқа мутахассислар томонидан ҳам текширилади.

б) фарзандликка олинувчи ота-онасининг розилиги:

- фарзандликка олинаётганнинг ота-онасидан боласини фарзандликка бериш учун нотариал тасдиқланган (паспорт маълумотлари кўрсатилган ҳолда) розилиги талаб қилинади;
- фарзандликка олинувчининг ота-онаси фарзандини муайян бир шахс томонидан фарзандликка олинишига розилик беришлари ёки фарзандликка беришга розилик билдириб, фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик органига ҳавола қилишлари мумкин;
- бола жойлашган тарбиялаш ва даволаш муассасалари маъмурияти боланинг ота-онасидан бошқа шахс томонидан фарзандликка олинишига розилигини олишда фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида тушунтириш бериши керак.

⁷³ Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида низом (14-банд).

Изоҳ: туман, шаҳар ҳокимининг фарзандликка олиш ҳақидаги қарори чиқарилгунга қадар ота-она ўз розилигини қайтариб олишга ҳақлидир⁷⁴.

76 Қайси ҳолларда фарзандликка олинувчининг розилиги зарур?

Агар фарзандликка олинувчи ўн ёшга тўлган бўлса боланинг розилиги талаб қилинади, бу ҳолларда унинг фарзандликка олинишга розилиги васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан аниқланади. Боланинг розилиги олинганда унга фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари (қариндошлари билан кўришиш, мулкӣ ва бошқа низолар), унинг фамилияси, туғилиш тўғрисидаги ёзувларнинг ўзгариши тушунарли ҳолда болага баён қилиниши шарт.

Агар бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этиши васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ўтказилган суҳбат мобайнида аниқланган бўлса, фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин⁷⁵.

77 Агар мен бола асраб олмоқчи бўлсам, лекин бошқа шаҳарда яшасам, бола тарбияланаётган шаҳарга бормасдан фарзандликка олиш жараёнини бошлаб юборсам бўладими?

Йўқ, қонунчиликка мувофиқ, фарзандликка олишга номзодлар нафақат шахсан бола билан танишишлари, балки у билан алоқа ўрнатишлари лозим. Улар шунингдек, фарзандликка олинадиган боланинг ҳужжатлари билан танишишга ҳамда боланинг соғлиги тўғрисидаги тиббий хулоса билан танишганликни ёзма шаклда тасдиқлашга мажбурдирлар⁷⁶.

78 Агар мен болалар уйдан имконияти чекланган болани асраб олмоқчи бўлсам ва унга қўшимча даволаниш ва овқатлантириш керак бўлса, асраб олиш билан боғлиқ ҳужжатларни кўриб чиқиш қанча вақт давом этади? Бу жараёни тезлаштираманми бўладими?

Сиз яшаш жойингиз бўйича халқ таълими органларига фарзандликка олишни исташингиз ҳақида ариза беришингиз лозим. Сизнинг аризангиз ва унга илова қилиб берилган тегишли ҳужжатлар ҳамда Сизнинг турмуш шароитларингизни ўрганиб чиқиш далолатномаси асосида халқ таълими бўлими ариза берилган кундан бошлаб 30 иш куни мобайнида Сизни фарзандликка олувчи бўлиш имкониятингиз тўғрисидаги хулосани тайёрлайди. Ушбу хулоса Сизга берилади ва у Сизни фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйиш учун асос ҳисобланади.

Агар туман халқ таълими бўлими томонидан Сизни фарзандликка олувчи бўла олмаслигингиз ҳақида қарор қабул қилинса, Сизга салбий хулоса берилади ва унга асосланиб Сизни фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйиш рад этилади. Ҳомийлик ва васийлик органи бундай қарорни у имзоланган санадан бошлаб 5 кун муддатда Сизнинг эътиборингизга етказди ва шу билан бирга Сизга барча ҳужжатлар қайтарилади ва қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

Ўз навбатида, Сиз Меҳрибонлик уйида тарбиялаётган болага ёрдам бериш имкониятига эгасиз. Сиз ушбу муассасанинг маъмурияти орқали муайян болага зарур қўшимча озиқ-овқат ва дори-дармонларни бериб юборишингиз мумкин⁷⁷.

79 Ҳомийлик ва васийлик органида фарзандликка олувчиларнинг навбат рўйхати борми?

Агар Сизнинг турар жойингиз бўйича васийлик ва ҳомийлик органи томонидан Сиз фарзандликка олувчи бўла олишингиз ҳақида қарор қабул қилинган бўлса Сизни ҳисобга қўйишда, сабаби ушбу органлар томонидан тарбиялаш ёки даволаш муассасаларида тарбияланаётган болаларни фарзандликка олишни истовчи шахсларнинг рўйхатини юритади.

⁷⁴ Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида низом.

⁷⁵ Ўша ерда.

⁷⁶ Ўша ерда.

⁷⁷ Ўша ерда.

*Аниқ бир болани (масалан, неваралар, ўғай ўғил ёки ўғай қиз, вафот этган қариндошларининг фарзандлари ва бошқаларни) фарзандликка олувчилар фарзандликка олишни истовчи шахсларнинг умумий рўйхатига олинмайди*⁷⁸.

80 Агар Меҳрибонлик уйда тарбияланаётган боланинг ота-онаси йўқ бўлса ва ота-она болани тарбиялашдан расмий равишда бош тортмаган бўлса, бу болани фарзандликка олиш тартиби қандай бўлади.

Агар бола меҳрибонлик уйда (яъни давлат болалар муассасасида) бўлса ёхуд васийлик ёки ҳомийликда бўлса, уни фарзандликка олиш учун ота-она розилиги талаб қилинмаган ҳолларда фарзандликка олиш жараёни васийнинг (ҳомийнинг) ёки болалар муассасаси маъмуриятининг рухсати билан амалга оширилади⁷⁹.

81 Қайси ҳолларда фарзандликка олиш ота-онанинг розилигисиз амалга оширилади?

Ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар:

- ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;
- ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;
- ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;
- ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомда болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса⁸⁰.

82 Мен фарзандимни болалар уйига (Мурувват, Меҳрибонлик) бериб, ундан воз кечган эдим, энди уни қайтариб олишни истайман. Буни қандай амалга оширсан бўлади. Мен уни фарзандликка олишни исташаётганини биламан. Бошқа фарзандликка олувчилар олдида менга устунлик бериладими?

Боланинг биологик оиласига қайтиши — болаларни оилага қайтаришда энг устивор ҳисобланади. Болангизни қайтариб олиш учун, Сиз яшаш жойингиздаги халқ таълими бўлимига мурожаат қилишингиз керак. Ўз болангизни Сизга қайтариш масаласи эса барча шароитларни назарда тутган ҳолда, Меҳрибонлик уйи тўғрисида низомга мувофиқ, алоҳида тартибда ҳал қилинади⁸¹.

83 Эрим иккимиз жисмоний ривожланишда нуқсон бор болани асраб олишга қарор қилдик, қандай маълумотларни тақдим этишимиз лозим?

Жисмоний ривожланишда нуқсон бор болани фарзандликка олиш ҳақидаги аризангизда Сиз боланинг соғлиғи ҳақида тўлиқ маълумотга эга эканлигингиз ҳамда болани таърибиялаш ва таъминлаш бўйича мажбуриятларни олишингиз ҳақидаги маълумотлар бўлиши лозим. Бундан ташқари, шуни ёдда тутиш лозимки, бола танлашда у тарбияланаётган Меҳрибонлик уйи ҳодими ҳамроҳлигида Сиз ихтиёрий тиббиёт муассасасида боланинг соғлиғини қўшимча равишда текширтиришга ҳуқуқингиз бор.

*Агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинмаётган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи эр-хотиннинг бирининг розилигини ва оилавий шароитини ўрганади ҳамда туман, шаҳар ҳокимига фарзандликка олиш бола тарбияси ва манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса тайёрлайди*⁸².

78 Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида низом.

79 Ўша ерда.

80 Ўша ерда.

81 Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган Меҳрибонлик уйи тўғрисида низом.

82 Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида низом.

84 Бола фарзандликка олинганидан кейин қанча муддат ичида унинг ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши керак?

Фарзандликка олиш тўғрисидаги туман, шаҳар ҳокимининг қарори чиқарилганидан кейин ўн кун ичида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари фарзандликка оли-наётганларнинг туғилиши қайд этилган дафтарга зарур ўзгартиришлар киритиши лозим.

Фарзандликка олувчилар боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ёзувлар дафтарига унинг ота-онаси деб ёзилиши керак. Зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилади.

Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

Фарзандликка олинган боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ёзувлар дафтарига зарур ўзгар-тиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти ҳисобланади⁸³.

85 Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинадими ва фарзан-дликка олган ота-она вафот этганда у ошкор қилинадими?

Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтаридagi ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганнинг отаси эмаслигини билдирадиган мазмун-даги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фар-зандликка олувчиларнинг розилигисиз, улар вафот этган ҳолда, васийлик ва ҳомийлик органи-нинг розилигисиз бериш тақиқланади.

Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига хилоф равишда фар-зандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган тартибда жавобгар-ликка тортиладилар⁸⁴.

86 Туққан ва асраб олинган болалар тенг ҳуқуқлими, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқ-ларда улар тенгми?

Фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (ота-онасининг қариндошлари) бир-бир-ларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳамда мажбуриятларини йўқотадилар.

Фарзандликка олиниш вақтида боқувчисини йўқотганлик учун пенсия ёки нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаганлар фарзандликка олинган тақдирда ҳам ана шу ҳуқуқни сақлаб қоладилар⁸⁵.

87 Фарзандликка олинган болаларнинг ҳужжатлари қанча муддатгача сақланади?

Фарзандликка олинган болаларнинг шахсий ҳужжатлари фарзандликка олишга тавсия тайёрлаб берган туман, шаҳар халқ таълими бўлимларида етмиш беш йил мобайнида сақ-ланади ва уларни фарзандликка олганларнинг яшаш жойидаги халқ таълими бўлимларига ўт-казилишига йўл қўйилмайди⁸⁶.

88 Оилага жойлаштирилгандан кейин фарзандликка олинган болаларнинг тур-муш шароитлари устидан назорат олиб бориладими?

Фарзандликка олинган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақ-садида фарзандликка олинган боланинг яшаш жойидаги халқ таълими бўлими унинг турмуш шароитлари ва тарбияланишини назорат қилади.

83 Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида низом.

84 Уша ерда (18-банд).

85 Уша ерда (Биринчи бўлим, VI Фарзандликка олишнинг ҳуқуқӣ оқибатлари, 19, 20-бандлар).

86 Уша ерда (Биринчи бўлим, VIII. Фарзандликка олинганларнинг шахсий ҳужжатларини сақлаш тартиби, 19, 20-бандлар).

Худудда бола фарзандликка олинган халқ таълими бўлими фарзандликка олиш тўғрисида туман, шаҳар ҳокимининг қарори чиққандан кейин 7 кун муддатда фарзандликка олувчи (лар) нинг яшаш жойидаги халқ таълими бўлимига фарзандликка олинган боланинг турмуш шароитлари ва тарбияланиши устидан назоратни амалга ошириш учун тегишли ахборотни юбориши шарт. Кўрсатиб ўтилган маълумотларни беришда фарзандликка олиш сир сақланиши керак. Уни ошкор қилишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Агар бола Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида фарзандликка олинса, боланинг ҳуқуқларига риоя этилишини, унинг яшаш ва тарбияланиш шароитларини назорат қилиш фарзандликка олинган бола яшаётган давлатдаги Ўзбекистон Республикаси элчихонасининг консуллик бўлимларига юклатилади⁸⁷.

2. ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ

89 Қайси ҳолларда фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб топилади?

Фарзандликка олиш қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади, агар:

- фарзандликка олиш қалбаки ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган бўлса;
- фарзандликка олиш сохта бўлса;
- вояга етган шахс фарзандликка олинган бўлса;
- фарзандликка олувчи шахс фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса, яъни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар, қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар, руҳий ёки наркологик муассасаларда рўйхатда турувчилар, қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар, шунингдек, собиқ фарзандликка олувчилар белгиланган асослар бўйича фарзандликка олиши бекор қилинган бўлса⁸⁸.

90 Қайси ҳолларда фарзандликка олиш бекор қилинади?

Фарзандликка олиш агар фарзандликка олувчилар:

- ўз зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар;
- ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган бўлсалар;
- фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлсалар;
- муттасил ичкиликбозликка ёки гивандликка мубтало бўлган бўлсалар бекор қилиниши лозим.

Фарзандликка олинувчи ўн саккиз ёшга тўлгандан кейин унинг хулқ-атвори фарзандликка олувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказётган, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солаётган бўлса, фарзандликка олиш суд тартибида бекор қилинишига йўл қўйилади.

Суд бошқа асосларга кўра ҳам боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда фарзандликка олишни бекор қилишга ҳақлидир⁸⁹.

91 Агар фарзандликка олиш бекор қилинса, боланинг ота-онасининг ҳуқуқлари тикланадими?

Суд томонидан фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб топилганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда фарзандликка олинган бола билан фарзандликка олувчиларнинг (фарзандликка олувчиларнинг қариндошлари) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари тугатилади ҳамда бола билан унинг ота-онаси (ота-онанинг қариндошлари) ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тикланади.

Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб топилганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда, бола суднинг ҳал қилув қарори билан ота-онасига олиб берилади.

⁸⁷ Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори тасдиқланган билан Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида низом.

⁸⁸ Уша ерда (Биринчи бўлим, VII. Фарзандликка олишни бекор қилиш учун асослар ва унинг оқибатлари, 21-бандлар).

⁸⁹ Уша ерда.

Боланинг ота-онаси йўқ бўлса, шунингдек агар болани ота-онасига бериш унинг манфаатларига зид бўлса, бола васийлик ва ҳомийлик органлари қарамоғига берилади.

Суднинг ҳал қилув қарорида фарзандликка олинган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми сақланиш-сақланмаслиги кўрсатилиши керак.

Ўн ёшга тўлган боланинг исми ва отасининг исми фақат унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин⁹⁰.

3. БОЛАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ БОШҚА ШАКЛЛАРИ

92 **Етим, ногирон бола қаерга жойлаштирилиши мумкин?**

Етим болаларга, улар ногирон бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, васийлик белгиланади. Васийлик боланинг манфаатини кўзлаб белгиланади.

Етим болаларни жойлаштириш шакллари қуйидагича бўлади: оилага жойлаштириш — фарзандликка олиниш, васийлик, ҳомийлик белгиланиш, оилага тарбияга бериш (патронат) ва сўнги навбатта, агар, оилага жойлаштиришнинг иложи бўлмаса, етим ёхуд ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун белгиланган муассасаларга — Меҳрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари, оилавий болалар уйлари, болалар уйлари ва Мурувват уйларига жойлаштириш.

Етим болаларни оилавий васийликка олиш учун албатта бўлажак ота-оналарнинг розилиги билан бирга болани тарбия ва яшаши учун керакли ижтимоий-маиший шароитлар яратилган бўлиши талаб этилади.

Етим болалар учун мўлжалланган давлат халқ таълими муассасаларига ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, мустақил ҳаракатлана оладиган, якка тартибда парваришlashга муҳтож бўлмаган ногирон болалар жойлаштирилади.

Енгил даражада ақли заиф бўлган етим болалар учун Тошкент шаҳрида иккита 30 ва 31-сонли кўшимча Меҳрибонлик уйлари ташкил қилинган.

3 ёшгача бўлган етим ногирон болалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги болалар уйларига, 18 ёшгача бўлган мустақил ҳаракатлана олмайдиган, якка тартибда парваришlashга муҳтож бўлган ногирон етим болалар, эса — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Мурувват уйларига жойлаштириладилар.

93 **Хозирда ногирон болаларни оилага жойлаштиришнинг муқобил шакллари ишлаб чиқилмоқдами? Ногирон болани тарбияlashга вақтинчалик топширишнинг қандай шакллари мавжуд?**

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга оилада тарбия беришнинг қонунчиликда назарда тутилган барча турлари имконияти чекланган болаларга ҳам тадбиқ этилади. Бўлажак фарзандликка олувчилар, васийлар, патронат тарбия берувчилар ўз оилаларига қабул қилмоқчи бўлган болаларнинг соғлиғи ҳақида хабардор қилинишлари керак.

94 **Ногирон болани фарзандликка олмасдан туриб, уни барча харажатларини давлат томонидан қопланадиган тарзда, ўз тарбиямга олсам бўладими? Бу ҳолда менга иш ҳақи тўланиши мумкинми?**

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, шу жумладан, тарбия ва даволаш муассасаларида, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга берилади.

Болаларни оилага тарбияга олиш ихтиёрий бўлиб, у васийлик ва ҳомийлик органлари билан болани олиш истагини билдирган шахслар ўртасида тузилган махсус шартнома асосида амалга оширилади.

⁹⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори тасдиқланган билан Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида низом.

Болани (болаларни) фарзандликка олишни хоҳловчи шахслар ўз яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига тутинган ота-оналар сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги илтимос билдирилган аризани берадилар.

Васийлик ва ҳомийлик органлари болани оилага тарбияга олган тутинган ота-онага қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб туради.

Васийлик ва ҳомийлик органлари оилага тарбиялаш учун берилган болаларни ҳар йили бир марта кийимбош ва пойабзал билан таъминлайдилар⁹¹.

95 Ногирон болага қандай қилиб васий бўлиш мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ, болаларга васийлик ва ҳомийлик ота-онаси вафот этганда, ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганида, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, ота-онаси муомалага лаёқатсиз деб топилганда, ота-онаси касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаган ҳолларда, ота-онаси болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбия, даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш муассасалардан боласини олишдан бош тортганда, шунингдек ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларни таъминлаш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек, уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида белгиланади.

Бу қоидалар қарамоқсиз қолган соғлом болаларга ҳам, имконияти чекланган болаларга ҳам бир хилда тааллуқлидир.

Васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Васий ёки ҳомий бўлишни истовчилардан васий ёки ҳомийликка олишни расмийлаштириш учун куйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- а) васийликка ёки ҳомийликка олувчиларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳда қачондан бери турганлиги ва уларнинг бирга ёки алоҳида яшаши, оилада фарзандлар бўлса, уларнинг сони ва ёши ва васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликка олиш асослари кўрсатилган ариза;
- б) шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
- в) турар жойидан оила аъзолари кўрсатилган маълумот;
- г) никоҳ гувоҳномаси (никоҳдан ажралганлик гувоҳномаси) нусхаси;
- д) иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома;
- е) иш жойи ёки турар жойидан тавсифнома;
- ж) васий ва ҳомий бўлишни истовчи шахсларнинг соғлиги тўғрисидаги врачлик маслаҳат комиссиясининг хулосаси, руҳий ва нарколегия муассасалари, тери-таносил диспансери маълумотномалари⁹².

96 Ногирон болалар учун оилавий болалар уйини ташкил қилсам бўладими?

Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низомга мувофиқ, тарбияловчи ота-она бўлишни хоҳловчи эр-хотиннинг шахсий сифатлари, уларнинг соғлиги, болаларни тарбиялаш бўйича мажбуриятларни бажаришга лаёқати (тайёрлиги), ўзлари билан бирга яшайдиган бошқа оила аъзолари билан ўзаро муносабатлари эътиборга олиниши керак. Ўзбекистон Республикасининг никоҳдан ўтган, 35 ёшдан 50 ёшгача бўлган фуқаролари тарбияловчи ота-она бўлишлари мумкин. Ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни тарбиялашда ижобий тажрибага ва педагогик маълумотга эга бўлган оилаларга устунлик берилади. Оилавий болалар уйида 5–10 та бола, шу жумладан имконияти чекланган болалар тарбияланиши мумкин⁹³.

91 Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида низом .

92 Уша ерда.

93 Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги 158-сон қарори билан тасдиқланган Оилавий болалар уйлари тўғрисида низом.

97 Олдин болалар уйида, сўнг Меҳрибонлик уйида яшаган, ақлий имкониятлари чекланган етим болага қандай ҳолларда уй-жой берилиши лозим?

Барча етим болалар каби, уй-жойга эга бўлмаган ақлий имконияти чекланган болалар уларнинг турар жойлари (Меҳрибонлик уйи) бўйича навбатдан ташқари уй-жой олиш учун рўйхатга қўйилишлари ва уй-жой билан таъминланишлари лозим⁹⁴.

98 Биз эгзак ногирон болалармиз. Биз 16 ёшга тўлдик. Биз етим болалар деб ҳисобланамизми? Уй билан таъминланишга ҳуқуқимиз борми?

Интернат-уйларда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа стационар муассасаларида турадиган етим ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган ногирон болалар воёга етганидан кейин ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ, агар дастурда ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ва мустақил турмуш тарзи олиб бориш имконияти назарда тутилган бўлса, уй-жой майдони билан навбатдан ташқари таъминланади.⁹⁵

99 Болани қандай қилиб Мурувват уйига жойлаштира бўлади?

Болалар Мурувват уйлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимига киради. Болалар Мурувват уйларига ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган, руҳий касал, таълим олиш ва меҳнат қилишга, касб ўрганишга лаёқатсиз 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаликдан ногирон болалар жойлаштирилади.

14 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-ижтимоий муассасага жойлаштириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади:

- ота-оналари томонидан фарзандини болалар Мурувват уйига расмийлаштиришни сўраб ёзган аризаси;
- 14 ёшдан катта болалар учун болага васий тайинлаш ҳақидаги ҳокимнинг қарори;
- боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;
- соғлиги ҳолати ҳақидаги ҳужжатлар ва ТППКнинг хулосаси;
- тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси;
- ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳақида маълумот;
- паспорт нусхаси ва яшаш жойидан маълумотнома;
- боланинг турмуш шароити ва тарбияси ҳақидаги текширув далолатномаси;
- боланинг пенсия дафтarchаси.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳудудий меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига тақдим қилинади⁹⁶.

4. Кундузги ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ ВА ВАҚТИНЧА ЖОЙЛАШТИРИШ

100 Оилавий шароити сабабли фарзандимни вақтинча Меҳрибонлик уйга (болалар Мурувват уйларига) жойлаштирамоқчиман. Буни қандай амалга оширса бўлади.

Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги низомга кўра, Меҳрибонлик уйига кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг болалари, фақат отаси ёки онаси бор бўлган болалар ушбу оилаларни бир йилгача муддатда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида вақтинчалик қабул қилинади. Уларнинг бундан кейин Меҳрибонлик уйида бўлиши тарбияланувчи яшайдиган жой бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг хулосасига кўра туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан белгиланади⁹⁷.

⁹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси, 1998 йил 24 декабрь.

⁹⁵ 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун.

⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидалар (рўйхат рақами 1848, 2008 йил 29 август).

⁹⁷ Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган Меҳрибонлик уйи тўғрисида низом.

101 Биз кўзи ожизлар мактаб-интернати ўқувчиси бўлган қизимизни дарслардан кейин уйга олиб кетсак бўладими?

Жисмоний ривожланишида нуқсони бор болалар, жумладан кўришда нуқсони бор болалар учун мўлжалланган мактаб-интернатлар тун-кун ишлайдиган муассасалар ҳисобланади. Одатда кўришда нуқсони бор болаларнинг кун тартиби шундай тузиладики, унга кўра бола мазкур муассасада таълим олиш билан бирга коррекцион-тарбиявий, тиббий ёрдамни ҳам олади. Ривожланишдаги асосий нуқсонлардан ташқари бошқа нуқсонларни бартараф этиш бўйича гуруҳ ва яқка тартибдаги машғулотлар дарсдан ташқари вақтда жадвалга мувофиқ ўтказилади. Барча машғулотлар бола учун муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, болани ҳамма дарслар ва машғулотлар ўтказиб бўлинганидан кейин муассаса маъмурияти рухсати билан олиб кетиш мақсадга мувофиқ.

102 Уйда яшай олиши учун биз асаб-психик нуқсонлари бор фарзандимизни ишда бўлган вақтимизда вақтинча куннинг бир қисмига Мурувват уйига олиб борсак бўладими?

Болани нафақат Мурувват уйида, балки бошқа махсус муассасаларда ҳам куннинг бир қисми давомида олиб қолиш боланинг манфаатларига зид келмаса, унинг соғлиғига ва ҳаётига хавф солмаса, ота-оналарнинг аризасига мувофиқ муассаса маъмуриятининг тегишли қарори асосида амалга оширилади⁹⁸.

103 Мен боламни Мурувват ёки Меҳрибонлик уйига фақат кундуз кунига жойлаштириш мумкинми?

Болани Мурувват ёки Меҳрибонлик уйларига жойлаштириш халқ таълими бўлимларининг тақдимномасига мувофиқ туман (шаҳар) ҳокимларининг буйруғи асосида амалга оширилади. Ушбу таълим муассасаларида болалар тўлиқ давлат қарамоғида бўладилар. Уларни таътил пайтида ёки бошқа вақтда фақат қариндошлари ёки бошқа шахслар халқ таълими бўлимлари томонидан берилган рухсат асосида уйга олиб кетишлари мумкин⁹⁹.


104 Ногирон болани болалар уйидан (Меҳрибонлик уйидан) қанча муддатда уйга олиб кетиб туришим мумкин?

Агар сиз халқ таълими бўлимларида (васийлик ва ҳомийлик органларида) тегишли рухсатномани расмийлаштирсангиз, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари маъмурияти билан биргаликда болани қанча муддатларда, агар у боланинг манфаатларига зид бўлмаса, уйга олиб кетиб туришингиз мумкинлигини аниқлаштириб олишингиз мумкин¹⁰⁰.

⁹⁸ Ўша ерда.

⁹⁹ Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган Меҳрибонлик уйи тўғрисида низом.

¹⁰⁰ Ўша ерда.



IV. НОГИРОН БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМИ

1. БОЛАНИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА ЖОЙЛАШТИРИШ

105 Аҳолининг қайси қисми болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига навбатдан ташқари жойлаштириш бўйича имтиёзларга эга?

*Қуйидаги болалар: I ва II гуруҳ ногиронлари, кўп болали оилаларнинг болалари, ҳарбий хизматчиларнинг болалари, талабалар ва педагогларнинг болалари мактабгача таълим муассасасига қабул қилишда имтиёзлардан фойдаланадилар*¹⁰¹.

106 Мактабга таълим муассасини танлашда нимага эътибор қаратиш лозим?

Мактабгача таълим муассасини танлашда унинг уйдан узоқлиги, тури, ишлаш режими, ҳаётни ҳавфсизлигини ва соғлиқни сақлашни таъминлаш шароитлари мавжудлиги, болалар боғчасида руҳий қулай шароитнинг мавжудлиги, ўқув тарбия жараёнининг «очиқлиги» эътиборга олиниши зарур. «Таълим тўғрисидаги» Қонунга мувофиқ, ота-оналар таълим-тарбия жараёнининг иштирокчилари ҳисобланадилар ва таълим муассасасида фойдаланилаётган ўқув дастурлари ва илғор технологиялар, тарбиячининг (муаллимнинг) малакаси ва шахсий фазилатлари ҳақида билиш ҳуқуқига эгалар. Ота-оналарнинг васийлик кенгаши ҳам муҳим маълумотлар тақдим қилиши мумкин. Ота-оналар мактабгача таълим муассасани танлашда унинг устави ва дастури билан танишишга ҳақлидирлар.

107 Мактабгача таълим муассасасининг умумий типдагиси махсусидан нимаси билан фарқ қилади?

Умумий типдаги мактабгача таълим муассасаси мактабгача бўлган таълимни олиш ва болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш мақсадида тузилади. Махсус мактабгача таълим муассасалари жисмоний ёки ақлий ривожланишида турли нуқсонлари бўлган болаларнинг мактабгача таълим олишларида уларга ёрдам бериш, уларни англаш имкониятларига мувофиқ тарбиялаш ва соғломлаштириш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташкил этилади. Махсус мактабгача таълим муассасаси белгиланган давлат нормативларига ва мактабгача таълим муассасасига қўйиладиган талабларга мувофиқ болаларни тарбиялашни, ўқитишни, уларга қараб туриш ва уларни парвариш қилишни ҳамда соғломлаштиришни таъминлайди. Махсус давлат мактабгача таълим муассасарида болалар тўлиқ давлат таъминотида бўладилар¹⁰².

108 Болани инклюзив болалар боғчасига жойлаштириш учун қаерга мурожаат қилиш керак?

Яшаш жойингиз бўйича халқ таълими бўлимларига мурожаат қилишингиз лозим.

¹⁰¹ 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида низом.

¹⁰² Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

109 Болани махсус болалар боғчасига қандай қилиб жойлаштира бўлади?
*Болани махсус мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш учун тиббий-психологик-педагогик комиссиясидан (ТППМ) ўтиш зарур*¹⁰³. Туман халқ таълими бўлимларига қўнғироқ қилиб, махсус МТМга жойлаштириш тартиби ҳақида маълумот олишингиз мумкин.

110 ТППКдан ўтиш учун мен қайси ҳужжатларни тақдим этишим керак? Улар қаерда жойлашган ва қанча муддат оралаб фаолият юритишлари лозим?

Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳузурида ташкил қилинган. Улар бир ойда икки марта белгиланган кунларда фаолият кўрсатади. Туман халқ таълими бўлимларига қўнғироқ қилиб, махсус МТМга жойлаштириш тартиби ҳақида маълумот олишингиз мумкин.

Зарур ҳужжатлар:

- туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- яшаш жойидан маълумотнома;
- ота-онасининг иш жойидан маълумотнома;
- поликлиника педиатрининг йўлланмаси;
- мутахассисларнинг (психоневролог, ортопед, окулист, лор) тиббий хулосаси¹⁰⁴.

111 Махсус мактабгача таълим муассасаларида болани қанча муддат давомида бўлишини ва у билан олиб бориладиган коррекцион ишлар қанча муддат давом этишини ким белгилайди?

Махсус мактабгача муассасанинг тури ва у ерда болалар қанча муддатда бўлиши болаларни махсус мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш бўйича туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида фаолият юритадиган ТППК хулосасида белгиланади. Коррекцион ишлар тамоланганидан сўнг руҳий ёки жисмоний ривожланишдаги нуқсонлар бартараф этилса, болани умумий типдаги мактабгача таълим муассасасига ўтказиш ҳам ТППКнинг хулосаси асосида амалга оширилади¹⁰⁵.

112 Менинг ўғлим бир ярим ёшда. Мен боладаги нуқсонларни бартараф этиш ишларини биринчи 3 йил давомида бошлаш жуда муҳим эканлигини ўқидим, Лекин бизга махсус мактабгача таълим муассасасида болани фақат 3 ёшдан бошлаб қабул қилишларини айтишди. Шу тўғрими?

Махсус мактабгача таълим муассасасига болалар 2 ёшдан бошлаб қабул қилинадилар¹⁰⁶.

113 Туман халқ таълими бўлиmidан мактабгача таълим муассасасига йўланма олдим ва бир ойдан кейин фарзандимни болалар боғчасига олиб бордим. Болалар боғчаси маъмурияти йўлланманинг муддати ўтганини айтиб, болани қабул қилмади ва қабул комиссиядан қайтадан ўтиш кераклигини айтди.

Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) 15 кунлик муддатда олинган йўлланмани мактабгача таълим муассасасига тақдим этиши шарт. Ушбу муддат ичида йўллан-

¹⁰³ Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

¹⁰⁴ Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 1753, 2007 йил 26 декабрь).

¹⁰⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

¹⁰⁶ Уша ерда.

ма тегишли мактабгача таълим муассасасига тақдим этилмаса, мазкур йўлланма ўз кучини йўқотади¹⁰⁷.

114 РРС — руҳий ривожланиши суст ташҳисли бола 7 ёшида мактабнинг биринчи синфига борди. Биринчи чорак натижаларига кўра педагогик кенгаш бола ўқув дастурини бажара олмаётганини аниқлади. Ота-она болани болалар боғчасига яна бир йилга қайтаришга қарор қилишди. Болалар боғчаси маъмурияти бола 7 ёшда эканлигини кўрсатиб, уни қабул қилишдан бош тортди. Ушбу вазиятда қандай йўл тутиш керак.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшидан қабул қилинади. Олти ёшлик болалар тиббий-психологик-педагогик текширувдан ўтадилар ва унинг натижасига кўра комиссия уни мактабга қабул қилиш ҳақида қарор қарор қабул қилади. Сизнинг фарзандингиз 7 ёш бўлгани учун, у мактабда таълим олиши зарур. Айнан шу сабабли, болалар боғчаси маъмурияти уни қайта қабул қила олмайди. Шу билан бирга, мактаб маъмурияти битта чоракнинг якунига қараб боланинг тақдирини ҳал қилишга ҳақли эмас. Тенгдошлари жамоасига киришнинг мураккаб жараёни кечаётган, бола ўзи учун янги бўлган ўқувчилик шароитини эгаллаётган, ўзи учун мутлақо янги бўлган ижтимоий муҳит қоидаларини ўзлаштираётган бунақанги қисқа муддат ичида умумтаълим дастурини тўлиқ ўзлаштира олмаслик ҳоллари бўлиши мумкин. Сиз мактаб маъмуриятига болангиз учун яқка тартибдаги таълим дастурини ишлаб чиқиш ҳақида ариза билан мурожаат қилишингиз ва бола учун қўшимча тиббий-психологик-педагогик ёрдамни ташкиллаштиришингиз зарур.

115 Агар мен туман тиббий-психологик-педагогик комиссия хулосасидан норози бўлсам, нима қилмишим керак?

Сиз шаҳар ёки вилоят ташҳис марказларига мурожаат қилишингиз мумкин. Ушбу марказлар таркибига: логопед, психоневролог, педиатр ва бошқа мутахассислар кирадлар. Бундан ташқари, Сиз, Тошкент шаҳридаги Республика болалар ижтимоий мослашуви марказига мурожаат қилишингиз мумкин.

116 Мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий ривожланишини ташҳис қилиш бўйича қаердан маслаҳат олиш мумкин?

Ҳар бир туманда таркибига дефектолог, руҳшунос, педиатор, педагог мутахассислар кирадиган ташҳис тиббий-психологик-педагогик марказлари ташкил қилинган. Бундан ташқари, туман халқ таълими бўлимларида болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича тиббий-психологик-педагогик комиссиялар мавжуд. У ерга болангиз билан мурожаат қилиб, ташҳис тадбирлари ўтказилганидан сўнг, Сиз болангизнинг ақлий ривожланиш даражаси ҳақида маълумотга эга бўласиз¹⁰⁸.

117 Мен она сифатида фарзандимнинг ривожланиш даражасини мустақил равишда аниқласам бўладими ёки бунинг учун махсус билимлар керакми? Боланинг ақлий ривожланиш меъёрлари борми?

Ўзбекистонда муайян ёшдаги бола ушбу даврда билиши ва қила олиши мумкинлигини ифода этувчи болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланиш кўрсаткичларини ўз ичига олган боланинг илк ривожланиши стандартлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Ушбу стандарт мавжуд

¹⁰⁷ Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 1753, 2007 йил 26 декабрь).

¹⁰⁸ Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 1753, 2007 йил 26 декабрь).

бўлишининг кўрсаткичлари белгиланган ва таълим бериш йўллари кўрсатилган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ Сиз фарзандингизнинг ривожланиш даражасини осонлик билан билиб олишингиз мумкин. Ушбу ҳужжат билан Сиз Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг веб-сайтида танишиб чиқишингиз мумкин. (www.uzedu.uz)

118 Республикада махсус мактабгача таълим муассасаларининг қандай турлари ва шакллари мавжуд?

Махсус мактабгача таълим муассасалари уларнинг ихтисослашувига мувофиқ қуйидаги типларга бўлинади:

- нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун махсус мактабгача таълим муассасаси;
- эшитишида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун махсус мактабгача таълим муассасаси;
- кўришида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун махсус мактабгача таълим муассасаси;
- психик нуқсонли (психик ривожланишда кечикиш, ақли заиф) болалар учун махсус мактабгача таълим муассасаси;
- таянч-ҳаракатланиш аппаратида нуқсонлар бўлган болалар учун махсус мактабгача таълим муассасаси;
- мураккаб нуқсонлари бўлган болалар учун махсус мактабгача таълим муассасаси.

119 Мен чекка қишлоқда ногирон болам билан яшайман. Бизда махсус болалар боғчаси йўқ. Умумий типдаги мактабгача болалар боғчасига болани олишмаяпти, сабаби кун давомида у ерда бўлиш имкони йўқ. Мен нима қилишим керак?

Қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисида низомга мувофиқ, Сизнинг фарзандингиз умумий типдаги МТМда фаолият кўрсатадиган қисқа муддатли гуруҳларга (4–5 соат) қатнаши мумкин¹⁰⁹. Сиз болаларни МТМга қабул қилиш комиссиясига фарзандингиз соғлиги ҳақидаги тиббий хулосани илова қилиб ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

120 Менинг БЦФ ташҳиси қўйилган фарзандим бор. У уйда ўтиради. Мен уни 2–3 соатга болалар даврасида бўлиши истар эдим. Болани яқин атрофдаги болалар боғчасига фақатгина 2–3 соатга олиб бориш мумкинми? Бу учун нима қилиш керак?

Қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисида низомга мувофиқ, «Муаммоли бола» гуруҳига 10–12 та соғлом болалар билан биргаликда учтадан кам бўлмаган ногирон болалар ҳам бўлиши мумкин. Ушбу гуруҳлар 4–5 соат фаолият кўрсатади. Сиз туман халқ таълими бўлимларидаги мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш бўйича комиссияга мурожаат қилиб, йўлланмани, тиббий картани ва муассаса маъмурияти билан шартномани расмийлаштиришингиз зарур¹¹⁰.

121 Менинг фарзандимга «риниология» ташҳиси қўйилган. Уйда у менинг доимий қарамоғимда, аммо сезишимча, у болалар билан ўйнагиси келади. Лекин мен унинг тенгдошлари томонидан камситилишидан кўрқиб, болалар боғчасига жойлаштиришга жазм қилмаяпман. Яқин атрофдаги боғча маъмуриятидан кун давомида фарзандим ёнида бўлишни илтимос қилдим, лекин рад жавобини олдим. Нима қилсам бўлади?

Одатда болалар ташқи нуқсонларни сезишмайди ва бунга катта аҳамият қаратишмайди. Бу кўпроқ катталарнинг муаммоси. Сизнинг фарзандингиз ижтимоий муҳитни ҳис қилиши учун тенгдошлари билан ўйнаши керак. Сизнинг кун давомида муассасада бўлишингиз фарзандингиз ва бошқа болаларга ҳеч қандай педагогик таъсир кўрсатмайди. Сиз томондан кўрсатилади-

¹⁰⁹ Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон «Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори .

¹¹⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон «Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори .

ган ғамхўрлик фарзандингиз тенгдошлари орасига киришиб кетишига ҳалақит беради ҳамда у ўзини ажратилиб қўйилгандай ҳис қилади ва мустақил бўла олмайди.

122 Менинг фарзандим туғма касаллик билан туғилган: диабет. Бундай болалар учун махсус муассасалар борми?

Бугунги кунда қандли диабет касаллиги бор болалар учун махсус муассасалар йўқ. Лекин сизнинг фарзандингиз исталган типдаги мактабгача таълим муассасасига қатнаши мумкин. Унга қарашнинг алоҳида шарт-шароитлари эса Сиз билан МТМ маъмуриятининг ўзаро келишувида белгилаб олиниши мумкин.

123 Фарзандимга сурункали гепатит ташҳиси қўйилган. Унга санаторий типдаги мактабгача таълим муассасасига йўлланма беришди. Бундай мактабгача таълим муассасаси болани мактабга сифатли тайёрлай оладими?

Ушбу типдаги мактабгача таълим муассасалари санаторий даволашни олиб бориш билан бирга, мажбурий тартибда мактабгача таълим муассасаларга қўйиладиган давлат талабларга асосида болангизни мактабга тайёрлаш ишларини ҳам олиб боради. Қўйиладиган ягона чеклов, бу енгилроқ ҳаракатланиш режими ва кам жисмоний зўриқишлар ҳисобланади.

124 Нодавлат мактабгача таълим муассасаси БЦФ ташҳиси қўйилган болаларни қабул қилишга мажбурми?

Агар таълим муассасаси уставида ушбу йўналишда иш олиб бориш белгиланган ва бу учун керакли ресурслар (моддий, методик ва мутахассислар) мавжуд бўлса, нодавлат мактабгача таълим муассасалари БЦФ ташҳиси қўйилган болаларни қабул қилишга мажбур.

125 Менинг фарзандимда болалар церебрал фалажи бор, шу сабабли, унда қаттиқ гиперкинез ва сўлак оқиши борлигини айтиб, уни болалар боғчасига қабул қилишмаяпти. Боғча мудирини бизга: «Қачон бундан халос бўлсангиз, ўшанда келинг» — деди. Биз нима қилсак бўлади?

Оддий турдаги мактабгача таълим муассасалари махсус тайёрланган ходимларга эга эмас ва улардаги тиббий ходимлар штати чегараланган бўлади. Республикада таянч-ҳаракатланиш тизими бузилган болалар учун махсус мактабгача таълим муассасалари тизими яратилган. (33 та МТМ: Тошкентда 6 та, Тошкент вилоятида 3 та, Наманганда 5 та, Самарқанда 2 та, Фарғона вилоятида 10 та, Хоразм вилоятида 7 та).

126 Мен ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ҳаракатланишда оғир нуқсонлари бор болани ёлғиз тарбия қиляпман. У яқинда 3 ёшга тўлади ва мен энди ишга чиқишим лозим. Бизда менинг фарзандимга кундузи қараб тура оладиган болалар боғчаси ёки марказлари борми? Нима қилсам бўлади?

Фарзандингизни Тошкент шаҳари, Юнусобод тумани, 13-мавзеда жойлашган таянч — ҳаракатланиш тизимида нуқсонлари мавжуд бўлган болалар учун мўлжалланган 560-сонли махсус таълим муассасасига жойлаштиришингиз мумкин.

127 Менинг фарзандимга бир қанча ташҳислар қўйилган. Уни бир ташҳис билан бирорта махсус мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш, ундаги нуқсонларни тузатишга максимал шароит яратмайди. Бизда барча мутахассислари бор коррекцион (тузатиш) марказлари мавжудми?

Халқ таълими вазирлиги томонидан Оғир ташҳисли болалар учун махсус мактабгача таълим муассасаси ҳақидаги низом ишлаб чиқилган. Бундай муассасалар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорига биноан, коррекцион хизматларга муҳтож бўлган болалар учун моддий-

техника воситалари, ходимлар потенциали ва болалар сони етарли даражада мавжуд бўлган ҳолларда ташкил қилинади¹¹¹.

128 Менинг ўғлимда руҳий ривожланишининг сустиги ва нутқининг оғир нуқсонлари бор. Мен уни логопедик болалар боғчасига боришини хоҳлар эдим. РРС бўлишига қарамасдан уни ушбу боғчага жойлаштираман бўладими?

Ҳа, бунинг имконияти бор. Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари тўғрисида низомга мувофиқ, логопедик мактабгача таълим муассасаларига руҳий-нутқий ривожланишда орқада қолиши бор болалар қабул қилинадилар¹¹².

129 Ўғлимда тутқаноқ бор ва уни болалар боғчасига олишмаяпти. Мен уни тендосларига қўшилишини истайман. У билан болалар боғчасига бирга борсам уни олишадими? Агар шифокор ёлласамчи?

Бола таълим муассасасига бориши мумкинлиги ҳақидаги тиббий хулоса ва болаларни қабул қилиш комиссиясининг йўлланмаси бор бўлса, мактабгача таълим муассасасининг маъмурияти болани қабул қилишга мажбур¹¹³. Жисмоний ва руҳий томондан боланинг соғлигини сақлаш мақсадида, бола қисқа муддатли гуруҳларда ота-онасининг бири билан бўлиши мақсадга мувофиқ. Ушбу шартлар мактабгача таълим муассасаси маъмурияти билан ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахслар ўртасида тузиладиган шартномада кўрсатиб ўтилади.

130 Таянч-ҳаракатланиш аъзосида нуқсонлар бўлган болалар учун махсус мактабгача муассасасига қандай ташҳислар билан қабул қилишади?

Таянч-ҳаракатланиш аъзосида нуқсонлар бўлган болалар (бош мия, бўйин, кўкрак қафаси, умуртқа, бўғимлар ва оёқлар операцияларининг барча турларидан кейинги ҳолат, барча туема рахит, жароҳат, куйиш ва бўйин, кўкрак қафаси, умуртқа ва оёқларнинг идиопатик бузилиши; кифозлар, лордозлар, кифосколиоз, қоматнинг бузилиши, кўкрак қафаси, умуртқа ва оёқлар деформацияси, ясси оёқ панжаси, оёқ панжалари фалажи; таянч-ҳаракатланиш аъзоси ривожланиши аномалияси, бўғимлар деформацияси, артрозоартритлар, бўгинлар рекурвацияси, жисмоний ривожланишида орқада қолиш; остехондропатия, хондродистрофия; полиомиелит ва менингоэнцефалитга чалингандан кейин болалар церебрал фалажида таянч-ҳаракатланиш аъзоларининг барча патологиялари, гемиопорезлар, плегиялар, монопорезлар, Эрб-Дюшен фалажи, полирадикулоневритлар) қабул қилинадилар¹¹⁴.

131 Менинг беш яшар фарзандим баъзи товушларни талаффуз қила олмайди. Уни логопедик болалар боғчасига жойлаштираман бўладими?

Махсус мактабгача таълим муассасаларига алалия, болалар афазияси, ринолалия, дизартрия, дудуқланиш, руҳий-нутқий ривожланишда орқада қолиш каби нутқидега оғир нуқсонлар бўлган болалар қабул қилинадилар¹¹⁵. Сиз поликлиниканинг логопеди билан маслаҳатлашишингиз керак. Агар логопед «нутқининг фонематик ёки фонетик-фонематик бузилиши» деб ташҳис қўйилса, поликлиника қошидаги логопунктга ёки турар жойингиздаги умумий типдаги мактабгача таълим муассасасига боришингиз етарли бўлади.

111 Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

112 Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

113 Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон «Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

114 Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

115 Уша ерда.

2. БОЛАНИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА БЎЛИШИ

132 Мен II гуруҳ ногирониман. Менинг фарзандим болалар боғчасига борар эди, касал бўлиб қолди, кейин эса биз қариндошларимизникига меҳмонга кетдик. 3 ойдан кейин болалар боғчасига қайтсак, бизга қайтадан йўлланма олиб келишимиз лозимлигини маълум қилишди. Боғча маъмурияти ҳаракатлари қонунга мувофиқми?

*Ота-оналардан бирининг боланинг қатнамаслик сабаби кўрсатилган (санаторийда даволашни, ота-оналарнинг меҳнат таътили ва бошқалар) аризаси бўлса, боланинг жойи 90 календар кунни давомида сақланиб турилади. Агар боланинг қатнамаслик сабаблари номаълум бўлса ва қатнамасликнинг сабабини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса, маъмурият ота-оналар билан тузилган шартномани ўрнатилган тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга*¹¹⁶.

133 Бизнинг оиламиз кам таъминланган оила ҳисобланади. Менинг болам мактабгача таълим муассасасига имтиёзли асосларда жойлаштирилиши мумкинми?

Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида кам таъминланган оилалардан бўлган болалар давлат мактабгача таълим муассасаларига бепул қатнашлари мумкин. Бунинг учун турар жой бўйича маҳалла фуқаролар йиғинидан оиланинг даромадлари ҳақида маълумотномани олиб, мактабгача таълим муассасасининг Васийлик кенгашига тақдим этиш зарур. Кенгаш ҳужжатлар билан танишиб, оиланинг ижтимоий муҳитини ўрганиб, болани тўловдан озод қилиш ҳақида буйруқ чиқаради. Васийлик кенгаши аризаларни ҳар 6 ойда кўриб чиқади.¹¹⁷

134 Кимлар мактабгача таълим муассасасига бепул қатнаш бўйича имтиёزلарга эга? Қуйидаги ташхислари бор болалардан таъминоти учун тўловлар ундирилмайди:

- қулоғи қар (жумладан заиф эшитадиган)
- кўзи ожиз (жумладан кўриш қобилияти паст)
- нутқнинг оғир бузилишлари (алалия, дизартрия, ринолалия, афазия, дудуқлик, нутқнинг I ва II даражали умумий ривожланмаганлиги)
- таянч-ҳаракат аппаратининг бузилиши (церебраль фалажлик, полиомиелит асоратлари, артрогиппоз, хондродистрофия, миопатия)
- ақли заифлик, руҳий ривожланишининг сустлиги (ақлий қобилиятнинг бузилиши)
- сил касаллигининг илк кўриниши (бемор билан алоқада бўлиш ва тубвираж), шунингдек сил касаллиги ва гепатит касаллигидан кейинги тиклаш даври¹¹⁸.

135 Фарзандимни мактабгача таълим муассасасига бердим. Боғча раҳбарияти биринчи ҳафталарда боламни 1–2 соатгагина қолдиришим кераклиги ҳақида мени огоҳлантирди, тўловни эса тўлиқ тўлашни талаб қилишмоқда. Нега?

Боланинг асаб-руҳий саломатлиги учун таълим муассасасига кўникиш масаласи жуда муҳим ҳисобланади. Кўникиш даври ҳар бир болада ҳар хил кечади. Бу давр мобайнида ҳам оилада, ҳам болалар боғчасида болага нисбатан ўта эътиборли бўлиш керак. Болалар боғчасидаги шароитларга бола аста-секин ўрганиб боришини таъминлаш керак. Боланинг руҳиятини яхши аҳволда сақлаш мақсадида боланинг мактабгача таълим муассасасида бўлиш вақтини секин-аста кўпайтириб боришилиши лозим. Тўловлар шартнома ту-

¹¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1768, 2008 йил 13 февраль).

¹¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори.

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1768, 2008 йил 13 февраль).

зилган кундан ва бола мактабгача таълим муассасасига боришни бошлаган пайтдан бошлаб амалга оширилади¹¹⁹.

136 Ота-оналарнинг мактабгача таълим муассасидаги ҳуқуқлари тўғрисида айтиб берсангиз.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар:

- ўз болалари учун ўқитиш ва тарбиялашнинг шакллари, мактабгача таълим муассасалари типини ва таълим бериш тилини танлаш;
- мактабгача таълим муассасаси маъмуриятидан мактабгача таълим муассасасининг уставига мувофиқ бўлган зарур шарт-шароитлар таъминланишини талаб қилиш;
- боланинг шахсига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;
- болаларнинг болалар мактабгача таълим муассасасидаги ҳаёт кечиришини ташкил этишда фаол иштирок этиш;
- режим доирасида улар учун қулай бўлган исталган вақтда болаларни мактабгача таълим муассасасига олиб келиш ва ундан олиб кетиш ҳуқуқига эга¹²⁰.

137 Фарзандимнинг юқори танглайида ёриқ бор. Шифокорлар уни бир неча бор операция қилиш кераклиги айтишди. У махсус мактабгача таълим муассасасига борапти. Операциядан олдин ва кейин ўтадиган даврда таълим муассасида бизнинг жойимизни сақлаб туришадими? Бунинг учун қандай ҳужжатларни тақдим қилиш керак?

Агар болангизни операция қилиш ниятингиз борлиги ҳақида мактабгача таълим муассасасининг маъмуриятига ёзма равишда мурожаат қилсангиз ва қайтиб келишингиз билан болангиз келмаганлигининг сабаби кўрсатилган ҳужжатни (тиббий маълумотномани) кўрсатсангиз, мактабгача таълим муассасасидаги болангизнинг жойи сақланади¹²¹.

138 Биз ногирон болаларнинг ота-онасимиз. Биз бирлашиб болалар боғчасига тегишли масалаларини турли идораларда биргаликда ҳал қилишни хоҳлаймиз. Мудирамизнинг айтишича бизнинг бу ташаббусимизни деб, унда раҳбарият ва таъсисчилар билан муаммолар пайдо бўлиши мумкин экан. Айтингчи, наҳотки бизда болалар боғчасининг фаолиятида қатнашиш ҳуқуқи бўлмаса ва бу қонунга хилоф иш деб ҳисобланса?

Таълим тизимини бошқариш принципларидан бири унинг жамоавий характерга эга эканлиги ҳисобланади. Ота-оналар болалари бораётган таълим муассасасининг васийлик кенгашларига бирлашиши ҳамда болаларни тарбия қилиниши ва таълим олиши жараёнини яхшилашга қаратилган масалаларни ҳал этишга ҳақлидирлар. Таълим-тарбия жараёнининг қатнашчилари ҳисобланар экан, ота-оналар мактабгача таълим муассасининг фаолиятида иштирок этишга ҳақли ва мажбурдирлар¹²².

139 Бир гуруҳдан иккинчисига кўчиришда, даволаш муолажаларни ўтказишда мактабгача таълим муассасаси маъмурияти бу ҳақида ота-оналарни хабардор қилиши шартми?

Сиз билан таълим муассасаси ўртасида тузиладиган шартномага бола ҳаётида бўладиган ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида маъмурият ва тарбиячилар ота-оналарни хабардор қилиши

¹¹⁹ Ўша ерда.

¹²⁰ Вазмрлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги низом.

¹²¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1768, 2008 йил 13 февраль).


¹²² 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун (3, 30-моддалар).

лозимлиги ҳақидаги бандларни киритишни тавсия қиламиз. Бўлажак ўзгаришлар (болани бир гуруҳдан бошқасига кўчириш, эмлаш) ҳақида ҳабардор қилиб, мазкур ўзгаришлар бола учун энгил ўтишини таъминлаш мақсадида маъмурият ва ота-оналар биргаликда аниқ тактика ишлаб чиқишлари зарур¹²³.

140 Давлат мактабгача таълим муассасасида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ким томонидан амалга оширилади?

Болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмонан ривожланишига, даволаш-профилактика чора-тадбирларни амалга оширишга, санитария-гигиена қоидаларга, овқатланиш режими ва сифатига амал қилишга мактабгача таълим муассасасининг ўзида ишлаётган шифокорлар билан бир қаторда ушбу таълим муассасасига бириктирилган соғлиқни сақлаш муассасаларининг шифокорлари тиббий хизмат кўрсатишади. Шифокорлар фаолиятни назорат қилиш маҳаллий соғлиқни сақлаш органларига юкланади.

¹²³ Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.



V. НОГИРОН БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБДАГИ ТАЪЛИМИ

1. БОЛАНИ МАКТАБГА ЖОЙЛАШТИРИШ

141 Ақлий ва жисмоний ривожланишида нуқсони бор болаларнинг таълими ва тарбияси қайси таълим муассасарида амалга оширилади?

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўладиган ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади¹²⁴

Ўзбекистонда 8 турдаги ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолият юритади:

- эшитишида нуқсонлар бўлган (карлар, ёмон эшитадиганлар) болалар учун мактаб-интернатлар;
- кўришида нуқсонлар бўлган (кўзи ожизлар, заиф кўрадиганлар) болалар учун мактаб-интернатлар;
- нутқда нуқсонлар бўлган болалар учун мактаб-интернатлар;
- таянч-ҳаракатланиш аъзосида нуқсонлар бўлган болалар учун мактаб-интернатлар;
- психик ривожланишда орқада қолаётган болалар учун мактаб-интернатлар;
- ақлий орқада қолган болалар учун (ёрдамчи) мактаб-интернатлар.

Ушбу таълим муассасарига болалар ва ўсмирларни йўналтириш ва у ердан чиқариш отоналарнинг рухсати билан тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг хулосасига кўра амалга оширилади. Ақлий-жисмоний ривожланишда нуқсони бўлган болалар умумтаълим мактабларида ҳам ўқишлари мумкин.

142 Болани қандай қилиб ихтисослаштирилган мактаб-интернатга жойлаштириш мумкин?

Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар жисмоний ёки ақлий ривожланишда нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланган. Болаларни у ерга юбориш ота-оналарнинг рухсати билан тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг хулосасига кўра ҳамда халқ таълими бўлимлари тақдимномасига кўра амалга оширилади¹²⁵.

143 Менинг фарзандимда Даун синдроми бор, шунинг учун уни мактабга олишмаяпти. Бизнинг фарзандимиз қаерда таҳсил олиши мумкин ва мактаб маъмурияти рад жавобини бериш ҳуқуқига эгами? Бизнинг фарзандимиз таҳсил олиши учун биз қаерга мурожаат қилсак бўлади?

Сиз халқ таълими вилоят (шаҳар) бошқармаларига мурожаат қилиб, тиббий-психологик-педагогик комиссиядан ўтишингиз керак. Унинг хулосаси тавсиявий характерга эга бўлиб, таълим турини танлаш ҳуқуқи Сизга берилган¹²⁶.

¹²⁴ 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун (23-модда).

¹²⁵ Уша ерда.

¹²⁶ Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.

Сизнинг фарзандингиз ақли заиф болалар учун махсус ёрдамчи таълим муассасасида таҳсил олиши мумкин, лекин инклюзив таълим ривожланиши билан умумтаълим мактабида ўқиш имкониятига эга бўлади.

144 Биз Тошкент вилоятининг Қибрай туманида яшаймиз. Бизнинг эшитмайдиган фарзандимиз бор. Тиббий-психологик-педагогик комиссияси бизни Олмалиқ шаҳридаги эшитишда нуқсонли бўлган болалар учун истисослаштирилган мактаб-интернатига юборди. Лекин биз фарзандимизни оиламиздан узоқда бўлишини истамаймиз. Комиссия бизга шаҳардаги эшитишда нуқсонли бўлган болалар махсус мактаб-интернатига жойлаштиришни рад этди. Қандай йўл тутсак бўлади? Биз бундай ёш ва шу билан бирга эшитмайдиган фарзандимизни оиламиздан ажратишни хоҳламаймиз.

Сиз Тошкент вилоятининг халқ таълими бошқармасига Халқ таълими вазирлигига Сизнинг фарзандингизни шаҳардаги эшитишда нуқсонли бўлган болалар учун махсус мактаб-интернатига жойлаштириш бўйича илтимоснома юборишни сўраб мурожаат қилишингиз мумкин.

145 Агар ақлий ривожланиши жойида бўлган ва сенсор (сезги) нуқсонлари йўқ, аммо кресло-аравачадан фойдаланадиган болани умумтаълим мактабига қабул қилишмаса нима қилиш керак?

*Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади*¹²⁷. Таянч-ҳаракатланиш аъзоларида нуқсонли бор болалар учун Тошкент шаҳрида интернат ташкил қилинган. Агар ота-оналар болани умумтаълим мактабларида ўқишини исташса, мактаб маъмурияти буни рад этишга ҳақли эмас.

146 Менинг фарзандим нутқида нуқсонли бўлган болалар учун махсус болалар боғчасига борган. Биринчи синфга бориши учун тиббий-психологик комиссиядан ўтиши керакми?

Ҳар бир мактаб ёшига етган бола мактабга ўқишга кираётган пайтида тиббий кўриқдан ўтиши керак. Агар бола жисмоний ёки руҳий нуқсонларга эга бўлса, у тиббий-психологик-педагогик комиссиясидан ўтади¹²⁸. Тиббий-психологик-педагогик комиссияси ривожланишда нуқсонли бор болани ўқитиш шаклини аниқлаш учун уни ҳар томонлама ва комплекс ўрганади, ота-оналар ва педагогларга маслаҳатлар беради. Нутқида нуқсонли бор болалар учун махсус болалар боғчасига борган болалар у ерда мутахассисларни керакли коррекцион ёрдамни олган бўладилар ва уларнинг бир қисми умумтаълим мактабларида таълим олишлари мумкин. Болаларнинг бошқа бир қисмига эса нутқида нуқсонли бор болалар учун мўлжалланган махсус муассасада таълим олиш ва коррекцион ёрдамни давом эттириш тавсия этилади. Айнан болага малакали ёрдам беришнинг шакли ва методларини аниқлаш учун ҳам тиббий-психологик-педагогик комиссиядан ўтиш зарур.

147 Эшитмайдиган бола умумтаълим мактабида таълим олиши мумкинми?

Ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида эшитмайдиган болаларни соғлом болалар билан бирга ўқитиш учун керакли шароит ва мутахассислар мавжуд эмас. Бундай таълим тайёрланмаган боланинг руҳий ва жисмоний ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

148 «Инклюзив таълим» атамасини тушунтириб берсангиз.

Инклюзив таълим — бу ривожланишда нуқсонли бор болалар ва ўсмирларни соғлом тенгдошлари билан биргаликда таълим олиши ва умумий таълимга қўшилиб ўқишидир. Ушбу биргаликдаги умумий таълимни илк ёшлардан бошлаш тавсия қилинади. Бугунги кунда им-

¹²⁷ 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун (24-модда).

¹²⁸ Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.

конияти чекланган болаларни соғлом болалар билан бирга ўқишининг бир қанча турлари мавжуд. Булар: умумтаълим муассасаларининг махсус гуруҳ ва синфларида таълим олиш, болалар боғчасининг махсус синф ёки гуруҳларида таълим олиш. Агар бола ихтисослаштирилган таълим муассасасида таълим олаётган бўлса, ўзаро боғлиқ таълим услубини қўллаш ва уни умумтаълим жараёнидаги алоҳида дарслар ва биргаликдаги тадбирларга жалб этиш мақсадга мувофиқ.

149 Менинг фарзандимга мураккаб ташхис қўйилган: унда эшитишдаги нуқсонлар билан бирга енгил даражадаги ақлий нуқсонлар ҳам бор. У қайси махсус таълим муассасасида ўқиши лозим?

Эшитишда нуқсонли, енгил даражадаги ақлий нуқсонлари бор болалар эшитишида нуқсонлари бўлган (карлар, ёмон эшитадиганлар) болалар учун мактаб-интернатларнинг махсус синф ва гуруҳларида таълим оладилар. Болаларни ушбу синф ва гуруҳларга жойлаштириш бир йил давомида улар билан олиб борилган таълим-тарбия ишларини амалга ошириш жараёнида ўқув дастури болага оғирлик қилгани ва бу унинг ақлий нуқсони билан боғлиқлиги аниқлангандан кейингина тиббий-психологик-педагогик комиссия қарори асосида амалга оширилади. Комиссияга йўлланмани Сиз туман халқ таълими бўлимидан олишингиз мумкин.

150 Эшитмайдиган болаларга таълим бериш ёмон эшитадиган болаларга таълим беришдан нимаси билан фарқ қилади?

Эшитмайдиган (кар) болалар — эшитишида орттирилган ёки туғма чуқур ва турғун нуқсони бўлган болалардир. Бундай болалар махсус педагогик таъсир ёрдамсиз нутқий кўникмани эгаллаш олмайдилар. Эшитмайдиган болаларни:

- а) нутқсиз эшитмайдиганлар (эрта кар бўлганлар);
- б) у ёки бу даражада нутқни сақлаб қолган эшитмайдиганлар (кеч кар бўлганлар)
- в) ёмон эшитадиганларга бўлиш мумкин.

Эрта кар бўлган болаларга туғма ёки нутқ шакллангунга қадар илк болалликда орттирилган икки томонлама эшитишдаги чуқур ва турғун нуқсони бор болалар киради.

Кеч кар бўлган болаларга — эшитиш қобилиятини нисбатан кеч йўқотгани (мактабгача ёки мактабдан кейин) сабабли нутқи бир мунча сақланиб қолган эшитмайдиган болалар киради.

Ёмон эшитадиган болаларга — нутқни эгаллаш ва нутқий мулоқотга киришда қийинчиликлар келтириб чиқарувчи эшитишда нуқсони бор болалардир. Ёмон эшитадиган болаларда эшитиш қобилиятини йўқолиши турлича — шивирлашни қийинчилик билан эшитишдан тортиб то сўзлашиш даражасидаги нутқни эшитишни кескин чекланганишига қадар бўлиши мумкин.

Ёмон эшитадиган болаларнинг сўзлаш қобилиятининг ҳолати эшитиш қобилиятини пайсаноиши, уни бошланиш пайти, боланинг тарбияланиш шароити, боланинг ўзига хос фазилатларига боғлиқ.

Ёмон эшитадиган болаларга эшитиш қобилияти 20 дБ дан 75 дБгача пасайган болалар киради.

Ёмон эшитадиган болаларга:

- а) сўзлаш қобилиятини тўлиқ эгаллаган, аммо нутқнинг грамматик қурилиши ва талаффузида ҳамда имлосида кичик хатоликка йўл қўядиган болалар;
- б) мактабга ўқишга қабул қилинган пайтида сўзлашиш қобилияти ниҳоятда чекланган ёки умуман қолоқ даражада бўлган болалар кирадилар.

Эшитишда нуқсони бор болаларнинг таълим ва тарбияси уларнинг ўзига хос фазилатларидан келиб чиқиб ташкиллаштирилади. Таълим-тарбия жараёни умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида амалга оширилади. Таълим ва тарбия ишлари Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ўқув режалари ва дастурлари асосида, махсус коррекцион услубларни қўллаб олиб борилади.

Ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда эшитишда нуқсони бор болалар уларнинг соғлиги ва ақлий ҳолатидан келиб чиқиб умумтаълим муассасасидаги 9 йиллик ўқув дастурини 10–11 йилда ўзлаштирадилар.

151 Ақлий орқада қолган болалар умумтаълим мактабларида таълим олиши мумкинми?

Мамлакатимизда инклюзив таълимнинг жорий этилиши натижасида имконияти чекланган болаларга яқка тартибдаги дастурлар асосида соғлом болалар билан биргаликда ўқиш имконияти яратилган (агар таълим боланинг соғлиғига зарар етказмаса ва манфаатларига зид бўлмаса).

152 Агар болага «алалия» ташҳиси қўйилган бўлса, у қайси таълим муассасасида ўқиши мумкин?

Алалия — ақлий даражаси ва эшитиш қобилияти нормал бўла туриб нутқи ривожланмаган ёки умуман йўқ бўлган болаларда кузатиладиган нейрорухий синдром. Алалия икки турга бўлинади: мотор алалияси — унга гапирилаётган нутқни тушуниш қобилияти бузилмаган бўлсада, бола умуман гапира олмаслиги ҳамда сенсор алалияси — болада нутқий фаоллик ўз вақтида пайдо бўлган бўлса ҳам ўзига қаратилган мурожаатни тушуниш қобилиятининг бузилиши.

Алалия ташҳиси қўйилган болаларга логопедик гуруҳларда таълим ва тарбия олиш, шунингдек, нутқида оғир нуқсонлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ўқиш тавсия этилади. Бу турдаги муассаса республикада Наманган вилоятининг Косонсой туманида мавжуд. Логопедик амалиётда алалиянинг бирламчи нуқсон сифатида ақлий ҳамда эшитишдаги нуқсонларда бўладиган нутқий ривожланишнинг иккиламчи нуқсонларидан ажрата билиш муҳим аҳамиятга эга.

153 Болалар аутизмга дучор бўлаган болалар қандай таълим муассасаларида ўқиши мумкин?

Бугунги кунда аутизм касаллигига дучор бўлган мактаб ёшидаги болаларнинг таълим олиши ақлий ривожланишида нуқсони бор ёки психик ривожланишда орқада қолаётган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади.

154 Интеллекти нормал бўлган, бироқ кўришда нуқсони бор болалар умумтаълим мактабларида ўқий оладими?

Интеллекти нормал бўлган, бироқ кўришда нуқсони бўлган (кўзи ожиз) болаларнинг умумтаълим мактабларида таълим олиши ҳозирча бироз қийин. Ҳозирги кунда ёмон кўрадиган болаларнинг инклюзив таълимни ташкил қилиш мумкин. Ҳатто шунда ҳам улар билан мутахассислар коррецион-тарбия, даволаш-тиклаш ишларини олиб боришлари лозим бўлади. Синф жамоаси, уларнинг ота-онаси, шунингдек, ўқитувчилар билан алоҳида ишлар олиб борилиши лозим.

155 Менинг фарзандимнинг ҳаракатланиши чекланган (таянч-ҳаракатланиш аъзоларида нуқсони бор). Бизнинг оиламиз уни оддий мактабда таълим олишни истайди. Биз (ота-онаси) унга дарсларда ёрдам беришга тайёرمىз. Буни қандай қилиб амалга оширса бўлади?

Таянч-ҳаракатланиш аъзоларида нуқсони бор, бироқ интеллекти нормал бўлган болалар умумтаълим дастурлари бўйича таълим оладилар. Сизнинг фарзандингиз агар бу унинг соғлиғи ва манфаатларига зарар етмаса, тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсиясига мувофиқ умумтаълим мактабида ўқиши мумкин. Бунда ота-оналар, синф ва ўқитувчилар жамоаси билан иш олиб бориш керак. Шу билан бирга, оиланинг ўзида ҳам мутахассислар ёрдами керак бўлади.

156 Менинг фарзандим ақли заиф болалар учун махсус мактабгача таълим муассасасини тамомлади, эни эса уни оддий мактабга олишмаяпти, менинг фикримча у оддий мактабда ўқий олади. Мен нима қилиш керак?

Сиз болангизни умумтаълим мактабига қабул қилишларини талаб қилишга ҳақлисиз. Агар бола кейинчалик, ўқиш жараёнида таълим дастурини уддалай олмаса, Сиз яна бир бор тиб-

бий-психологик-педагогик комиссиясидан ўтиб, педагогик кенгашнинг қарорига мувофиқ, фарзандигизнинг таълимини ихтисослаштирилган таълим муассасасида давом эттиришингиз мумкин.

157 **Бизнинг ўғлимиз кўр-кар-соқов. Бундай болаларни бизда қаерда ўқитишади?**
Афсуски, кўр-кар-соқов болалар халқ таълими тизимига кирувчи кўзи ожиз ва эшитмайдиганлар учун мўлжалланган мактабларга қабул қилинмайдилар.

158 **Эшитмайдиган ёки ёмон эшитадиган болага дактиль нутқини қўлламадан туриб таълим ва тарбия берса бўладими?**

Эшитмайдиган ва ёмон эшитадиган болаларнинг таълим-тарбия жараёни ёмон эшитадиган болаларда оғзаки нутқини шакллантиришга ва коррекция қилишга қаратилган, эшитмайдиган болаларда эса оғзаки нутқни шаллантириш ва уларда оғзаки-мантиқий фикрлашни, қолдиқ эшитиш функцияларни ривожлантиришга йўналтирилади.

Педогоглар томонидан қўлланиладиган усуллар нутқий ривожланмаганлик ва унинг оқибатларини бартараф этишни таъминлаши, болаларни нутқий фаоллигини ошириши ва эшитиш қобилиятини ҳамда лаблардан ўқиш кўникмаларини ривожлантириши зарур.

2. УЙ ТАЪЛИМИ

159 **Менинг фарзандимнинг ақлий нуқсонлари бор — дебиллик босқичидаги олигофрения, тиббий карточкасида шундай деб ёзилган. Лекин, у кўп нарсани тушунади, ёмон бўлса ҳам гаплаша олади. Биз унга уйда таълим бермоқчи эдик, лекин маҳаллий мактабда (биз чекка қишлоқда яшаймиз) уларда бундай болаларни ўқитиш учун ўқув дастури ва мутахассислар йўқлигини айтиб бизга рад жавобини беришди. Ушбу ҳолатда мактаб маъмурияти ҳақми? Биз фарзандимизни қаерда ўқита оламиз.**

Халқ таълими вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган Йўриқномага мувофиқ, мактаб директори ва ҳудудий халқ таълими органлари болаларнинг уй таълимини ташкил этиш учун чоралар кўриши ва уни амалга оширилиши устидан назоратни амалга оширишлари зарур¹²⁹.

Сизнинг ҳудудингизда жойлашган мактабнинг маъмурияти ўқув йили бошлангандан кейин 5 кун ичида уйда таълим олиши лозим бўлган болалар рўйхатини, даволаётган тиббиёт муассасининг хулосасини ҳудудий халқ таълими бошқармасига уйда таълим олишга рухсат бериш тўғрисида қарор чиқариш учун тақдим этади.

Таълим муассасаси болаларга соғлиғида нуқсони бор болалар билан ишлаш истагини билдирган тажрибали ўқитувчилар буйруқ асосида бириктирилади. Агар болада бир нечта касаллик турлари бор бўлса ва унинг таҳсил олиши учун фан ўқитувчиларидан ташқари мактабда бўлмаган бошқа мутахассислар (дефектолог, логопед ва бошқалар) керак бўлса, туман халқ таълими бўлими ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис марказларидан ёки соғлиқни сақлаш бўлимидан зарур мутахассисларни жалб қилиши шарт. Агар ҳудудда керакли йўналиш бўйича махсус муассаса бўлса, келишувга биноан ушбу муассасадан мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

160 **Менинг ўғлимда БЦФ (у кеч юришни бошлаган) ташҳиси бор ва у жуда ёмон эшитади. 10 ёшга тўлиб мустақил юришни бошлаганда биз уни ўқишга расмийлаштирмоқчи бўлдик, лекин уни ҳеч қаерга олишмади. Эшитишда нуқсони бор болалар учун мўлжалланган мактаб-интернатга унда БЦФ бўлгани учун олишмади, БЦФ ташҳиси қўйилган болалар ўқийдиган мактаб-интернатга эса эшитишда нуқсо-**

129 Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 3 ноябрдаги 159-сон буйруғи билан тасдиқланган Ижтимоий чекланган болалар уй таълимини ташкил қилиш тўғрисида йўриқнома.

ни бўлгани учун олишмади. Боланинг аҳволи қийин бўлганини айтиб, уйда таълим олишга ҳам рухсат беришмади. У қаерда таълим олса бўлади?

Уйда таълим олишга рухсат бермаслик асоссиз. Ушбу вазиятда Сиз халқ таълими вилоят (шаҳар) бошқармасига мурожаат қилишингиз зарур ва тиббий-психологик-педагогик комиссиясидан ўтишингиз лозим. Унинг тавсиясига биноан ҳудудий халқ таълими органи эшитишда нуқсони бор болалар учун мўлжалланган таълим муассасаси томонидан уйда ўқитиш ташкил қилади¹³⁰.

161 Менинг қизимга уй таълими белгиланган, у маҳаллий мактабда ўқимаган. Мактаб унга таълимни ташкиллаштиришдан бош тортаяпти. Нима қилиш керак?

Мактабга соғлиги туфайли бора олмайдиган ўқувчиларнинг алоҳида уйда таълим олиши яқин атрофда жойлашган мактаб томонидан ташкиллаштирилади. Бундай таълим олиш даволаш муассасасининг (касалхона, поликлиника, диспансер) хулосаси ва халқ таълимининг туман (шаҳар) бўлими розилиги асосида олиб борилиши керак. Алоҳида уйда таълим олишга муҳтож бўлган бола аниқлангандан кейин 5 кун ичида маҳаллий мактаб бундай таълимни ташкиллаштириш учун зарур чораларни кўради¹³¹.

162 Биз Қашқадарё вилоятининг чекка туманида яшаймиз. Бизнинг эшитмайдиган қизимиз бор. Эшитишдаги нуқсонидан ташқари қизимизнинг юраги касал ва у уйда таълим олиши зарур. Бизнинг қишлоқда уни ўқита олиши мумкин бўлган сурдопедагоглар йўқ. Биз нима қилишимиз керак. Касал фарзандимизни Қарши шаҳридаги интернатга юборишга кўрқаяпмиз.

Туман халқ талими бўлими таълим жараёнини ташкиллаштириш учун шароит яратиб бериши керак¹³².

3. БОЛАНИ БИР МАКТАБДАН БОШҚАСИГА ЎТКАЗИШ

163 Бизнинг қизимиз кўзи ожизлар ва ёмон кўрадиганлар учун мўлжалланган интернатда 6 синфни тугатди, у аъло баҳоларга ўқийди, маконда мўлжал олишга тез ўрганади. У умумтаълим мактабида ўқишни жуда ҳам хоҳлаяпти. У буни кейинчалик бари бир кўрадиган одамлар билан ўқиши, яшаши ва ишлаши кераклиги ва бунга қанча эрта ўрганса шунча яхши бўлиши билан асосламоқда. Яшаш жойимиздаги мактаб маъмурияти уни ўқишга қабул қилишдан бош тортди. Биз нима қилишимиз керак?

Кўришда нуқсони бор (кўзи ожиз) болани умумтаълим мактабида таълим олишини ташкиллаштириш учун зарур шароитларни яратиш, шунингдек тажрибали ўқитувчи талаб этилади. Агар боланинг кўриш имкониятлари чекланган бўлса, умумтаълим мактабида унинг инклюзив тарзда таълим олишини ташкил қилса бўлади, шу билан бир қаторда махсус муассасада коррекцион ишларни олиб боришни давом эттириш зарур.

164 Бизнинг ўғлимиз ёшлигида жуда кўп касал бўлганлиги сабабли ривожланишда ортда қолиб ўсди. Биринчи синфга қабул қилиш комиссиясида бизни ёрдамчи мактабга юборишди. Ҳозирда Қудрат учинчи синфда аъло баҳоларга ўқияпти ва шубҳасиз оддий мактабда ўқий олади. Бироқ, бизга таълим дастурлари фарқ қилади деб оддий мактабга кўчиришда рад жавобини беришмоқда. Биз Қудратни кейинчалик оддий шаҳодатнома олишини, лицейда таълим олишини, кейин эса олий таълим муассасасига киришини хоҳлаймиз. Бундан ташқари бола махсус мактабда ўқи-

¹³⁰ Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 3 ноябрдаги 159-сон буйруғи билан тасдиқланган Имконияти чекланган болалар уй таълимини ташкил қилиш тўғрисида йўриқнома.

¹³¹ Ўша ерда (2 илова 2-банд).

¹³² Ўша ерда.

шидан ташвишга тушмоқда. Ёрдам сўраб қаерга муурожаат қилсак бўлади? Мактаб маъмурияти ҳақми?

Ёрдамчи мактабнинг педагогик кенгаши томонидан болани умумтаълим мактабига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади ва унга тиббий-психологик-педагогик комиссиясининг боланинг ўқиш синфини белгилаш тўғрисидаги хулосаси бириктирилади, чунки болани учинчи синфга эмас, балки бир синф пастга қабул қилиниши эҳтимоли бор.

Маълум бир мактабга йўлланма олиш учун ҳудудий халқ таълими бўлимига муурожаат қилиш зарур. Мактаб маъмурияти болани қабул қилишни рад этиш ҳуқуқига эга эмас.

165 Ёрдамчи мактабда ўқиётган бола санаторий типидagi мактаб-интернатда ўқиса бўладими?

Санаторий типидagi махсус мактаб-интернатлар умумтаълим ўқув-тарбия ва даволаш-тиклаш муассасалари ҳисобланади. Афсуски, ҳозирги пайтда санаторий типидagi таълим муассасаларида ақлий нуқсонли болаларга таълим бериш учун зарур шароитлар, педагогик ва махсус ходимларга мавжуд эмас, бироқ инклюзив таълим ривожланиши билан кейинчалик бу турдаги болаларни ўқитиш имконияти туғилади.

166 Менинг укам ўрта мактабнинг 7-синфидa ёмон баҳоларга ўқийди ва бундан жуда уялади. У бб-сонли махсус мактабда таҳсил олишни хоҳлаяпти. Укам у ерга ўтиши мумкинми?

бб-сонли махсус мактаб ақли заиф болалар учун қўшимча мактаб ҳисобланади. У ерда таълим ва тарбия ишлари махсус дастурлар, таълим режалари асосида ўтказилади. Ота-оналар ва боланинг хоҳиши ҳамда тиббий-психологик-педагогик комиссиясининг тавсиясига биноан болани махсус мактабга ўтказиш мумкин.

167 Менинг фарзандимни Тошкент шаҳридаги 4-сон мактаб-интернатнинг педагогик кенгаши қарори билан оддий мактабга ўтказишяпти, лекин биз бундан истамаймиз. Нима қилишимиз керак.

Тошкент шаҳридаги 4-сон мактаб-интернат сколиоз касаллига чалинган ва узоқ муддат давомида даволаниши лозим бўлган болалар учун мўлжалланган санаторий типидagi ихтисослаштирилган мактаб-интернат ҳисобланади. Ушбу муассасанинг асосий вазифаларидан бири узоқ муддат давомида даволаниши лозим бўлган болаларга реабилитацион, тиббий-соғломлаштириш ишларини ташкиллаштириш ҳисобланади.

Болаларни ушбу муассасадан бошқасига ўтказиш тўғрисидаги қарор тиббий ва педагогик ходимларнинг хулосасига мувофиқ, педагогик кенгаш томонидан қабул қилинади. Агар педагогик кенгаш тегишли қарор қабул қилган бўлса, демак Сизнинг фарзандингизнинг соғлиғи қониқарли аҳволда ва унинг келгуси даволаниши яшаш жойи бўйича давом эттирилади.

168 Менинг 13 ёшли қўшним ёрдамчи мактабга боради, лекин у ҳар доим жамонат тартибини бузади, ўғрилиқ қилади, уни ҳеч ким жазоламайди ва уни Самарқанд шаҳридаги 64-сонли махсус интернатга юборишмаяпти. Нимага?

Вояга етмаган шахслар учун белгиланган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига кар-соқовлар, кўрлар, руҳий касаллар, ақли заиф бўлган вояга етмаганлар, шунингдек ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига қабул қилиш учун тиббиёт нуқтаи назаридан тўғри келмайдиган белгилар қўйилган рўйхатда кўрсатилган жисмоний камчилиги ва касалликлари бўлган болалар ҳамда ўсмирлар юборилиши мумкин эмас¹³³.

¹³³ Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида низом (30-банд).

169 Менинг онам мени ёмон эшитадиганлар учун мўлжалланган интернатда ўқишимни истаяпти, лекин мен буни хоҳлайман ва яхшироқ ўқишга ҳаракат қилаяпман. Лекин, мени оддий мактабга қабул қилишмаяпти. Мен нима қилсам бўлади. Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияномасини олиш учун вилоят (шаҳар) халқ таълими бошқармасига мурожаат қилинг.

4. НОГИРОНЛИГИ БОР ЎҚУВЧИ ОИЛАСИГА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚА ВА ИМТИЁЗЛАР

170 Менинг фарзандим уйда таълим олади. Унга қандай имтиёзлар берилади? Уйда таълим оладиганлар дарсликлар, ўқув қуроллари, парта, доска, баъзи ҳолларда эса шахсий компьютер билан таъминландилар. Агар бола мутахассиснинг (дефектолог, логопед, тифлопедагог ва бошқалар) ёрдамига муҳтож бўлса, туман халқ таълими бўлими ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис марказлари билан биргаликда зарур мутахассислар билан таъминлашни ташкиллаштиради. Агар бола ногирон бўлса уйда таълим олса ҳам, унга ногиронлик нафақаси тўланади¹³⁴.

171 Агар бола махсус мактаб-интернатда ўқиса, туман ижтимоий таъминот бўлимлари унга нафақа тўламайдилар. Шу тўғрими? Тайинланган нафақа 16 ёшдан катта болалиқдан ногирон ёхуд ногирон бола тўлиқ давлат таъминотида бўлган давр учун тўланмайди¹³⁵.

172 Агар оилада ривожланишида нуқсонлари бор бир нечта болалар бўлса, у ҳолда болаларни мактаб-интернатларига жойлаштириш бўйича имтиёзлар бериладими? Жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бор болаларни махсус мактаб-интернатига жойлаштириш учун бола аҳволини тасдиқловчи тиббий-руҳий-педагогик комиссиянинг хулосасидан бошқа ҳеч қандай талаблар йўқ. Агар оилада бир нечта ногирон болалар бўлса ва уларга махсус мактабларда таҳсил олишга йўлланма берилган бўлса, улар ушбу муассасаларга қабул қилинишлари шарт.

173 Уйда таълим оладиган болаларнинг ота-оналарига имтиёзлар бериладими? Ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади¹³⁶. Шу билан бирга, уларга ўз хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Сиз бундай таътилни йиллик таътилга қўшиб олишингиз ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб) фойдаланишингиз мумкин.

¹³⁴ Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 3 ноябрдаги 159-сон буйруғи билан тасдиқланган Имконияти чекланган болалар уй таълимини ташкил қилиш тўғрисида йўриқнома.

¹³⁵ 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган Болалиқдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом.

¹³⁶ 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (232-модда).



VI. НОГИРОНЛАРНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ

174 Ногирон бўлган 9-синф битирувчиси қайси таълим муассасаларида ўрта махсус, касб-хунар таълими олиши мумкин?

Ногиронларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълими барча таълим муассасаларида, зарур бўлган ҳолларда эса ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади.

Стационар даволаш-профилактика ёки реабилитация қилиш муассасаларида даволанаётган ногирон болалар учун ўқув машғулотлари ташкил этилади¹³⁷.

175 Ногирон ўсмирнинг оилада касб-хунар таълимини олишига бўлган ҳуқуқи қандай амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни¹³⁸ ногирон болаларнинг оилада касб-хунар олиш шаклини назарда тутди. *Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади*¹³⁹.

176 Имкониятлари чекланган ўқувчилар учун академик лицейларда ёки касб-хунар коллежларида ўқишнинг экстернат ва дарсларга эркин қатнашиш шакллари борми?

Академик лицейлар ва колледжларда ўқиётган имконияти чекланган ўқувчилар ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида низомга мувофиқ таълим оладилар. Ушбу низомнинг 3.8-бандига кўра: *«Ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурининг умумий таълим ва махсус бўлимларини (касб-хунар дастурларидан ташқари) мустақил равишда ўзлаштирган ёшларга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ экстернат тартибида яқуний аттестациядан ўтиш ҳуқуқи берилиши мумкин»*¹⁴⁰.

Имкониятлари чекланган ўқувчилар экстернат шаклида таълим олишлари мумкин, касб-хунар таълимидан ташқари.

177 Махсус мактаб-интернатини тамомлагач болаларга умумтаълим мактабларининг намунасидаги шаходатнома берилади, аммо бизни коллеж ва лицейларга умуман қабул қилишмаяпти. Қаерга мурожаат қилсак бўлади?

Қабул қилишни рад этиш қонунга хилоф, сабаби худди умумий ўрта таълим каби ўрта махсус, касб-хунар таълим ҳам мажбурийдир¹⁴¹. Қонунда ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши-

¹³⁷ 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун (17-модда).

¹³⁸ Уша ерда (20-модда).

¹³⁹ 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун (18-модда).

¹⁴⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида низом.

¹⁴¹ 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун (3-модда).

ни: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги кафолатланган. Ушбу масалани ҳал этиш учун ўрта махсус ва касб-хунар таълимнинг вилоят бошқармаларига муурожаат қилиш лозим.

178 Менинг қизим ногирон, таянч-ҳаракатланиш аъзоларининг касаллигига чалинган ва асосан кресло-аравача ёрдамида ҳаракатланади. Умумтаълим мактабининг 9-синфини аъло баҳоларга тамомлагач, у яхши ўрта махсус, кейин эса олий маълумот олишни хоҳлаяпти. Аммо, бизга қизимизнинг қайси академик лицей ёки касб-хунар коллежда ўқиши, у ерда қандай йўналишлар борлиги ва ўқиш шароитлари, қизимизга тўғри келиши ҳақида аниқ маълумотни олиш муаммо бўлаяпти. Лицейга ёки коллежга қабул қилиш рад этилса, ногирон болаларнинг ота-оналари қаерга муурожаат қилишлари лозим?

Касб-хунар таълими бўйича маълумотлар олиш ёки муаммоларни ҳал учун шаҳар ва туман ташхис марказларига, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига Олмазор тумани 2-Чимбой кўчаси, 96-уй манзили бўйича муурожаат этиш мумкин. Тел.: 246-11-25, 246-11-27, 246-16-62. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази www.markaz.uz сайтида академик лицей ва касб-хунар коллежларга қабул қилиш бўйича портал ишлаб чиқилаяпти.

179 Имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган коллежларнинг мақоми ва ўзига хос хусусиятлари қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади? Улар умумий таълим муассасаларидан нимаси билан фарқланади?

Имкониятлари чекланган шахслар учун махсус касб-хунар коллежларининг мақоми ва иш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари тўғрисида низом билан тартибга солинади.

Таълимнинг мазмуни, касб-хунар муассасасидаги ўқув жараёнини ташкил қилиниши (ўқув муддати, ўқув жараёнининг жадвали) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишиб тасдиқланган таълим стандартлари асосида тузилган махсус ўқув режалар ва дастурлар билан белгиланади.

9-синф битирувчиларининг 3 йиллик мажбурий касб-хунар таълимидан фарқли равишда, ихтисослаштирилган коллежларда ўқиш муддати 1–2 йилдан 3 йилгача бўлади¹⁴². Коллежда ўқиш муддати имконияти чекланган шахсларга ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таълим бериш учун зарур ва етарли бўлган таълим нагрузкасининг умумий ҳажмини ҳисобга олиб белгиланади. Бунда танланган касбнинг мураккаблиги ва миқдори эътиборга олинади.

*Ихтисослаштирилган коллежларда ногирон-ўқувчилар бепул овқатланиш билан таъминланадилар*¹⁴³. Ўқув синфлари ва гуруҳларида ўқувчиларнинг сони ихтисослаштирилмаган коллежлардаги каби 30 та эмас, балки 15–20 кишидан иборат бўлади. Имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежларда таълим жараёни коррекцион йўналишга эга ва ўқувчилар тўлиқ тиббий ва психологик ёрдам билан таъминланадилар.

Имкониятлари чекланган ўқувчиларнинг ўқиши ва фаолиятида қулайлик яратиш мақсадида ихтисослаштирилган коллежлар архитектураси, ўқув бинолари, аудиториялар, хоналар, устaxonалар ва бошқа ёрдамчи хоналар, ўқувчилар турар жойлари халқаро стандартларга мос келади.

142 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун (13-модда), 1997 йил 29 августдаги Қонун билан тасдиқланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.

143 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги ПФ-3864-сон «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони (3-банд).

180 Имонияти чекланган шахсларни ихтисослаштирилган коллежларга қабул қилиш қоидалари ҳақида айтиб берсангиз.

Умумий ўрта таълим муассасалари, шунингдек, ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаблар ва мактаб-интернатларни тамомлаган имконияти чекланган 9-синф битирувчилари ўзлари ёки ота-оналари (ёки уларни ўрнини босувчи шахслар) танлаган мутахассисликлар бўйича ЎМКХТ муассасаларига қуйидаги тартибда ўқишга қабул қилинадилар:

- Халқ таълими вазирлигининг ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис маркази, умумий ўрта таълим муассасалари директорлари томонидан, шунингдек ихтисослаштирилган коллежларда имконияти чекланган 9-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари (ёки уларни ўрнини босувчи шахслар) ўртасида касбга йўналтириш ишлари олиб борилади;
- битирувчилар ва уларнинг ота-оналари (ёки уларни ўрнини босувчи шахслар) умумтаълим ва махсус касб-хунар коллежларнинг иш фаолияти, улардаги мутахассисликлар билан ба-тафсил таништириладилар, танланган касб уларнинг жисмоний имкониятларига мослиги ҳақида изоҳлар берилади;
- ўқув йили охирида битирувчилар туман халқ таълими бўлимлари қошидаги тиббий-психологик-педагогик комиссияларда тиббий кўриқдан ўтадилар. Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар битирувчиларга улар касб-хунар коллежларида тегишли мутахассисликлар бўйича таълим олишни давом эттира олишлари ёки йўқлиги ҳақида хулоса беради;
- туман халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги тиббий-психологик-педагогик комиссия ва соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳузуридаги ТМКларининг хулоса ва тавсияларига мувофиқ, ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида ўзлари ёки ота-онаси (ёки уларни ўрнини босувчи шахслар) томонидан танланган соҳалар бўйича таълимни давом эттириш ҳақидаги аризалар асосида умумтаълим мактаблари директорлари томонидан ҳужжатлар жилди шакллантирилади.

*Коллежга ўқувчилар жинси, тили, ёши, irqи, миллати, диний мансублиги, ижтимоий келиб чиқиши, машғулотининг тури, ижтимоий мавқеи, яшаш жойи ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча муддат яшаганлигидан қатъи назар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармаларнинг, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари йўлланмалари бўйича қабул қилинади*¹⁴⁴.

Йўлланмалар имкониятлари чекланган шахслар учун мутахассисликлар ва касблар рўйхатига мувофиқ имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллеж ўқувчиларига беморлик даражасини эътиборга олган ҳолда берилади.

Имконияти чекланган шахслар ихтисослаштирилган касб-хунар коллежга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

- 9-синф ўқувчисининг таълим муассасаси директори номига ота-оналар томонидан имзоланган аризаси;
- битирувчининг шаҳодатномаси;
- 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- яшаш жойидан маълумотнома;
- 6 дона 3 × 4 ҳажмдаги фото;
- ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан ёки паспортдан кўчирма;
- ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис ҳудудий марказлари ва ТМКлари томонидан берилган тавсия;
- ҳудудий тиббий-психологик-педагогик комиссиялари тавсияси ва хулосаси;
- туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари йўлланмаси.

Умумий ўрта ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари, махсус мактаб ва мактаб-интернатлар директорлари битирувчиларнинг ҳужжатлар йиғмажилдини ихтисослаштирилган

¹⁴⁴ Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 100-сон қарорига билан тасдиқланган Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари тўғрисида низом.

касб-хунар коллежлари директорларига битирувчилар ва уларнинг ота-оналарининг бево-сита иштирокида топширадilar.

Директорлар ўртасидаги олиш-топшириш далолатномаси тўрт нусхада расмийлаштирилади.

Умумий ўрта ва ихтисослаштирилган ёрдамчи таълим муассасалари, махсус мактаб ва мактаб-интернатлар директорлари ҳамда ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари директорлари битирувчиларнинг ҳужжатларини ўз вақтида ва тўлиқ топширилишига шахсан жавобгардирлар.

181 Ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида таълим оловчи имкониятлари чекланган ўсмирлар учун мутахассисликлар ва касблар рўйхати мавжудми? У қайси орган томонидан тасдиқланади?

Ўзбекистон Республикасининг ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида таълим оловчи имкониятлари чекланган шахслар учун мутахассисликлар ва касблар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 1713, 2007 йил 4 сентябрь).

182 Кам таъминланган оилалардаги ногирон болалар, етим болалар ЎМКХТ муассасаларига киришда, агар у ерда танлов катта бўлса, имтиёзларга эгами?

ЎМКХТ муассасаларига киришда танлов катта бўлса, кам таъминланган оилалардаги ногирон ва етим болаларга имтиёзлар бериш масаласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

183 Ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи битирувчисининг дипломи қандай мақомга эга?

Коллежнинг ўқув дастурини ўзлаштирган ва якуний давлат аттестациясидан ўтган битирувчиларига ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилди. Дипломга ўзлаштирилган умумтаълим ва махсус фанлар, соатлар ҳажми ва улар бўйича баҳолар кўрсатилган ҳолда қўшимча варақ илова қилинади. Коллежни тугатганлик тўғрисидаги диплом эгалланган мутахассисликка мувофиқ меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини беради.

184 Менинг 23 яшар ногирон ўғлим соғлиғи ҳолати сабабли ўз вақтида касб-хунар таълимини ололмади. У ҳозирги ёшида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига ўқишга қабул қилиниш ҳуқуқига эгами?

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 100-сон «Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари фаолияти тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, имкониятлари чекланган ўқувчиларга таълим олишда ва касб эгаллашда ёшидан қатъий назар барчага тенг имкониятлар берилади¹⁴⁵.

185 Эшитиш ва кўришда нуқсони бор шахслар қайси таълим муассасаларида ўрта махсус, касб-хунар таълимини олиши мумкин?

Эшитиш ва кўришда нуқсони бўлган шахслар ўрта махсус, касб-хунар таълимини ҳам ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида, ҳам инклюзив таълим орқали академик лицей ва касб-хунар коллежларида олишлари мумкин.

¹⁴⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари тўғрисида низом.

186 ЎМКХТ муассасаларига қабул қилинган ногирон-ўқувчилар қандай ҳуқуқларга эга?

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқларни кафолатлайди.

Билим олиш ҳуқуқи:

- барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги таълим муассасаларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;
- оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

ЎМКХТ муассасаларида имконияти чекланган ўқувчилар бошқа фуқаролар билан тенг равишда бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалар.

187 ЎМКХТ муассасаларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчилари қандай имтиёзларга эга?


Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 29 ноябрдаги 247-сон «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқиётган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларга уларнинг шахсий харажатлари учун ҳар ойда нафақа тўланади (энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида), шахсий гигиена буюмлари учун (йилига 105 минг сўм), кунлик овқатланиш харажатлари (суткалик норма 4353 сўм) учун пул маблағлари, шаҳар жамоат транспортида ҳаракат қилиш учун бепул ойлик йўл чиптаси, кийим-бош сотиб олиш учун (йилига 250–300 минг сўм) пул маблағи, бир йўла бериладиган битирув нафақаси берилади (энг кам ойлик иш ҳақининг 105 баравари миқдорида).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги ПФ–3864-сон «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган коллежларда ногирон-ўқувчиларнинг бепул овқатланиши жорий қилинди¹⁴⁶.

188 Ўсмир ёшдаги ногиронлар стационар даволаниш муассасаси шароитларида тегишли касб-ҳунар таълимини олиш имкониятига эгами?

Ўсмир ёшдаги ногиронлар стационар даволаниш муассасалари шароитларида қисқа муддатли (1, 2, 3 ойли) курсларда ўқиб, унча мураккаб бўлмаган касб эгаси бўлиш ёки экстернат таълим бўйича ўқиш имкониятига эга.

¹⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги ПФ–3864-сон «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.



VII. НОГИРОНЛАРНИНГ ИШГА ЖОЙЛАШИШИ ВА БАНДЛИГИ

1. ИШГА ЖОЙЛАШИШ

189 I ва II гуруҳ ногиронлари меҳнат қилиш ҳуқуқига эгами?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда ушбу конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш кафолатлари белгиланган:

24-модда. Меҳнат қилиш ҳуқуқини ногиронлар томонидан рўёбга чиқариш

Ногирон меҳнат шaroитлари одатдагича бўлган ташкилотларда, ногиронлар меҳнатидан фойдаланиладиган ихтисослаштирилган корхоналарда, цехлар ва участкаларда ишлашга, шунингдек қонун билан тақиқланмаган якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир.

Ногиронлиги туфайли ногирон билан меҳнат шартномаси тузишни ёки иш юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришни рад этишга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, ногиронни унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди, тиббий-ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра ногироннинг соғлиги касб вазифаларини бажаришга монелик қилган ёки ногироннинг ёхуд бошқа шахсларнинг соғлиги ва меҳнат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустасно. Ногирон ўз меҳнат қобилиятини тиклаганидан кейин илгариги ишига ёки шунга тенг ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг юқорида келтирилган нормаларидан келиб чиқиб, ногиронлар кучи етадиган иш ҳақи тўланадиган меҳнат билан шуғулланишлари мумкин. Шу билан бирга ушбу меҳнат фаолияти ногирон саломатлиги ва хавфсизлигига хавф солмаслиги керак, ўз навбатида, ногиронлик меҳнат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Ногироннинг муҳофазасига қаратилган юқоридаги икки шарт амалга ошиши учун ногиронликни белгиланган ТМЭК тавсиялар ишлаб чиқишга ва ногирон ишга жойлашиши мумкин бўлган меҳнат фаолияти ва машғулотлар тури бўйича хулосалар тайёрлашга мажбурдир.

Шу билан бирга, тўлиқ муомалага лаёқатсизликдан ташқари бирор бир ногиронлик тури йўқки унда ногироннинг меҳнат қилиши умуман мумкин бўлмас. Масалан, кўриш бўйича биринчи гуруҳ ногирони кўриш назорати тактиль ва эшитиш назорати билан алмаштирилиши мумкин бўлган иш жойларида муваффақиятли меҳнат қилишлари мумкин. Таянч-ҳаракатланиш аъзоларида нуқсонлари бор ногиронлар эса ўзи учун қулай бўлган турғун ҳолатда ишласа бўладиган иш жойларида меҳнат қилиши мумкин.

Албатта, объектив жиҳатдан ногирон кишининг меҳнат қилиш имкониятлари жисмоний соғлом кишиникига нисбатан чекланган. Айнан, шу боис ногиронларни иш билан таъминлаш бўйича қонунчиликда алоҳида чора тадбирлар назарда тутилган. Яъни иш берувчилар ногиронларга махсус иш ўринларини яратишга мажбурдирлар. Маса-

лан, ишчилар сони 100 киши бўлган корхонада камида 3 нафар ногирон иш билан таъминланиши шарт¹⁴⁷.

Ногиронларни иш билан таъминлаш мақсадида иш берувчи уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ва тиббий-ижтимоий экспертиза хизматининг ногиронларни иш билан таъминлаш бўйича тавсияларини амалга ошириш юзасидан қўшимча чоралар кўриши лозим.

Ҳукумат томонидан касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўлайтириш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ногиронларни иш билан таъминлашда улкан имкониятлар яратмоқда¹⁴⁸, ногиронлар меҳнати учун қулай шароит яратиш бўйича аниқ чоралар белгиланган¹⁴⁹. *Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар уйда ишловчи ногиронларга, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ногиронларга мазкур фаолият учун яшашга мўлжалланмаган жойлар берилишида, хом ашё олиши ва маҳсулот сотишида зарур ёрдам кўрсатади*¹⁵⁰.

190 Болалиқдан I, II гуруҳ ногирони ишсизлик нафақасини олишга ҳақлими?

Белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган фуқароларга ишсизлик нафақаси тайинланади.

*Ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақиға (меҳнат даромадиға) эға бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатға олинган, меҳнат қилишға, касбға тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишға, малакасини оширишға тайёр меҳнатға қобилиятли шахслар ишсиз деб эътироф этилади*¹⁵¹.

Болалиқдан ногиронлиги бор шахс тўлиқ равишда ишга лаёқатли эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, у ногиронлик пенсияси ёки нафақасини олишга ҳақли, уни ишсиз деб эътироф этиш қонунга зид бўлади.

Шу билан бирга ногиронни ишсиз деб эътироф этмаслик, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари уни ишга жойлашишига кўмаклашиш мажбуриятидан холос этмайди. Бундан ташқари, ногиронлар ижтимоий ҳимоя муҳтож шахслар учун захира қилинадиган ишчи ўринларига биринчи навбатда ишга жойланадилар.

Ишга жойлашишда кўрсатиладиган ёрдамдан ташқари, ногиронлар бепул равишда янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитилиши, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўланмаси билан ўқув юртларида стипендия тўланган ҳолда билим олиш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар¹⁵².

191 Ногирон ишга қабул қилинаётган пайтда қандай ҳужжаиларни тақдим қилиши лозим?

Ишга қабул қилиниш пайтида тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати Меҳнат кодексининг 80-моддасида кўрсатилган.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни:

- паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни;
- меҳнат дафтарчасини (биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно)
- ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар тегишинча ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

147 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

148 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

149 Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сон «Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

150 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

151 «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун (3-модда).

152 Ўша ерда (6-модда).

- диплом ёки маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, алоҳида ҳолларда эса, (махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда) айрим ишларни бажариш ҳуқуқини берадиган бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади. Ишга қабул қилиш вақтида бошқа ҳужжатлар талаб қилинмайди.

Шу билан бирга ходимлар соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида иш берувчи меҳнат шартномаси тузишдан олдин ўз ҳисобидан уларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиши мумкин (ногиронларга нисбатан эса мажбур)¹⁵³.

Агар тиббий кўриқдан ўтиш натижасига кўра тиббиёт муассаси ногирон ишни бажара олмаслиги ёки иш тиббий комиссия томонидан берилган тавсияларга мос эмаслиги ҳақида қарор қабул қилса, иш берувчи меҳнат шартномасини тузишдан бош тортиши мумкин.

192 Болалиқдан ногирон ишга жойлашаётган пайтида иш берувчига ўзининг ногиронлиги ҳақида хабар беришга мажбурми?

Ходимнинг иш берувчига ногиронлиги ҳақида хабар бериш бўйича мажбурияти меҳнат қонунчилигида назарда тутилмаган.

Бироқ, ўз саломатлигини ҳимоялаш мақсадида, ходим ишнинг жисмоний шароитлари унинг физиологик имкониятларига мос бўлишдан ҳамда иш берувчига чекланган имкониятлари ҳақида хабар беришдан ўзи манфаатдор бўлиши керак.

Бундан ташқари, қонунчиликка мувофиқ, ишлайдиган пенсионерларга (ушбу вазиятда I ва II гуруҳ ногиронларига) пенсия тўлаш иш берувчи томонидан амалга оширилади. Шу сабабли, пенсияни олиш мақсадида ногирон ўз вақтида ҳужжатларни тақдим этиши зарур.

Нима бўлган тақдирда ҳам, ногирон ўзининг чекланган имкониятлари ҳақида иш берувчига хабардор қилиши унинг манфаатларига бутунлай мос бўлади.

193 Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг йўлланмасига эга бўлган ногиронни ишга қабул қилишдан бош тортишга ҳақлимилар?

Иш берувчи меҳнат шартномасини тузишга мажбур бўлган барча шахслар билан жумладан, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўринларининг энг кам сонининг ҳисобига ишга юборилган шахсларни ишга жойлаштиришни рад қилиш ноқонуний ҳисобланади¹⁵⁴.

Шундай қилиб, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари йўлланмасига эга бўлган ногиронни ишга қабул қилишдан бош тортиш мутлақо мумкин эмас.

Иш берувчи ногиронни тиббий кўриқдан ўтишини ташкиллаштиришга мажбур. Унинг натижасига кўра ишлашга рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилинади.

194 Болалиқдан ногирон бўлган фарзандим бу йил академик лицейни тамомлайди. Биз олдиндан уни иш билан жойлашиш масаласини ҳал қилиб қўймоқчимиз. Қаерга мурожаат қилиб, нималар қилишимиз лозим?

Меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга, жумладан ногиронларга¹⁵⁵ қонунчиликда қўшимча кафолатлар назарда тутилган¹⁵⁶.

Уларнинг ишга жойлаштириш учун қонунчилик иш берувчига ходимларнинг жисмоний имкониятига мос келадиган ишчи ўринларини банд қилиб қўйиш мажбуриятини юклайди.

¹⁵³ 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (214-модда).

¹⁵⁴ Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида низом.

¹⁵⁵ Уша ерда.

¹⁵⁶ 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

Иш берувчининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўринларига ногиронни ишга қабул қилишдан бош тортиши меҳнат қонунчилигининг жиддий бузилиши ҳисобланади ва маъмурий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

Ногиронларни ишга жойлаштириш учун банд қилинган иш ўринлари ва иш берувчиларни рўйхатини яшаш жойи бўйича бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларидан олиш мумкин. Ушбу Марказлар нафақат тумандаги бўш иш ўринлари ҳақида, балки бутун республикада мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотга эга.

Агар ногирон ишга жойлашишда муаммоларга дуч келса, у бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларига мурожаат қилиши зарур. У ерда унга якка тартибда иш ўрни танлаб берилади ҳамда Марказнинг ходими унинг ишга жойлашиш жараёнини назорат қилади.

195 Қандай турдаги меҳнат фаолияти ногиронлар учун мутлақо тўғри келмайди?

Ногиронларга тўғри келмайдиган меҳнат фаолияти, авваламбор уларнинг жисмоний имкониятлари, меҳнатнинг хусусияти, лавозим билан боғлиқ мажбуриятлар ва ишнинг малакавий тавсифига боғлиқ. Тиббий-ижтимоий экспертиза хизматлари ногиронларни ишга жойлашиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш вақтида айнан шу мезонлардан фойдаланади.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, «ногирон меҳнат шaroитлари одатдагича бўлган ташкилотларда, ногиронлар меҳнатидан фойдаланиладиган ихтисослаштирилган корхоналарда, цехлар ва участкаларда ишлашга, шунингдек қонун билан тақиқланмаган якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир».

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ хавfli, зарарли ва оғир меҳнат шaroитига эга жойларда ногиронлар меҳнатидан фойдаланилиши мумкин эмас. Ушбу ишларнинг рўйхати ва хусусияти ўрнатилган тартибда қонунчиликда белгиланади. Умумий ҳолларда, айрим истиснолар билан бирга, ногиронлар ишлаши тақиқланадиган хавfli, зарарли ва оғир меҳнат шaroитига эга бўлган ишлар, касблар ва лавозимлар Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 1, 2 ва 3-сон Рўйхатларда белгиланган.

196 Ногирон меҳнатидан фойдаланиш учун ишлаб чиқаришда қандай тайёргарлик кўрилади?

Ходимларининг сони йигирма кишидан ортиқ бўлган корхоналар ногиронларни ишга жойлаштириш учун ўз ҳисобидан ходимлар сонининг камида 3% миқдорида иш ўринларини ажратади. Ушбу квотани белгилашда корхонада ишлаб келаётган ногиронлар сони ҳисобга олинади¹⁵⁷.

Масалан, ишчилар сони 100 киши бўлган корхонада бир нафар ногирон ишлаётган бўлса, унда корхона ногиронлар учун камида 2 иш ўрнини ажратиши ва уларни қабул қилишга тайёр бўлиши керак.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланиладиган иш жойлари меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши¹⁵⁸ ҳамда ногиронларнинг саломатлиги ва уларга тўғри келмайдиган меҳнат фаолиятини инобатга олиб, меҳнат вазифаларини бажаришига ҳалақит бермаслиги лозим¹⁵⁹.

Корхона ногиронни ишга жойлашиши учун иш ўрнини яратгани ва тегишли жиҳозлагани ҳақида 10 кун муддатда бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман

¹⁵⁷ Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида низом.

¹⁵⁸ Ишлаб чиқаришда ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи иш жойларни аттестациядан ўтказиш тартиби (рўйхат рақами 839, 1999 йил 18 ноябрь).

¹⁵⁹ Меҳнат шaroитларини баҳолаш ва меҳнат шaroитлари бўйича иш ўринларини аттестация қилиш услуги (рўйхат рақами 247, 1996 йил 28 май).

(шаҳар) марказига хабар бериши лозим. Марказ ўз навбатида ишлаш истагини билдирган ногиронни корхонага ишга жойлаштириш учун юборади.

Бунда корхона йил бошлангунгача 10 кундан кечикмай ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида улар учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ҳажмида иш ўринларини банд қилиб қўйилишини ва тайёр бўлишини таъминлайди, бу тўғрисида бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказига йил бошлангунгача ахборот берилади.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминланади, бу тўғрисида бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказига биринчи чорак тугагандан кейин 10 кундан кечикмай ахборот берилади.

Ногиронни ишга қабул қилиш учун яратилган ва тайёрланган иш ўринлари меҳнат органларининг рухсатисиз тугатилиши (йўқ қилиниши) мумкин эмас.

197 Ногиронларни махсус яратилган ишлар билан таъминлаш қандай амалга оширилади?

Ногиронларни махсус банд қилинган иш ўринларига ишга жойлаштириш бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари томонидан, шунингдек «эркин ёллаш» принципи бўйича меҳнат органининг тегишли йўлланмасисиз амалга оширилади.

Иш берувчи ўз ҳисобидан ишга қабул қилинаётган ногиронни тиббий кўрикдан ўтказишга ва ногиронни ишга жойлаштириш бўйича тиббий комиссиянинг хулосасига аниқ риюя қилишга мажбур¹⁶⁰.

Ногирон ўз навбатида тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Иш берувчи ногиронни фуқароларнинг ушбу тури учун банд қилинган иш ўринларига, агар улар бўш бўлса ва талабгор тиббий комиссиянинг ижобий хулосасига эга бўлса, ишга қабул қилишдан бош тортиши ноқонуний ҳисобланади¹⁶¹.

Ногирон билан ҳам худди бошқа ходимлар сингари имзоланган пайдан бошлаб кучга кирадиган оддий меҳнат шартномаси тузилади.

Агар ногирон ногиронлар учун махсус яратилган ишчи ўринларига ишга қабул қилинган бўлса, унга ишга қабул қилишда дастлабки синов белгиланмайди.

198 Эшитиш бўйича ногирон оддий ишлаб чиқариш шароитларида меҳнат қилишга ҳақлими?

Ногиронлар меҳнат шартномасини тузаётган пайтда тиббий кўрикдан ўтишлари лозим¹⁶². Агар тиббий комиссиянинг хулосасига кўра эшитиш бўйича ногирон маълум шароитларда ишлашга яроқли бўлса (яъни мазкур иш унинг соғлиғига хавф солмаса ва бошқа инсонлар ҳаёти ва саломатлигига таҳдид солмаса) ҳамда барча керакли ҳужжатларга эга бўлса, иш берувчи ногиронни ишга қабул қилишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас¹⁶³.

Табиийки, эшитиш бўйича ногиронни ишга қабул қилишда объектив чекловлар мавжуд — эшитиш органларидан фойдаланиш керак бўлган ишларда (масалан, диспетчер) ёки товуш сигналларини эшитиш муҳим аҳамиятга касб этидиган хавфли шароитли ишларда ногиронни меҳнат қилиши, албатта, мақсадга мувофиқ бўлмайди, бироқ эшитиш қобилиятига кўра ногиронлар тиббий комиссиянинг хулосасига кўра кўп ҳолларда нормал(оддий) шароитли ишларга жалб қилиниши мумкин.

¹⁶⁰ 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (214-модда).

¹⁶¹ Ўша ерда (78-модда).

¹⁶² Ўша ерда (214-модда).

¹⁶³ Ўша ерда (80-модда).

199 **Ногиронларни ишга жойлаштиришда ТМЭКнинг вазифалари нимадан иборат?**

Қуйидагилар ТМЭКнинг асосий вазифалари ҳисобланади¹⁶⁴:

- фуқароларнинг ҳаёт фаолияти чекланганлигини, унинг вақтинчалик ёки барқарор йўқотилганлигини, ногиронликнинг бошланган вақти ва ногиронлик муддатларини экспертиза қилиш;
- меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган ёки соғлиги бошқача тарзда шикастланган ходимларнинг касби бўйича меҳнатга лаёқатини йўқотганлик даражасини ва қўшимча ёрдам турларига муҳтожлигини аниқлаш;
- вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узайтириш;
- ногиронларнинг протез-ортопедия буюмларига, реабилитациянинг техник воситаларига муҳтожлигини аниқлаш ва уларни мазкур воситалар билан таъминлашнинг аҳволини кузатиб бориш;
- ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурларини ишлаб чиқиш, реабилитация тадбирларининг турлари, шакллари, муддатлари ва ҳажмларини белгилаш, даволаш-профилактика муассасалари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда дастурларнинг бажарилиши ҳолатини кузатиш, ўтказилган реабилитация тадбирларининг самарадорлигини аниқлаш;
- ногиронларнинг соғлиги ҳолатига ҳамда имкониятларига мувофиқ бўлган аниқ мутахассисликлар ва касбларни кўрсатган ҳолда уларни касбга йўналтириш бўйича тавсияномалар бериш.

Ногиронларни ишга жойлаштиришда ТМЭКнинг роли жуда аҳамиятлидир. Улар экспертиза маълумотлари асосида фуқароларнинг профессионал меҳнат қобилияти йўқотилганлик даражасини аниқлаб, ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини ишлаб чиқади ва уларнинг имкониятлариган мос келадиган ва ўз соғлигига зарар етказмай ишлай оладиган аниқ касб ва фаолият турлари кўрсатилган тавсияларни беради.

Ногиронларни ишга жойлаш билан бевосита ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурининг бажарувчи ташкилотларидан бири бўлган бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари шуғулланадилар.

200 **Мен биринчи гуруҳ ногирониман, тикувчи-моторист малакасига эгаман. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатдан ўтдим, лекин ушбу мутахассислигим бўйича ишга жойлаша олмапман. Фақат 3-гуруҳ ногиронларини қайта ўқитишимиз мумкин деб, Марказда мени бошқа мутахассислик бўйича қайта ўқитишдан бош тортишмоқда. Бу қонунийми?**

Меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш куйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин, агар:

- ишсиз шахс зарур касб малакасига эга бўлмаганлиги туфайли унга мақбул келадиган иш танлаш мумкин бўлмаса;
- ишсиз шахснинг касб кўникмаларига мос келадиган иш йўқлиги сабабли унинг касбини (мутахассислигини, машгулот турини) ўзгартириш зарур бўлса;
- ишсиз шахс аввалги касби бўйича иш бажариш қобилиятини йўқотган бўлса.

Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ўқув юртларида меҳнат органларининг йўлланмалари бўйича Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг ана шу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади¹⁶⁵.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг ушбу қондаси қонунчиликда белгиланган тартибда ишсиз деб тан олинган фуқароларга тааллуқлидир.

¹⁶⁴ Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори.

¹⁶⁵ 1998 йил 1 майдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун .

Мазкур Қонуннинг 3-моддасига мурвофиқ, ишсиз деб ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар эътироф этилади.

I гуруҳ ногирони пенсия қонунчилигига мувофиқ (ногиронлик гуруҳи белгиланган вақтдан бошлаб) нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлганлиги туфайли, ишсиз фуқаро тоифасига кирмайди ва бундай деб тан олинishi мумкин эмас.

Шундай қилиб, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг иш билан таъминлашга қўмаклашувчи бюджетдан ташқари фонди маблағлари ҳисобидан бошқа мутахассисликка қайта ўқитиш борасидаги рад жавоби қонунийдир.

Бироқ, агар ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури касбий қайта ўқитишни назарда тутса, у ҳолда бажарувчи ташкилот томонидан ногироннинг мутахассислигини ўзгартириш учун барча шароитлар яратилиши шарт. Бундай бажарувчи ташкилот махсус таълим муассасаси ёки ногиронлар жамоат бирлашмалари корхонаси бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда мутахассисликни ўзгартиришни ташкиллаштириш масалалари бўйича бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига мурожаат қилиш лозим. У ерда ногиронга мос келадиган профессионал курслар танлаб берилади.

2. ИШЛАЁТГАН НОГИРОНЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗ ВА НАФАҚАЛАР

201 Ногиронлар меҳнатини ҳимоялаш мақсадида қонунчиликда қандай имтиёзлар назарда тутилган?

Алоҳида тоифадаги ногиронларга қуйидаги имтиёзлар назарда тутилади¹⁶⁶:

- I ва II гуруҳ ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати;
- I ва II гуруҳ ногиронларига ўттиз календарь кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган асосий таътил;
- ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга уларнинг розилиги билангина жалб қилиш.

Бундан ташқари мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган шахсларга, уруш ногиронлари, ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар билан бошланганлиги аниқланган ногиронлар¹⁶⁷ ходимлар сони (штати) қисқарганда ёки технологиялар ўзгариши билан боғлиқ бошқа сабаблар билан, ишлаб чиқариш ва меҳнат, иш ҳажми камайганда ишда қолиш учун имтиёзли ҳуқуққа эгалар.

202 Мен биринчи гуруҳ ногирониман (болаликдан эмас) ва ўқитувчи бўлиб ишга жойлашишга эришдим. Ногиронлик бўйича пенсиямни бир қисми қисқартиришадими? Ногиронлик гуруҳини олиб ташлашадими?

Қонунчиликка мувофиқ, ишга жойлашиш ногиронликни ёки ногиронлик гуруҳини олиб ташлашга сабаб бўлмайди, чунки ногиронлик мезонлари бўлиб, ногироннинг иш билан бандлиги эмас, балки организмнинг функционал бузилиши даражаси ҳисобланади.

Ногиронлик гуруҳини фақатгина белгиланган муддатларга қатъий амал қилган ҳолда қайта тиббий текширишдан ўтказиш пайтида қайта кўриб чиқиш мумкин¹⁶⁸.

Ишловчи I ва II гуруҳ ногиронлари пенсияни тўлиқ олишга ҳақилидирлар¹⁶⁹.

¹⁶⁶ 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (200-модда).

¹⁶⁷ Ўша ерда (103-модда).

¹⁶⁸ Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори.

¹⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги ПФ-1289-сон «Ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлаш тўғрисида»ги Фармони.

203 Мен II гуруҳ ногирониман ва уйда хунармандчилик билан шуғулланаман. Эшитишимча, кейинчалик мендан ногиронликни олиб ташланиши эҳтимолдан бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази менга меҳнат дафтарчаси очиши ва ёшга доир пенсия тайинлаши мумкин экан. Бу чиндан ҳам шундайми?

*Хунармандчилик бу, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг хунармандчилик буюмлари ёки товарлари (ишлари, хизматлари)ни ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома асосида олиб бориладиган фаолият ҳисобланади*¹⁷⁰.

Хунармандлар ижтимоий суғурта қилиниш ва иш даврларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат стажига ҳисобланиши ҳуқуқига эга.

Юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат дафтарчаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан юритилади. Агар фуқаро тадбиркорлик фаолияти бошлангунга қадар меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган бўлса, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими белгиланган тартибда меҳнат дафтарчаси очади¹⁷¹.

Ўқоридаги тартибга мувофиқ хунармандлар юридик шахс ташкил қилмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахс сифатида давлат солиқ хизмати органларида ҳисобдан ўтиш билан бирга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлов тўлайдиган давлат ижтимоий суғуртасига мансуб шахсга айланади. Тўлов миқдорини хунарманднинг ўзи мустақил белгилайди, лекин у энг кам ойлик иш ҳақининг 50% дан кам бўлмаслиги керак (пенсионер ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлари учун).

Хунармандчилик билан шуғулланган даврларга меҳнат стажига бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган даврлар киритилади.

Шундай қилиб, умумбелгиланган нафақа ёшига етгунга қадар хунарманддан ногиронлик гуруҳи олиб ташланса, ушбу давр мобайнида нафақа жамғармасига тўлов тўланган бўлса, ёш бўйича нафақа белгиланаётганда хунармандчилик фаолиятидаги меҳнат стажи тўлиқ ҳисобланади.

204 Кредит олишни ва хусусий ишни бошлашни истаган ногиронларга имтиёзлар борми? Уларни қандай қилиб олиш мумкин?

Кредит олиш учун қонунчиликда ногиронларга кафолатланган имтиёзлар белгиланмаган, чунки кредит бизнесини ривожлантиришнинг молиявий инструменти ҳисобланади ва белгиланган тартибда берилади.

Шу билан бирга, турли молия институтлари, биринчи навбатда микрокредит ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида ногиронларга кредит олишлари учун ўз фаолияти тартибидан келиб чиққан ҳолда алоҳида устунликлар белгилайдилар.

Умумбелгиланганидан кўра имтиёзлироқ шартлар асосида микрокредит олиш учун тегишли микрокредит ташкилотларига мурожаат қилиш зарур. Ушбу ташкилотлар ҳақида маълумотни Савдо-саноат палатасининг ёки Марказий банкнинг ҳудудий бўлинмаларидан олишингиз мумкин.

205 Иш жойларида ногиронлар ҳуқуқларига риоя этилиши ким томонидан назорат қилинади?

Меҳнат соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

¹⁷⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сон «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

¹⁷¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 351-сон «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида»ги қарори.

Меҳнат соҳасидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш ва текшириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли таркибий тузилмалари ҳамда касаба уюшмалари томонидан амалга оширилади.

Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар меҳнат соҳасидаги қонунчиликни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширирадилар.

Меҳнат соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун иш берувчилар жавобгар бўладилар. Хусусан, ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ижро этмаганлиги учун корхонага, муассаса ва ташкилотга ҳар бир яратилмаган иш жойи учун ана шу корхона, муассаса ва ташкилот ходимининг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида жарима солинади¹⁷².

206 Болаликдан II гуруҳ ногиронини ишдан бўшатишга ҳақлимилар?

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш, яъни ходимни ишдан бўшатиш кўйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин¹⁷³:

- технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганда;
- ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолганда;
- ходимнинг айбли ҳаракатлари натижасида;
- ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганда;
- мулкдорнинг алмашиши сабабли корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда.

Шу билан бирга, болаликдан II гуруҳ ногиронни юқорида келтирилган ҳолатларда иш жойида қолдириш бўйича қонунчиликда имтиёзлар назарда тутилмаган.

Шуни таъкидлаш керакки, амалиётда, агар иш берувчи меҳнат шароитлари ходимларнинг саломалигига салбий таъсир кўрсатаяпти, деб ҳисобласа, ходимларга навбатдан ташқари тиббий кўрик ташкил қилиниб, унинг натижасига кўра ходим соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида қарор қабул қилиниши мумкин.

207 Корхона тугатилганида ногиронларни иш билан таъминлаш қандай амалга оширилади?

Корхона тугатилганда ногирон билан тузилган меҳнат шартномаси, Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисми 1-бандига асосан умумий асосларга кўра, иш берувчи ташаббуси билан бекор қилинади. Иш берувчининг корхона тугатилиши туфайли бўш қолган ходимларни, шу жумладан ногиронларни иш билан таъминланиши қонунчиликда назарда тутилмаган.

Бу ҳолатда иш берувчи меҳнат шартномаси бекор қилинишидан камида 2 ой олдин бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига корхона тугатилиши билан ишдан бўшовчи ҳар бир ишчи ҳақида, уларнинг мутахассислиги, малакаси ва иш ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда маълумот бериши шарт.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари мазкур маълумотларни олганидан сўнг бўшаган ходимларни кейинчалик иш билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Корхонада тугатилгандан кейин ишдан бўшаган ногирон-

¹⁷² Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида низом.

¹⁷³ 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (100-модда).

ларга келсак, улар учун бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўринларининг энг кам сонидан бўш иш ўринларини излаш тадбирларини ўтказадилар.

Ташкилот тугатилиши натижасида ишсиз қолиб, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш қидириб келган ногирон учун иш топишда қийналаётган шахслар ҳамда меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар учун банд қилиб қўйилган ихтисослаштирилган иш ўринлари ҳисобидан иш таклиф қилинади.

3. НОГИРОН ФАРЗАНДИ БОР АЁЛЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ

208 **Бизнинг корхонамизда кўпсменали иш тартиби белгиланган. Агар менинг ногирон фарзандим бўлса, корхона маъмурияти мени тунги вақтдаги ишга жалб этиши мумкинми? Тунги вақтда ишга чиқишдан бош тортсам бўладими?**

16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларни тунги вақтдаги ишларга жалб қилиш фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади¹⁷⁴.

Шу билан бирга, ногирон боласини тарбия қилаётган аёлнинг тунги вақтда ишлашдан бош тортиши меҳнат шартномаси бекор қилиниши ёки унга ўзгартиришлар киритилиши учун асос бўла олмайди.

16 ёшгача бўлган ногирон боласини тарбиялаётган аёлга бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади¹⁷⁵.

209 **Мен ногирон фарзандни тарбия қиляпман. У ҳар йили 1,5–2 ой мобайнида даволаниши ҳамда реабилитациядан ўтиши зарур ва мен у билан бирга бўлишим керак. Мен ишлаётган корхона маъмурияти реабилитациянинг тўлиқ даври мобайнида менга қулай бўлган вақтда меҳнат таътили беришга мажбурми?**

Ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил ҳамда уларнинг хоҳишига кўра ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади¹⁷⁶. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб берилиши мумкин.

Меҳнат таътилларининг кетма-кетлиги касаба уюшмаси билан келишилган график асосида белгиланади.

16 ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ёлғиз ота ёки оналарга ходим учун қулай бўлган вақтда таътил берилади¹⁷⁷.

Агар Сиз болани тарбиялаётган ёлғиз ота-она бўлмасингиз таътил вақтини олдиндан маъмурият билан келишиб олишингиз лозим.

210 **Бизнинг ногирон-фарзандимиз доимий парваришга муҳтож. Турмуш ўртоғим билан иккимиз касал фарзандимизни навбатма-навбат парваришлашимиз учун иш вақтининг қисқартирилган муддатини олиш ҳуқуқига эгамизми? Бу ҳолатда қисқартирилган иш вақти муддати қанча давом этиши мумкин? Иш вақтининг қисқартирилган муддатига ўтиш учун маъмуриятга қандай ҳужжатларни тақдим этиш керак? Корхона маъмурияти иш вақтининг қисқартирилган муддати белгилашдан бош тортиши мумкинми?**

Меҳнат қонунчилиги ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга иш вақтининг қисқартирилган муддатини белгилашни назарда тутуди¹⁷⁸. Эркаклар учун бундай имтиёзлар назарда тутилмаган.

174 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (228-модда).

175 Уша ерда (230-модда).

176 Уша ерда (232-модда).

177 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (144-модда).

178 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (229-модда).

Қисқартирилган иш куни давомийлиги (тўлиқсиз иш куни) ходимнинг хоҳишига кўра белгиланади ҳамда қонунчилик билан унинг муддати чекланмайди. Тўлиқсиз иш кунига ўтиш ходимнинг таътили давомийлигини чекламайди, иш ҳақи эса ишланган вақтга мос равишда тўланади.

Тўлиқсиз иш кунига ўтиш учун маъмуриятга боланинг ногиронлиги ҳақидаги ТМЭК маълумотномаси, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ёки болага васийликни белгиловчи бошқа ҳужжат тақдим этилиши етарли бўлади.

Иш берувчилар ногирон боласи бор аёлга тўлиқсиз иш кунини белгилашга мажбурдир¹⁷⁹.

¹⁷⁹ Ўша ерда (119, 229-моддалар).



VIII. НОГИРОНЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТ МУҲИТИНИНГ ҚУЛАЙЛИГИ

1. ШАҲАРСОЗЛИК МУҲИТИНИНГ ҚУЛАЙЛИГИ

211 Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз киришини, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажармаган корхоналарга қандай иқтисодий жавобгарлик чоралари бедгиланган?

Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томошагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув транспортдан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиغان йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича «Ўзбекистон Республикасида ногоиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган талабларни бажармаганлик учун ташкилотларга энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Жарима солиш суд томонидан, ташкилотлар ҳуқуқбузарлик содир этишдаги айбига иқрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жаримани тўлаганлик ташкилотларни ногоиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, транспортдан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича қонун талабларини бажаришдан озод этмайди¹⁸⁰.

212 Инфратузилма объектларининг, ҳаётий фаолиятнинг қулайлиги, бу нима дегани? Қайси бино ва иншоотлар тўсқинликсиз кириш қулайлиги бўлиши лозим? У объектнинг мулк шаклига боғлиқми?

«Қулайлик» тушунчаси турар жой ва жамоат бинолари ва иншоотларидан, жамоат транспорт ва ижтимоий хизматлардан инсонда мавжуд чекланган имкониятлардан (кўриш, эшитиш, ҳаракат қилиш ва бошқалар) қатъи назар ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдалана олиш ҳамда маълумот олишни англатади. Қулайликка мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин: тўсиқсиз ҳаракатланишнинг қулай йўлларини, жумладан нишабли йўлчаларни (пандуслар) қуриш; кресло-аравача айлана оладиган кириш зоналарини барпо қилиш; ҳаракат йўллари ва хоналар ўлчамларига, эшиклар кенлигига риоя қилиш, лифтларни ўрнатиш ва лифтолди майдончаларини барпо қилиш, махсус жихозланган санузеллар, ёритиш ва товуш маълумотларини берадиган, кўзи ожизлар учун эса Брайл методи асосида тактиль маълумотларни берадиган таблоларни

¹⁸⁰ 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногоиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун.

ўрнатиш; аудиторияларни эшитмайдиган ва ёмон эшитадиган одамлар учун маълумот воситалари билан жиҳозлаш, матнли табло ва сурдотаржимани қўллаш ва бошқа шунга ўхшаш воситалар билан таъминлаш.

Шу билан бирга қурилиш нормаларига мувофиқ, ижтимоий инфратузилма объектларига тўсиқларсиз кириш қулайлиги у ёки бу объектнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар таъминланиши лозим¹⁸¹. (норасмий таржима).

Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган биноларнинг қулайлиги ногиронларнинг меҳнат фаолияти имкониятларини (жисмоний имкониятларини) инобатга олган ҳолда таъминланиши лозим¹⁸².

Ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектлар — цехлар, шахталар ва бошқаларга тўсиқларсиз кира олишнинг чекланиши имкониятлари чекланган ишчилар, жумладан ногиронларнинг у ерга кириши хавфлилиги билан боғлиқ.

Архитектура-шаҳарсозлик объектларининг, ҳар хил бино ва иншоотларнинг қулайлигига қўйиладиган барча талаблар амалдаги қурилиш нормаларида ёритилган¹⁸³.

2. УМУМИЙ ЎРТА, ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҚЎЛАЙЛИГИ

213 Таълим муассасаларида кўриш, эшитиш, таянч-ҳаракатлананиш аъзоларида нуқсонлари бўлган, кресло-аравача ёрдамида ҳаракат қиладиган болалар ва ёшлар таълим олиши учун шароитлар мавжудми? Бирор-бир объектив чеклашлар борми?

Янги қуриладиган барча мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларига кириш жойларида нишабли йўлакчалар (пандуслар), йўлак ва ўқув хоналарида тўсиқсиз ҳаракатланиш, спорт ва мажлислар залларига, ошхона, кутубхона, тўғараклар ва бошқаларга тўсиқсиз кириш қулайлиги таъминланиши зарур. Умумий типдаги барча замонавий таълим муассасалари у ерда ногиронлар, жумладан, кўриш, эшитиш ва ҳаракатланиш аъзоларида нуқсонлари бор инсонлар тўсиқларсиз ҳаракатлана олишларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши керак¹⁸⁴. (норасмий таржима).

Ўтган асрнинг 60–90 йилларида, биноларни пандуслар ва кресло-аравачани кўтариш учун лифтлар билан жиҳозлаш бўйича талаблар ўрнатилмаган пайтда қурилган таълим муассасалари босқичма-босқич қайта қурилиши ва тегишлича имконияти чекланган шахслар учун қулайликларни таъминлайдиган барча зурур элементлар билан жиҳозланиши лозим. Мавжуд биноларни қайта қуриш ва ўзгартириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва тегишли вазирликлар масъулдирлар.

3. ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, МАКТАБЛАР, МАКТАБ-ИНТЕРНАТ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ ҚЎЛАЙЛИГИ

214 Жисмоний ва ақлий ривожланишда нуқсони бор болалар учун замонавий ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ҳақида айтиб берсангиз.

Замонавий шаҳарсозлик амалиётида умумтаълим мактаблари тизимига қўшимча равишда жисмоний ва ақлий ривожланишда оғир нуқсони бор болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни барпо қилиш назарда тутилмоқда.

181 ШНҚ 2.07.01-07 «Ҳаётий фаолият муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг камҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш».

182 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун.

183 ШНҚ 2.07.01-07 «Ҳаётий фаолият муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг камҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш».

184 ИКН 01-05 «Ўрта махсус таълим муассасалари-академик лицейлар и профессионал коллежлар» (Умумий қоидаларга қаранг), ИКН 02-09 «Олий таълим муассасалари» (Умумий қоидаларга қаранг); ШНҚ 2.07.01-07 «Ҳаётий фаолият муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг камҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш».

Лойиҳалаштирилаётган ихтисослаштирилган мактабларда ўқув хоналарининг белгиланган жойларнинг сони камайтирилиши назарда тутилади — 12 та ўқувчи (оддий мактабдаги 35 танинг ўрнига), шунингдек даволаш ва соғломлаштириш тадбирлари билан бирга тўлақонли таълим ва тарбия назарда тутилади. Бу билан бирга, бошланғич касбий таълимни олиш ҳам назарда тутилади.

Ихтисослаштирилган мактаблар касалликнинг тури бўйича фарқланади:

- кўришида нуқсонлар бўлган, кўзи ожиз болалар учун;
- эшитишида, нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун;
- таянч-ҳаракатланиш аъзосида нуқсонлар бўлган болалар учун;
- ақлий нуқсонлари бўлган болалар учун.

Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар замонавий қурилиш нормалари бўйича лойиҳалаштирилиши лозим. Ушбу нормалар замонавий қурилиш қоидалари ва стандартлари, хориж (иқтисодий ривожланган мамлакатлар) тажрибасини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган¹⁸⁵. Бинонинг баландлиги 2 қаватдан ошмайдиган қилиб мўлжалланади.

Фикримизча, ўқув ва маданий-маиший хоналар, спорт заллари ва бассейнлар, ахборот марказлари (кутубхоналар), очиқ спорт иншоотлари ва ўйин майдонлари, қулай ва шинам дам олиш жойлари билан таъминланган замонавий интернат-мактаблар, болаларнинг ўқиши, тарбияланиши ва даволаниши энг юқори даражада бўлиш имкониятини, жумладан иқтидорли болаларга алоҳида эътибор кўрсатиш имкониятини яратади.

Интернат-мактабларда яшаш хоналари 3–4 та одамга мўлжалланган, яшаш хоналарида санитар-маиший хоналар ҳам назарда тутилган. Кичик ўқувчиларнинг яшаш ва таълим олиши ўқув-яшаш секцияларида ташкил этилади; ҳар бир секцияда яшаш ва санитар-маиший хоналар, ўқув синфи ва навбатчи тарбиячининг хонаси бўлади.

Катта ўқувчилар яшаш секцияларида истиқомат қилишади, яшаш хоналари 3–4 та одам учун мўлжалланган. Таълим жараёни ўқув синфлари ва табиий фанлар учун жиҳозланган лабораторияларда, шунингдек, ўқув устахоналарида (хўжалик юритиш-ошпазлик, тикув, маиший техника таъмирлаш, ёғоч ва металл қайта ишлаш хоналарида) амалга оширилади. 11–12 йиллик таълим дастури ўқувчиларни олий маълумот олишлари учун асос яратади.

4. ИШ ЖОЙИДАГИ ҚУЛАЙЛИК

215 Ногиронларнинг меҳнат фаолияти учун қандай шароитлар яратилиши лозим?

Амалдаги қурилиш нормаларига мувофиқ, (ногиронлар меҳнат қиладиган) маъмурий муассасаларда, бошқарув ташкилотларида, шунингдек алоҳида корхоналарда ногиронлар ишлаши учун етарли даражада уларнинг турғун иш зоналарига, ижтимоий-маиший ва санитар-гигиена хоналарига бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда қулай шароит яратилиши лозим.

Иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларига мувофиқ маъмурий муассасаларда ва корхоналарда ногиронлар учун иш ўринлари назарда тутилиши лозим. Ногиронлар учун мўлжалланган иш ўринлари сони, уларни умумий ёки махсус хоналарда жойлаштирилиши, зарур жиҳозлар ва хизмат кўрсатиш шароитлари ногиронлар жамоат ташкилотлари билан келишилган лойиҳалаштириш ишларида назарда тутилади.

Хона ва жиҳозлар соғлиқни сақлаш ҳамда иш фаолиятини рационал ташкиллаштиришга қўйилган талабларга мос бўлиши лозим. Кўриш, эшитиш ва таянч-ҳаракатланиш аъзоларида нуқсонлари бўлган (кресло-аравачада юрадиган) ногиронларга махсус жиҳозлар аниқ технологик вазифаларга мувофиқ назарда тутилади.

Бинонинг қулайлигини (пандуслар, лифтлар) таъминлаш бўйича қоидаларга риоя этилиши билан бир қаторда эркин ҳаракатланиш ва кресло-аравача айланиши имконияти инобатга ол-

¹⁸⁵ ШНҚ 2.08.07-09 «Жисмоний ва ақлий нуқсонлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари», (3, 4 — бўлимлар).

ган ҳолда меҳнат қилиш учун етарли иш майдонлари ҳам назарда тутилади — иш жойи учун 6 м² кам бўлмаслиги лозим (ускуналар билан жиҳозланганлиги ҳисобига иш жойи майдони кенгайтирилиши мумкин). Ногироннинг индивидуал меҳнат фаолияти учун мўлжалланган кабинет ёки иш хонасининг майдони 12–14 (16) м² (ёки ундан ортиқ) бўлиши керак.

Тўсиқлар ва хизмат кўрсатиш ойналарининг баландлиги (рўпарадан қараганда 1,2 м дан баланд бўлмаслиги) ҳисобга олинади.

Иш жойидан ҳожатхона, ювиниш хонасигача бўлган масофа белгиланади — 50 м дан ортиқ бўлмаслиги лозим; агар иш жойлари участка (худуд) ичида ёйилиб жойлашган бўлса, унда ушбу масофа 100 м дан ортиқ бўлмаслиги лозим¹⁸⁶.

5. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҚУЛАЙЛИГИ

216 Даволаниш ва реабилитация муассасаларида ногиронларга хизмат кўрсатиш учун қандай чора-тадбирлар ва техник воситалар назарда тутилиши лозим?

Таъкидлаб ўтилганидек, барча соғлиқни сақлаш ва реабилитация, ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг бинолари йўлаклар ва хоналарда ҳаракатланишнинг қулайлигини таъминлашга қаратилган амалдаги нормаларига мувофиқ бўлиши лозим (остоналар, тўсиқлар бўлмаслиги, пол сатҳида фарқлар бўлмаслиги, эшикларнинг ва лифт кабиналарининг кенг бўлиши)¹⁸⁷.

Қоида тариқасида, биносининг баландлиги 2 ва ундан ортиқ қаватли бўлган барча тиббиёт ва реабилитация муассасаларида бинонинг қаватларига, шифокор-мутахассисларнинг турли хоналарига, бошқа соғломлаштириш хоналарига ногиронлар кресло-аравачаларда бора олишлари учун қулайлик яратиш мақсадида касалхона лифтлари бўлиши назарда тутилади.

Қулайликларни таъминлашга қаратилган нормалар чиққунга қадар қурилган мавжуд поликлиника, амбулатория, реабилитация ва ижтимоий муассасалар бинолари босқичма-босқич, кресло-аравачалар учун лифт-кўтаргичлар ўрнатишни инobatга олган ҳолда реконструкция қилиниши, жиҳозланиши лозим.

6. ШАҲАР ВА БОШҚА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДАГИ КЎЧАЛАР, ТУРАР ЖОЙ ҲАМДА ИЖТИМОЙ-АМАЛИЙ ЗОНАЛАР, АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ТЎХТАШ ЖОЙЛАРИ, ТРАНСПОРТ ЎТИШ ЖОЙЛАРИ

217 Ногироннинг ишга, таълим муассасаларига, турли маданият муассасаларига бориши учун шаҳар (шаҳарча) кўчаларида кресло-аравачада мустақил ҳаракатланиши учун шароитларни таъминлаш учун нималар назарда тутилган?

Пиёда ҳаракатланиш (ёки кресло-аравачада юриш) учун 200–350 м атрофидаги масофа оптимал ҳисобланади, йўл қўйиладиган чегаралар — 350–400 м. Қоида тариқасида, хизмат кўрсатиш элементларининг зарур комплекси — дорихоналар, почта, дўконлар, мактабгача таълим муассасаси, мактаб бўлиши назарда тутилган турар жой мавзеларида (даҳалар, маҳаллалар) кўпчилик микрорайон, даҳалар учун транспорт бекатларининг қулайлиги ўрта ҳисобда норматив кўрсаткичларларга яқиндир. Худудлар ва ҳаракат йўналишларининг нораціонал ташкил этилиши, объектларнинг турли хил жойда жойлашганлиги, ҳаракат йўналишларининг паст даражада ободонлаштирилганлиги, жамоат транспорти бекатларининг нораціонал жойлаштирилганлиги билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Мазкур муаммолар босқичма-босқич бар-тараф этилиши лозим, шаҳарсозлик муҳитининг янгилианиши учун ҳокимият масъулдир. Очиқ

186 ШНҚ 2.08.02-09 «Жамоат бинолари ва қурилмалари», ҚМҚ 2.08.04-04 «Маъмурий бинолар», ШНҚ 2.07.02-07 «Ҳаётий фаолият муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг камҳаракатланувчи гуруҳларини инobatга олган ҳолда лойиҳалаш».

187 ШНҚ 2.08.02-09 «Жамоат бинолари ва қурилмалари», ШНҚ 2.07.02-07 «Ҳаётий фаолият муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг камҳаракатланувчи гуруҳларини инobatга олган ҳолда лойиҳалаш».

шаҳарсозлик муҳитини ташкил этиш учун барча талаблар амалдаги лойиҳалаштириш ва қурилиш нормаларида баён қилинган¹⁸⁸.

Қўпчилик ҳолатларда кресло-аравачадаги одам мустақил бекатгача бора олмайди ҳамда аравача билан автобус, троллейбус, трамвайга чиқа олмайди. Транспорт бекати ҳамда жамоат транспорти кўплаб кўрсаткичлар бўйича замонавий норматив талаблар ва халқаро стандартларга жавоб бермайди. Бекатларнинг ҳолати бўйича масъуллар ҳокимиятлар ва транспорт ташкилотларидир. Кресло-аравачалар учун кўтарма қурилмали жамоат транспортини жорий қилиш учун транспорт соҳасини бошқарувчи давлат органлари масъулдир.



IX. НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

218 Ногиронларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга мурожаат қилиш тартиби қандай?

Ногиронлар Ўзбекистон Республикасининг тенг ҳуқуқли фуқаролари сифатида давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларга аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлар ариза, таклиф ва шикоятни шахсан беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёки мурожаатини алоқа воситалари орқали юборишга ҳақли.

Фуқароларнинг мурожаатлари оғзаки ёки ёзма шаклда киритилади. Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамиятга эга.

Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Мурожаатга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади¹⁸⁹.

219 Ногирон давлат органи мансабдор шахси ёки раҳбари қабулига кириш ҳуқуқига эгами?

Ҳа. Давлат органларида фуқароларни қабул қилиш ташкил этилади. Фуқароларни қабул қилиш раҳбар ёки бошқа мансабдор шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида алоҳида бўлинмалар тузилиши мумкин, фуқароларни қабул қилиш учун масъул мансабдор шахслар белгилаб қўйилади.

Қабул белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилади. Қабул жадвали фуқаролар эътиборига етказилади.

Фуқаро оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши керак. Фуқарони қабул қилиш, агар унинг бир неча бор қилган мурожаати асоссиз, қонунга хилоф ҳусусиятда бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилиб бўлинган бўлса, рад этилиши мумкин¹⁹⁰.

220 Ногиронларнинг ариза, таклиф ва шикоятларини беришда қонунчиликда қандай муддатлар белгиланган?

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар бериши учун муддат белгиланмайди. Айрим ҳолларда муайян давлат органининг ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш имкониятига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида рўёбга чиқариш, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра, бундай давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятларни бериш муддати белгиланиши мумкин.

¹⁸⁹ 2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун.

¹⁹⁰ Уша ерда.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарорлар қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йил ичида берилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи томонидан тикланади¹⁹¹.

221 Ногиронларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари қанақа?

Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади. Бунда мурожаатларни кўриб чиқиш муддати икки ойдан ошмаслиги лозим.

Мурожаатлар, агар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органи, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади¹⁹².

222 Ногиронлар мурожаатлар кўриб чиқилишида шахсан иштирок этиш ҳуқуқига эгами?

Мурожаат давлат органлари томонидан кўриб чиқилаётганда фуқаро мурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборот олиш, важларини шахсан баён этиш ва изоҳлар бериш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар такдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёки ўз вакили хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт¹⁹³.

223 Ногироннинг мурожаатини кўриб чиқаётган давлат органининг мажбуриятлари нимадан иборат?

Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Ариза ёки шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтириши шарт.

Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи, унинг мансабдор шахси мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарор ижросини назорат қилиши, агар фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилишга доир чора-тадбирлар кўриши ҳам шарт¹⁹⁴.

191 2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун.

192 Уша ерда.

193 Уша ерда.

194 Уша ерда.

224 Мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлиги қандай?

Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, фуқарони мурожаат қилганлиги учун таъқиб қилиш, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасида, жиноий жавобгарлик эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасида белгиланган¹⁹⁵.

225 Агарда давлат органи, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотлар Сизнинг мурожаатингизга ўз вақтида жавоб беришмаса, қаерга мурожаат қилиш лозим?

Агар давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилотлар Сизнинг мурожаатингизга ўз вақтида жавоб беришмаса, Сиз юқори турувчи органга, прокуратура органларига, адлия органларига ёки судга мурожаат қилишингиз мумкин¹⁹⁶.

226 Давлат органларининг ногиронлар ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан қандай қилиб шикоят қилиш мумкин?

Фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Тобелик тартибида юқори турувчи орган, мансабдор шахс шикоятни бир ойлик муддатда кўриб чиқишлари шарт. Агар фуқаронинг шикоятини қаноатлантириш рад қилинган бўлса ёки у шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоятни ҳуқуқлари, эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига кўра жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили бериши мумкин.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ё у яшайдиган жойдаги судга ёки орган жойлашган ердаги, ёхуд хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга берилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоятлар бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 269-моддасида белгиланган¹⁹⁷.

¹⁹⁵ 2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (43-модда), Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (144-модда).

¹⁹⁶ «Прокуратура тўғрисидаги» Қонун, «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида низом.

¹⁹⁷ «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун.

227 Судга шикоят билан мурожаат қилишнинг муддатлари ўрнатилганми?

Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

- фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб уч ой;
- фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой;
- агар фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берганидан кейин бир ой муддат ўтган кундан бошлаб бир ой.

Шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.

Фуқаролик процессуал кодексининг 130-моддасига кўра, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза процессуал ҳаракат бажарилиши ёки ҳужжат топширилиши лозим бўлган судга берилади ва ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ бу шахсларнинг келмаслиги суд олдига қўйилган масалани ҳал этишга тўсқинлик қилмайди.

Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда, муддати ўтказиб юборилган ҳаракат бажарилиши ёки ҳужжат топширилиши лозим. Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклашни рад этиш тўғрисида суд чиқарган ажрим устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин¹⁹⁸.

228 Ногиронлар судга мурожаат қилганда давлат божини ва суд чиқимларини тўлайдими, бирор бир имтиёзлар назарда тутилганми?

Давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилишда энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридан давлат божи (суд қарор чиқарилаётган пайтда айбдор томондан) ундирилади¹⁹⁹. Бунда ногиронлар давлат божини тўлашдан озод этилмайдилар²⁰⁰. Бироқ, агар Сизнинг манфаатларингизни судда адлия, прокуратура ёки ногиронларнинг жамоат бирлашмалари ҳимоя қилишса, Сиз, ушбу органлар каби давлат божини тўлашдан озод қилинасиз. Бунинг учун Сиз кўрсатиб ўтилган органларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларингизни ҳимоя қилишни сўраб ёзма равишда мурожаат қилишингиз зарур.

Фуқаролик процессуал кодексининг 110-моддасига кўра, Суд фуқаронинг мулкий аҳволига қараб, уни давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашдан озод қилишга ҳақли. Бунинг учун Сиз судга суд харажатларидан озод қилишни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилишингиз зарур²⁰¹.

229 Кимлар ногиронларнинг қонуний вакиллари бўла оладилар?

Қонуний вакиллар бу, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда ҳимоя қиладиган шахслардир. Қонуний вакиллар бўлиб, ота-оналари, эр-хотинлар, вояга етган болалар, фарзандликка олувчилар, васийлар ёки ҳомийлар ҳисобланиши мумкин. Қонуний вакиллар ҳақидаги қоидалар Фуқаролик кодексининг 21 ва 29-моддаларида, Оила кодексининг 74-моддасида, Фуқаролик процессуал кодексининг 38 ва 51-моддаларида, Хўжалик процессуал кодексининг 50-моддасида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 296-моддасида, Жиноят-процессуал кодексининг 60 ва 61-моддаларида ҳамда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида келтирилган.

198 «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун.

199 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (104-модда), Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (328-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари.

200 Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (328-модда).

201 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (104-модда), Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (328-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари.

230 Ногирон шахсларга хайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги маъмурий жазо қўлланиши мумкинми?

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Ногиронлиги сабабли транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин эмас, транспорт воситаларини алкоголь ичимликдан, гиёвандлик воситаси таъсиридан маст бўлган ҳолда ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда бошқариш ҳоллари, шунингдек ўзлари иштирокчи бўлган йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган жойдан кетиб қолиш ҳоллари бундан мустаснодир²⁰².

231 Ногирон шахсларга маъмурий қамоққа олиш тарзидаги маъмурий жазо қўлланилиши мумкинми?

Қамоққа олиш тарзидаги маъмурий жазо биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун — ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади²⁰³.

232 Ногиронларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш тартиби қандай?

Ногиронлар ўзларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида ногиронлар томонидан ташкил этилган ташкилотлар ногиронларнинг жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Ногиронларнинг жамоат бирлашмаларини ташкил қилиш «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартдаги 132-сон «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори билан тартибга солинади.

Ногиронларнинг жамоат бирлашмаларини давлат рўхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартдаги 132-сон «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, жамоат бирлашмаларини рўйхатга олганлик учун қуйидагича давлат божи белгиланган:

- республика ва вилоятлараро жамоат бирлашмаларни рўйхатга олганлик учун — йигирманга энг кам иш ҳақи миқдорида;
- бошқа жамоат бирлашмаларни рўйхатга олганлик учун — ўнга энг кам иш ҳақи миқдорида.

Ногиронлар жамоат бирлашмаларини рўйхатга олинганлик учун юқорида кўрсатилган давлат божи 25 фоиз миқдорида ундирилади. Ташкилотлар ва фуқаролар жамоат бирлашмаларида моддий-техник ва молиявий ёрдам кўрсатишлари мумкин.

233 Ногирон бола қандай қилиб давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотларга мурожаат қилиши мумкин?

Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб ариза, таклиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан мумкин.

202 Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (28-модда).

203 Уша ерда.

Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, у давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотларга мустақил равишда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Вояга етмаган болани тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш, яъни эмансипация Фуқаролик кодексининг 28-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли²⁰⁴.

234 Ногирон бола суд томонидан ҳимояланиш ҳуқуқига эгами?

Ҳар бир ногирон болага ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳарактсизликлари) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ногирон боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш қонунга мувофиқ амалга оширилади²⁰⁵.

235 Ногирон боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ким томонидан ҳимоя қилинади?

Ногирон боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи томонидан амалга оширилади²⁰⁶.

236 Ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тўла муомалага лаёқатли деб эътироф этиш тартиби қандай?

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин. Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Бунинг учун вояга етмаган шахс васийлик ва ҳомийлик органларига ота-онаси, фарзандликка олувчи ёки васийсининг вояга етмаган шахс муомалага лаёқатли деб эътироф этишга розилигини билдирган ёзма аризаси илова қилинган ҳолда ариза билан мурожаат қилиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низомнинг 4-бандига мувофиқ, васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан — халқ таълими бўлимларига, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан — соғлиқни сақлаш бўлимларига, соғлиғи ёмонлиги сабабли ҳомий тайинлашга муҳтож бўлган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан — бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига юкланади²⁰⁷.

204 2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун.

205 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (3-кичик бўлим. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш), «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун.

206 «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун (11-модда).

207 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (28-модда).

ҚўЛЛАНМАДА Фойдаланилган НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДАН КЎЧИРМАЛАР

Қўлланма 2010 йилнинг декабрь ойигача тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тайёрланди.

6-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори билан тасдиқланган Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш ва ногиронликни белгилаш тартиби тўғрисида низом

V. Ногиронликни белгилаш мезонлари

23. Организм функциялари бузилишининг асосий турлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- психик функцияларнинг бузилиши (идрок қилиш, диққат-эътибор, хотира, тафаккур, интеллект, ҳис-туйғу, ирода, онг, хулқ-атвор, психомотор функциялар);
- тил ва нутқ функцияларининг (оғзаки (ринолалия, дизартрия, дудуқланиш, алалия, афазия) ва ёзма (дисграфия, дислексия), вербал ва невербал нутқ бузилиши, овоз ҳосил бўлишининг бузилиши ва ҳоказолар);
- сенсор функцияларининг (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, сезиш, тактил, оғриқли, ҳарорат кўтарилиши ва бошқа сезувчанлик турлари) бузилиши;
- статодинамик функциялар бузилиши (бош, гавда, оёқ-қўлнинг ҳаракатланиш функциялари, ҳаракатлар статикаси, мувофиқлаштирилиши);
- қон айланиши, нафас олиш, овқат ҳазм бўлиши, организмдан нарса ажралиб чиқиши, қон яратилиши, модда ва энергия алмашиши, ички секреция, иммунитет функцияларининг бузилиши;
- жисмоний майиб-мажруҳлик билан боғлиқ бузилишлар (ташқи майиб-мажруҳликка олиб келадиган юз, бош, гавда, оёқ-қўллар деформацияси, овқат ҳазм қилиш, сийдик ажратиш, нафас олиш трактининг аномал тешиги, гавда ўлчамларининг бузилиши).

24. Организм функциялари барқарор бузилишининг намоён бўлиши тўртта даражага ажратилади:

- I даража — унча катта бўлмаган бузилишлар,
- II даража — мўътадил бузилишлар,
- III даража — аниқ намоён бўладиган бузилишлар,
- IV даража — анча аниқ намоён бўладиган бузилишлар.

25. Инсон ҳаёт фаолияти асосий турлари чекланишининг намоён бўлиши 3 даражага ажратилади:

- а) ўзига ўзи хизмат кўрсатиш лаёқати — инсоннинг асосий физиологик эҳтиёжларни мустақил амалга ошириш, кундалик маиший фаолиятни бажариш лаёқати, шу жумладан шахсий гигиена кўникмалари:
 - I даража — узоқ вақт сарфлаб ўзига ўзи хизмат кўрсатиш лаёқати, уни бажаришнинг бўлиниши, зарурият бўлганда ёрдамчи техник воситалардан фойдаланиб ҳажмни қисқартириш;
 - II даража — зарурият бўлганда ёрдамчи техник воситалардан фойдаланиб бошқа шахсларнинг мунтазам қисман ёрдами билан ўзига ўзи хизмат кўрсатиш лаёқати;
 - III даража — ўзига ўзи хизмат кўрсата олмаслик, доимо ўзгаларнинг ёрдамига муҳтожлик ва бошқа шахсларга тўлиқ боғлиқлик;
- б) мустақил ҳаракатланиш лаёқати — маконда мустақил ҳаракат қилиш лаёқати, ҳаракатланишда, дам олишда ва гавда ҳолати ўзгарганда гавданинг мувозанатини сақлаш, жамоат транспортдан фойдаланиш:
 - I даража — вақт узоқроқ сарфланганда мустақил ҳаракатланиш лаёқати уни бажаришнинг бўлиниши, зарурият бўлганда ёрдамчи техник воситалардан фойдаланиб масофани қисқартириш;

- II даража — зарурият бўлганда ёрдамчи техник воситалардан фойдаланиб бошқа шахсларнинг мунтазам қисман ёрдами билан мустақил ҳаракатланиш лаёқати;
- III даража — ҳаракат қила олмаслик, доимо ўзгаларнинг ёрдамига муҳтожлик;
- в) мўлжал олиш лаёқати — атроф вазиятни муқобил идрок этиш лаёқати (вазиятни баҳолаш, вақтни ва турган жойини аниқлаш лаёқати):
 - I даража — фақат одатдаги вазиятда мустақил ва (ёки) ёрдамчи техник воситалар ёрдамида мўлжал олиш лаёқати;
 - II даража — бошқа шахсларнинг ёрдами талаб этадиган мўлжал олиш лаёқати;
 - III даража — мўлжал ола билмаслик (дезорентация) ва бошқа шахсларнинг доимий ёрдами ва (ёки) назоратига муҳтожлик;
- г) муомала қилиш лаёқати — идрок қилиш, ахборотни қайта ишлаш ва бериш йўли билан одамлар ўртасида алоқа ўрнатиш лаёқати:
 - I даража — ахборот олиш ва бериш суръати ва ҳажмини пасайтириб муомала қилиш лаёқати, зарурият бўлганда ёрдам беришнинг ёрдамчи техник воситаларидан фойдаланиш;
 - II даража — зарурият бўлганда ёрдамчи техник воситалардан фойдаланиб бошқа шахсларнинг қисман ёрдами билан муомала қилиш лаёқати;
 - III даража — муомала қила олмаслик ва бошқа шахсларнинг доимий ёрдамига муҳтожлик;
- д) ўз хулқ-атворини назорат қилиш лаёқати — ўзини англаш ва ижтимоий ҳуқуқий-маънавий ахлоқий нормаларни ҳисобга олган муқобил хулқ-атвор лаёқати:
 - I даража — мураккаб ҳаётий вазиятларда ўз хулқ-атворини назорат қилиш лаёқатининг вақти-вақти билан пайдо бўладиган чекланиши ва (ёки) қисман тузатиш киритиш имконияти билан ҳаётнинг айрим соҳаларига дахл қиладиган ролли функцияларни бажаришнинг доимий равишда қийинлиги;
 - II даража — фақат бошқа шахсларнинг мунтазам ёрдами билан қисман тузатиш киритиш имконияти билан ўз хулқ-атвори ва атроф-муҳитга танқидий муносабатнинг доимий равишда пасайиши;
 - III даража — ўз хулқ-атворини назорат қила олмаслик, унга тузатиш кирита олмаслик, бошқа шахсларнинг доимий ёрдамига (назоратига) муҳтожлик;
- е) ўқиш, билимларни (умумтаълим, касб-хунар билимлари ва бошқа билимларни) ўзлаштириш ва такрорлаш, малака ва кўникмаларни (касб-хунар, ижтимоий, маданий, маиший, малака ва кўникмаларни) эгаллаб олиш лаёқати:
 - I даража — зарурат бўлганда ёрдамчи техник воситалар ва технологияларни қўллаб ўқитишнинг махсус усулларидан, ўқитишнинг махсус режимидан фойдаланиб умумий типдаги таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари доирасида ўқиш, шунингдек муайян даражадаги маълумотга эга бўлиш лаёқати;
 - II даража — зарурат бўлганда ёрдамчи техник воситалар ва технологиялардан фойдаланиб фақат ривожланишида нуқсонлари бўлган таълим олувчилар, тарбияланувчилар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ёки уйда махсус дастурлар бўйича ўқиш лаёқати;
 - III даража — ўқий олмаслик;
- ж) меҳнат фаолияти билан шуғулланиш лаёқати — ишларни бажариш мазмуни, ҳажми, сифати ва шартларига қўйиладиган талабларга мувофиқ меҳнат фаолиятини амалга ошириш лаёқати:
 - I даража — малака, оғирлик, кескинлик пасайган ва (ёки) иш ҳажми камайганда меҳнатнинг одатдаги шароитларида меҳнат фаолиятини бажариш лаёқати, меҳнатнинг одатдаги шароитларида паст малакали меҳнат фаолиятини бажариш имкони сақланиб қолган ҳолда асосий касб бўйича ишни давом этира олмаслик;
 - II даража — ёрдамчи техник воситалардан фойдаланиб ва (ёки) бошқа шахслар ёрдамида махсус ташкил этилган меҳнат шароитларида меҳнат фаолиятини бажариш лаёқати;
 - III даража — меҳнат фаолияти билан шуғаллана олмаслик ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланиб бўлмаслиги (ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланиш тақиқланганлиги).

26. Ҳаёт фаолиятининг қуйидаги турларидан бири ёки улар биргаликда чекланишига олиб келадиган ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш зарурлигини тақозо этадиган касалликлар, жароҳат ёки нуқсонлар оқибатларидан келиб чиқадиган организм функциялари бузилишининг анча барқарор ифодаланган бузилишига эга бўлган инсон саломатлигининг бузилиши ногиронликнинг биринчи гуруҳини белгилаш учун мезон ҳисобланади:

- III даража — ўзига ўзи хизмат қилиш лаёқати;
- III даража — ҳаракат қилиш лаёқати;
- III даража — мўлжал олиш лаёқати;
- III даража — муомала қилиш лаёқати;
- III даража — ўз хулқ-атворини назорат қилиш лаёқати.

27. Ҳаёт фаолиятининг қуйидаги турларидан бири ёки улар биргаликда чекланишига олиб келадиган ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш зарурлигини тақозо этадиган касалликлар, жароҳат ёки нуқсонлар оқибатларидан келиб чиқадиган организм функциялари бузилишининг барқарор ифодаланган бузилишига эга бўлган инсон саломатлигининг бузилиши ногиронликнинг иккинчи гуруҳини белгилаш учун мезон ҳисобланади:

- II даража — ўзига ўзи хизмат қилиш лаёқати;
- II даража — ҳаракат қилиш лаёқати;
- II даража — мўлжал олиш лаёқати;
- II даража — муомала қилиш лаёқати;
- II даража — ўз хулқ-атворини назорат қилиш лаёқати;
- II, III даража — ўқиш лаёқати;
- II, III даража — меҳнат фаолияти билан шуғулланиш лаёқати.

28. Ҳаёт фаолиятининг қуйидаги турларидан бири ёки улар биргаликда чекланишига олиб келадиган ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш зарурлигини тақозо этадиган касалликлар, жароҳат ёки нуқсонлар оқибатларидан келиб чиқадиган организм функциялари бузилишининг барқарор мўътадил ифодаланган бузилишига эга бўлган инсон саломатлигининг бузилиши ногиронликнинг учинчи гуруҳини белгилаш учун мезон ҳисобланади:

- I даража — ўзига ўзи хизмат қилиш лаёқати;
- I даража — ҳаракат қилиш лаёқати;
- I даража — мўлжал олиш лаёқати;
- I даража — муомала қилиш лаёқати;
- I даража — ўз хулқ-атворини назорат қилиш лаёқати;
- I даража — ўқиш лаёқати.

29. Ногиронлик тўғрисида қарор чиқаришда илгари амалга оширилган тиббий-ижтимоий чора-тадбирларнинг узвийлигини назарда тутадиган индивидуал реабилитация дастури тuzилади.

7, 21-ҲАВОЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори билан тасдиқланган Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш ва ногиронликни белгилаш тартиби тўғрисида низом

32. Текширилувчи туман, туманлараро, шаҳар, ихтисослашган ТМЭК қароридан норози бўлган тақдирда, у бир ой мобайнида марказий ТМЭКга ёки белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин. Ариза тушгандан кейин уч кун мобайнида туман, туманлараро, шаҳар, ихтисослашган ТМЭК қайта текширишдан ўтказиш далолатномасини марказий ТМЭКга беради. Марказий ТМЭК кейинги 15 кун мобайнида ариза берувчини қайта тиббий текширишдан ўтказиш ва ўз хулосасини чиқаради. Фуқаро марказий ТМЭК хулосасидан норози бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан таш-

қари Пенсия жамғармасининг Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш Республика инспекциясига мурожаат қилишга ҳақлидир.

8-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори билан тасдиқланган Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш ва ногиронликни белгилаш тартиби тўғрисида низом

II. Фуқароларни тиббий текшириш учун қабул қилиш

5. ТМЭК Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги ушбу ТМЭКга биркитилган ДПМнинг йўлланмасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, фуқаролиги бўлмаган шахсларни ва хорижий фуқароларни тиббий текшириш учун қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларининг йўлланмаси бўйича тиббий текшириш мақсадлари кўрсатилган ҳолда ТМЭК 16 ёшдан кичик шахсларни ҳам тиббий текшириш учун қабул қилиши мумкин.

Тиббий текширишнинг сифати, ўз вақтидалиги ва беморларни ТМЭКга жўнатишнинг асосланганлиги учун жавобгарлик ДПМ раҳбарига юкланади.

9, 16-ҲАВОЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 25 сентябрдаги 291-сон «Болалар ногиронлигини эътироф қилиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатилишини яхшилаш тўғрисида»ги буйруғи

Шахсни, жумладан ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни ногирон деб эътироф этиш тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан, ўн олти ёшгача бўлган болаларни эса — яшаш жойидаги даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан амалга оширилади.

10-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори билан тасдиқланган Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари тўғрисида низом

10. Куйидагилар ТМЭКнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- даволаш-профилактика муассасалари томонидан тақдим этилган тиббий ҳужжатлар ва фуқароларни кўриқдан ўтказиш натижалари асосида ҳаёт фаолиятининг чекланганлигини экспертиза қилиш, ногиронлик гуруҳини, сабабларини, унинг бошланган вақтини ва ногиронлик муддатларини, меҳнатга лаёқатнинг йўқолиши фоизини белгилаш;

11-ҲАВОЛА

Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва маълумотномалар бериш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 873, 2000 йил 19 январь)

10. Амбулатор-шифохонадаги даволанишда шифокор томонидан 5 календар кунни ўз ичига олган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги ҳақида касаллик варақаси берилади. Касаллик варақасини узайтириш даволовчи шифокор ҳамда бўлим мудираси билан келишилган ҳол-

да 10 кундан ошмаган муддатга белгиланади, бўлим мудираси бўлмаганда белгиланган муддат асосида ТМК раиси томонидан то тузалгунига ёки ТМЭКга йўллангунига қадар узайтирилади.

Узоқ муддатли касалланганлар, туберкулез касаллигидан ташқарилар, ташҳис олишлари учун ТМЭКга йўлланадилар, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги белгиланган кундан бошлаб 3 ойлик муддат ичида ёки 4 ойдан кўп бўлмаган лаёқатсизлик даврида, умумий ҳолатда, сўнгги 12 ой ичида бир муддат оралиғида ёки бир турда-ги касаллик билан оғриганлари ҳолатида.

- нохуш клиник ва меҳнат натижаси асосидаги касаллар, ногиронлик аломатлари мавжуд бўлганида, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик даврини белгилаш учун ТМЭКга ташҳис қўйилишига йўлланадилар.

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликда, туберкулез асоратида, дастлабки касаллик аломатлари сезилиши билан касалланганлар лаёқатсизлик даври 10 ойдан кўп бўлмаган муддатда ташҳис қўйилиши учун ТМЭКга йўлланадилар.

- касалланганларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлигида, туберкулезни даволаш муассасалари рўйхатида турувчилар, асосий касаллик зўриқиши даврида, ТМЭКга йўллаш касалликнинг илк асоратлари бошлангандан меҳнатга лаёқатсизлиги 6 ойдан кечиктирилмаган давр мобайнида амалга оширилади.

12-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори билан тасдиқланган Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш ва ногиронликни белгилаш тартиби тўғрисида низом

8. Тиббий текшириш:

- яшаш жойи бўйича ёки ДПМга биркитилган жой бўйича ёхуд ушбу ТМЭКга биркитилган тегишли ДПМнинг йўлланмаси бўйича;
- агар ҳолисона сабабларга кўра ва ДПМ тавсияси асосида тиббий текширишни ТМЭК жойлашган жой бўйича ўтказиш мумкин бўлмаса — уйда ёки стационарда кўчма мажлисларда;
- фавқулдда ҳолатларда — тиббий текширишдан ўтувчининг розилиги билан белгиланган тартибда сиртдан (тиббий текширишдан ўтаётган шахс ҳозир бўлмасдан) ўтказилиши мумкин.

Тиббий текширувдан ўтказиш ҳужжатлар ТМЭКга қабул қилинган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда амалга оширилади. Ногиронлик аниқланган тақдирда ҳужжатлар ТМЭКга қабул қилинган сана ногиронлик бошланган вақт деб ҳисобланади.

13, 14, 15-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори билан тасдиқланган Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш ва ногиронликни белгилаш тартиби тўғрисида низом

6. Тиббий текшириш учун:

- айнан бир касаллик билан боғлиқ ҳолатда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб узлуксиз муддат бирваракайига 4 ойдан ортиқни ташкил этадиган узоқ муддат касал бўлган шахслар (сил касаллигига чалинган беморлардан ташқари);
- вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври айнан бир касалликка чалинганда танаффуслар билан 6 ой мобайнида, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб 12 ой мобайнида давом этган шахслар (сил касаллигига чалинган беморлардан ташқари);

- вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври касаллик аниқланган кундан бошлаб камида 10 ойни ташкил этадиган касаллик биринчи марта аниқланган силга чалинган беморлар, шунингдек асосий касаллик кучайганда — вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб камида 6 ой силга қарши муассасаларда ҳисобда турган сил касалига чалинган беморлар қабул қилинади. Ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахслар, шунингдек нохуш клиник прогнозли беморлар юқорида кўрсатиб ўтилган муддатлар тамом бўлгунга қадар тиббий текшириш учун қабул қилиниши мумкин. Ушбу шахсларни тиббий текшириш учун қабул қилиш тўғрисидаги қарор ТМЭК раиси томонидан қабул қилинади.

20-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори билан тасдиқланган Тиббий текширишдан қайта ўтказиш муддати кўрсатилмасдан ногиронлик гуруҳи белгиланадиган касалликлар рўйхати

VI. Ногиронлик гуруҳи муддатсиз белгиланади

1. 60 ёшдан катта ногирон эркакларга ва 55 ёшдан катта ногирон аёлларга.
2. Кейинги 5 йил ва ундан ортиқ йил мобайнида ногиронликнинг I ёки II гуруҳи белгиланган, 5 йил мобайнида ДПМда тўлиқ диспансер кўригидан ўтган, реабилитация дастурлари бажарилган, шунингдек реабилитациянинг барча турлари истиқболсиз бўлган, тиклаб бўлмайдиган анатомик-функционал бузилишлар ёки зўраювчи касалликларга дучор бўлган ногиронларга. Кўрсатиб ўтилган талаблардан ҳеч бўлмаса бири бажарилмаганда, шу жумладан бемор реабилитация, даволаш ёки операцияни, ўқишни рад этган тақдирда ногиронлик гуруҳи муддатсиз белгиланмайди.
3. Охириги 7 йил мобайнида ногиронлик гуруҳи ўзгармаган ва кўрсатиб ўтилган давр мобайнида даволаш-профилактика муассасаларида тўлақонли диспансеризациядан ўтган, реабилитация қилиш индивидуал дастурининг барча бандлари бажарилган ҳамда кейинги реабилитация тadbирларининг барча турларининг ўтказилиши истиқболсиз бўлган III гуруҳ ногиронларига. Кўрсатиб ўтилган талаблардан ҳатто бирортаси бажарилмаган тақдирда ҳам муддатсиз ногиронлик белгиланмайди.

22-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари

III. Меҳнат жароҳатлари туфайли қилинган қўшимча харажатларни жабрланувчига тўлаш

22. Етказилган зарар учун жавобгар бўлган иш берувчи жабрланувчига, ўртача ойлик иш ҳақи (даромади)дан ташқари, меҳнат жароҳати туфайли қилинган қўшимча харажатларни ҳам тўлашга мажбурдир. Тўланадиган бундай харажатларга даволаш, протезлаш, қўшимча овқатланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, санатория-курортда даволаниш, шу жумладан жабрланувчининг даволанадиган жойга бориш ва келиш йўл харажатлари, зарур ҳолларда эса шунингдек ўзганинг парваришига муҳтож бўлганда, кузатиб борувчи шахснинг ҳам йўл харажатлари, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш ва бошқа турли ёрдам харажатлари, агар у ТМЭК томонидан ёрдамнинг ушбу турларига муҳтож деб топилган бўлса ва уларни тегишли ташкилотлардан бепул олиш ҳуқуқи бўлмаса, шунингдек жабрланувчи билан иш берувчи ўртасида зарарни тўлаш бўйича баҳс пайдо бўлганда ҳамда баҳс жабрланувчи фойдасига ҳал бўлган ҳолларда адвокат ёллаш учун қилинган харажатлар кирди.

28-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган Пенсиялар тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом

I. Пенсия тайинлаш учун муурожаат этиш

- б. Ногиронлик пенсиясини тайинлаш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилиниши керак:
- а) меҳнат стажини (умумий ва махсус) тасдиқловчи ҳужжатлар;
 - б) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

Агар ногиронлик меҳнатда майибланиш оқибатида содир бўлган бўлса, унда бахтсиз ҳоҳиш ҳақидаги далолатнома (ёки бошқа расмий ҳужжат) тақдим этилади.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда қуйидагилар тақдим этилади:

- в) аризачининг ёлғиз ва ўзгалар ёрдамига муҳтож деб тан олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат;
- г) аризачининг уруш иштирокчиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими аризага тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК)дан олинган текширув далолатномасидан қўчирмани илова қилади.

29-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сон қарори билан тасдиқланган Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисида низом

Бажарувчи ташкилотлар — даволаш-профилактика муассасалари, реабилитация қилиш марказлари, бандликка кўмаклашувчи марказлар ва РЯТДда тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация тадбирларининг бажарувчилари этиб белгиланган бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

30-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сон қарори билан тасдиқланган Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисида низом

II. РЯТДни ишлаб чиқиш тартиби

7. РЯТД ушбу Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича:
- 16 ва ундан катта ёшдаги шахслар учун — ТМЭК томонидан;
 - 16 ёшгача бўлган болалар учун — ТМК томонидан ишлаб чиқилади.

31-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сон қарори билан тасдиқланган Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисида низом

5. Бажарувчи ташкилотлар, шунингдек тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (кейинги ўринларда ТМЭК деб аталади) ва тиббий маслаҳат комиссиялари (кейинги ўринларда ТМК деб аталади) томонидан РЯТДни бажаришда реабилитация қилиш тадбирларини амалга оширишда изчиллик, комплекслилик ва узлуксизлик, ўтказилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини доимий кузатиб бориш ва назорат қилиш таъминланади.

36-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 18 августдаги 256-сон буйруғига 3-илова

4. Имтиёзли беморларга Марказда амбулатор ва стационар шароитда бепул текширувдан ўтиш ва даволанишга юбориш учун ордерлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳузуридаги тиббий-танлов комиссияларининг (ТТК) ҳулосаси асосида берилади.
6. Марказда имтиёзли беморларни амбулатор шароитида бепул текширувдан ўтиш ва даволашга юбориш учун «Амбулатор шароитда бепул текширувдан ўтиш ва даволаш ордерлари» таъсис этилади (1-илова). Амбулатор шароитда текшириш ва даволаш учун ордерлар ТТК ҳулосаси орқали берилади. Бунинг учун қуйидаги ҳужжатлар ТТКга тақдим этилади:
 - Бирламчи тиббий санитария ёрдами бўғини (поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари) муассасанинг айнан ихтисослаштирилган илмий-амалий марказда текширувдан ўтиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосаси (йўлланма);
 - имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (пенсия дафтарчаси, ногиронлик гувоҳномаси, ўзини-ўзи бошқариш органининг маълумотномаси ва бошқалар.).

37-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон қарори билан тасдиқланган Шахсларни турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилувчи касалликлар рўйхати (пулли касалхоналар ва бўлимлардан ташқари)

1. Онкологик касалликлар
2. Сил касаллиги
3. Руҳий касалликлар
4. Ихтисослаштирилган муассасаларда гиёҳвандлик
5. Мохов касаллиги
6. Нурланиш касаллигига чалинган беморлар
7. Юқумли касалликлар
8. Сифилис
9. ОИВ касаллигини юқтирганлар (ОИТС)
10. Шошинч тиббий ёрдам кўрсатиш чоғида беморларнинг шифохонада бўлиши чекланган муддатларининг тасдиқланган стандартлари бўйича реанимация тадбирларини ва интенсив терапияни талаб этувчи ҳолатлар
11. Даражасидан қатъи назар камқонлик касаллигига чалинган ҳомиладор аёллар ва туққан аёллар
12. Эндокринологик касалликлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон қарори билан тасдиқланган Турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилинадиган аҳоли тоифаларининг рўйхати (пулли касалхоналар ва бўлимлардан ташқари)

1. Болалиқдан ногиронлар
2. Ғирт етимлар
3. I ва II гуруҳ ногиронлари
4. 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар

5. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида ҳисобда турувчи ёлғиз пенсионерлар
6. 1941–1945 йиллардаги уруш йиллари меҳнат fronti қатнашчилари
7. Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган — ногирон шахслар
8. Байналмилалчи жангчилар
9. 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар
10. Мудофаа ишлари бўлимларининг йўлланмалари бўйича 18–27 ёшли чақирик ёшидагилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон қарори билан тасдиқланган Амбулаторияда даволашда дори-дармонлар бепул бериладиган касалликлар ва шахслар рўйхати

1. Онкологик касалликлар.
2. Сил касаллиги.
3. Мохов касаллиги.
4. Эндокринологик касалликлар.
5. Руҳий касалликлар.
6. ОИВ касаллигини юқтирганлар (ОИТС).
7. Юрак клапанларини протезлаш ва органларни алмаштириш бўйича операциялардан кейин.
8. Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз нафақахўрлар.
9. 1941–1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнашчилари.
10. 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар.
11. Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахслар.
12. Байналмилалчи жангчилар.
13. Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

38-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ–3214-сон Фармони билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган марказлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхати

1. Болалиқдан ногиронлар.
2. Чин етимлар.
3. I ва II гуруҳ ногиронлари.
4. 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар.
5. Ёшга оид пенсияга чиққан ишламайдиган шахслар.
6. 1941–1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат жабҳасининг қатнашчилари.
7. Чернобиль АЭСи фалокатини тугатишда иштирок этган шахслар жумласига кирувчи ногиронлар.
8. Байналмилалчи жангчилар.
9. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларга мансуб шахслар.

39-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази тўғрисида низом

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзга эга бўлган шахслар рўйхати

1. Ғирт етимлар.
2. I ва II гуруҳ ногиронлари.
3. Болалиқдан ногиронлар.
4. 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар.
5. 1941–1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнашчилари.
6. Ёшига кўра ишламаётган пенсионерлар.
7. Чернобил АЭСдаги аварияни бартараф этишда ногирон бўлган шахслар.
8. Байналмилал жангчилар.
9. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан нафақа олувчи кам таъминланган оилалар аъзолари.
10. Ижтимоий аҳамиятга эга касалликларга чалинган шахслар.
11. Чақирув комиссиялари йўлланмалари бўйича 15–17 ёшдаги ўсмирлар ва чақириқ ёшидаги (18–27 ёшар) шахслар.

43-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 1229, 2003 йил 27 март)

Ѕ10. Реабилитация техник воситалари билан таъминлашнинг тартиби

52. Ногирон томонидан фойдаланишдаги реабилитация техник воситаларидан вақтинчалик қўлламаслик ҳолатида (тўлиқ тузалиши ёки вафоти муносабати билан) (велоарава-ча, курси-аравача, кичик ўлчамдаги аравача, эшитиш аппаратлари, хасса ва қўлтиқта-ёқлар) ижтимоий таъминот бўлимига, қаердан олинганига қараб, қайтариб берилиши лозим.

44-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги ПҚ–459-сон қарори билан тасдиқланган 2007–2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури

№ п/п	Тадбир номи	Бажарилиш муддати	Харажат* (млн. сўм)	Молиялаштириш манбаи	Тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича масъуллар
1. Ижтимоий хизмат тизимни кучайтириш.					
1.	Республиканинг 136 туманларида (эҳтиёждан келиб чиқиб) реабилитация техник воситалари(ногиронлик аравачалари, қўлтиқтаёқ хасса ҳамда юриш мосламалари ва б.)ни муҳтож бўлган ёлғиз кишиларга ижарага бериш пунктларини очиш:	2007–2010 йй.	1020,1 в т.ч.	Спонсорли (ҳомийлик) воситалари, тадбиркорлар ва ижрочилар воситалари.	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент ва вилоят хокимияти, «Маҳалла» жамғармаси, «Нуроний», «Соғлом авлод учун».
	2007 йилда — 28 пунктлар;		162,3		
	2008 йилда — 36 пунктлар		242,5		
	2009 йилда — 36 пунктлар		285,9		
	2010 йилда — 36 пунктлар		329,4		

45, 53–ҲАВОЛАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 1229, 2003 йил 27 март)

56. Протез-ортопедик анжомлар эксплуатацияси кафолати ҳамда алмаштириш муддати

26. Протез-ортопедик анжомлар эксплуатацияси (ногирон томонидан протез-ортопедик анжомлар протез тайёрлаш корхонасидан олинган кундан бошлаб) муддати:

- Қўл протезлари (елка, елка қисми бўлинганидан сўнг, елкаолди, панжа) и оёқ протези (сон, сон ёнбоши қисми бўлинганидан сўнг, болдир) — 24 ой;
- юқори ва пастки қисм қўл-оёқлар ортопедик аппаратлари, корсетлар — 24 ой;
- кўкрак экзопротези — 12 ой;
- юқори ва пастки қисм қўл-оёқлар туторлари — 12 ой;
- бандажлар — 12 ой;
- реклинаторлар — 12 ой;
- ортопедик пойабзал ва протезли пойабзал — 12 ой.

27. Тиббий хулоса натижасига мувофиқ равишда, ногиронларга берилган протез-ортопедик буюмлар, белгиланган муддатдан илгари, қуйидаги ҳолатларда алмаштирилиши мумкин:

- 16 ёшгача бўлган болаларда, агарда протез-ортопедик буюми ўлчами ҳамда ҳажми нуқтаи назаридан боланинг жисмонан қадди-бастига тўғри келмаса;
- белгиланган кафолат муддатидан илгари протез-ортопедик буюм яроқсиз ҳолатга келиб қолса, касалликнинг хусусияти ёки ногирон айби билан;
- ногироннинг протез-ортопедик буюми анатомик ва физиологик ўзгаришлар натижасида яроқсиз бўлиб қолиши, ёнки ўтказилган жарроҳлик аралашувидан сўнгги ҳолатларда.

28. Агарда протез-ортопедик буюмининг яроқсизлиги, белгиланган кафолат муддатидан илгари аниқланса, бунда ногироннинг айби бўлмаса, бундай ҳолларда протез тайёрлаш корхонаси ҳисобидан алмаштирилади.

29. Агарда протез-ортопедик буюми белгиланган кафолат муддатида яроқсизлик ҳолатига келса, маҳсулотнинг алмаштирилиши ёки таъмирланиши республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Бунинг учун туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлинмалари томонидан далолатнома тузилиб, ногиронга протез-ортопедик буюми таъмири учун талон (чипта) берилади.

30. Протез-ортопедик буюмларининг эксплуатацияси кафолат муддати:

- сон ва болдир протези, чарм асосида — 6 ой;
- сон ва болдир протези, тахта-ёғоч асосида — 6 ой;
- сон ва болдир протези, металл ва пластик асосида — 6 ой;
- қўл протези — 6 ой;
- ортопедик аппарат (ускуна)лар ва туторлар — 6 ой;
- корсет (белдамча)лар — 3 ой (пластик асосида — 6 ой);
- бандажлар — 3 ой;
- мураккаб ортопедик пойабзал — 4 ой.

31. Янги протез-ортопедик маҳсулот (қўл, оёқ протези, ортопедик аппаратлар, тутор, корсетлар) ни олиш чоғида ногирон протез тайёрлаш корхонасига эски буюмларни топшириши шарт. Протез корхонаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бошқарув вакилликлари иштирокида ҳар чорақда 6-сон иловага биноан эски протез-ортопедик буюмларни қабул қилиб олиш актини расмийлаштиради.

Кейинчалик эски протез-ортопедик буюмлар бош корхонага етказиб берилади, бунда уларнинг комиссия қўлланганлиги ҳамда келгусида қайта қўлланиши учун материаллар ростла-маси демонтажи амалга оширилади.

47, 50-ҲАВОЛАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (рўйхат рақами 1229, 2003 йил 27 март)

§4. Протез-ортопедик буюмлари таъминоти ҳамда уларга буюртмалар қабул қилиш тартиби

15. Протезлаш йўлланма талонини олиш учун ногирон туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлинмаларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- протез-ортопедик буюмларга муҳтожлиги ҳақидаги аризаси;
- протез-ортопедик буюмларга муҳтожлиги хусусида тиббий хулоса, ВТЭК томонидан тақдим этилади (16 ёшгача бўлган болаларга ВМк хулосаси асосида берилади) 1-илова шаклига мувофиқ. Протез-ортопедик буюмини олиш учун йўлланма-талони шахсни аниқлаштирувчи ҳужжат асосида тўлдирилади.

49-ҲАВОЛА

2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун

14-модда. Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури

Агар ногиронга ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида назарда тутилган техника воситасини тақдим этишнинг ёхуд хизмат кўрсатишнинг имкони бўлмаса ёки агар ногирон ўз ҳисобидан тегишли воситани олган ёхуд хизмат учун ҳақ тўлаган бўлса, унга ногирон учун тақдим этилиши лозим бўлган техника воситасининг ёхуд кўрсатилиши лозим бўлган хизматнинг қиймати миқдорида компенсация тўланади.

56-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сон қарори билан тасдиқланган Болалиқдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом

12. Нафақа олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида доимий яшаш учун бошқа туман (шаҳарга кўчганда нафақани тўлаш янги яшаш жойи бўйича тегишли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими томонидан нафақа олувчининг шахсий ҳужжатлар йиғма жилди олингандан кейин мана шу туман (шаҳар)да давом эттирилади. Бундай ҳолда нафақа тўлаш илгариги яшаш жойи бўйича нафақа тўлаш тўхтатилган вақтдан бошлаб давом эттирилади.

57, 58-ҲАВОЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сон қарори билан тасдиқланган Болалиқдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом

14. Тайинланган нафақа I ва II гуруҳ болалиқдан ногиронга, у олаётган иш ҳақи, стипендия, алимент ёки даромадларнинг бошқа турларидан қатъи назар, тўланади.

Ногирон болага тайинланган нафақа, у томонидан (унинг учун) бошқа нафақалар олинишидан қатъи назар, тўланади.

15. Тайинланган нафақа I ёки II гуруҳ болалиқдан ногирон, ёхуд нафақа тайинланган ногирон бола тўлиқ давлат таъминотида бўлган вақт учун тўланмайди.

Лепрозорийларда бўлган I ва II гуруҳ болалиқдан ногиронларга, шунингдек, ногирон болага нафақа лепрозорийларда бўлган бутун вақт учун тўланади.

63-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги 520-сон қарори билан тасдиқланган 2000–2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури

3. УЙ-ЖОЙ-МАИШИЙ ШАРОИТЛАРНИ ЯХШИЛАШ					
3.1.	Ҳар йили куз-қиш даврига тайёрланиш муддатларида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уй-жой-маиший шароитларини комиссия томонидан текшириш ҳамда квартиралар, уйлар ва маиший биноларни таъмирлаш	2000–2005 йиллар	2500,0 (ҳар йили 416,7)	Ҳомийлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хўжалик ҳисобидаги турар жойлардан фойдаланиш бошқармалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари маблағлари	Ижтимоий таъминот вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хўжалик ҳисобидаги турар жойлардан фойдаланиш бошқармалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари

69-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси

148-модда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

Ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

81-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган Мехрибонлик уйи тўғрисида низом

31. Тарбияланувчиларнинг ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан бундан кейин тарбиялаш учун қайтарилиши ушбу Низомнинг 29-бандига мувофиқ амалга оширилади. Боланинг ёшидан, йил вақтидан ва қайтиш ҳолатларидан қатъи назар, бола яшайди-

ган жой бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг хулосасига мувофиқ чиқарилган ҳокимнинг қарори тарбияланувчининг қайтиши учун асос ҳисобланади.

94-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси

40-модда. Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифалари

Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой олиш ҳуқуқига уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож ва турар жой олиш учун ҳисобда турган ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган фуқаролар эгадирлар. Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан турар жой олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган фуқаролар аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидан бир марта турар жой олишга ҳақлидирлар.

2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун

19-модда. Боланинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари

Ҳар бир бола турар жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлади.

Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар жойни ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик ёки ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.

98, 99, 100-ҲАВОЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган Меҳрибонлик уйи тўғрисида низом

16. Меҳрибонлик уйига йўллаш тарбияланувчи яшайдиган жой бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида Меҳрибонлик уйи унинг тасарруфида бўлган халқ таълими тегишли органлари томонидан амалга оширилади.
20. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг таълими, тарбияси ва таъминоти тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.
13. Меҳрибонлик уйига кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг болалари, фақат отаси ёки онаси бор бўлган болалар ушбу оилаларни бир йилгача муддатда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида вақтинчалик қабул қилинади. Уларнинг бундан кейин Меҳрибонлик уйида бўлиши тарбияланувчи яшайдиган жой бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг хулосасига кўра туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан белгиланади.
30. Тарбияланувчиларнинг битириши тўғрисидаги қарор коллегиал орган — Меҳрибонлик уйи Кенгаши томонидан қабул қилинади ва Меҳрибонлик уйи тасарруфида бўлган халқ таълими тегишли органи томонидан тасдиқланади.

102, 106, 112-ҲАВОЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон қарори билан тасдиқланган Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари тўғрисида низом

13. Махсус мактабгача муассасага мактабгача ёшдаги 2–7 ёшли болаларнинг қуйидаги тоифалари қабул қилинади:
- нутқда оғир нуқсонлар бўлган болалар (алалия, болалар афазияси, ринолалия, дизартрия, дудуқланиш, рухий-нутқий ривожланишда орқада қолиш);
 - эшитишида оғир нуқсонлар бўлган болалар (I — IV гуруҳ карлик, ёмон эшитувчилар, орттирилган карлик);
 - кўришида оғир нуқсонлар бўлган болалар (кўзи ожизлар, амблиопия ва ғилайлик, заиф кўрадиганлар);
 - таянч-ҳаракатланиш аъзосида нуқсонлар бўлган болалар (бош мия, бўйин, кўкрак қафаси, умуртқа, бўғимлар ва оёқлар операцияларининг барча турларидан кейинги ҳолат, барча туғма рахит, жароҳат, куйиш ва, бўйин, кўкрак қафаси, умуртқа ва оёқларнинг идиопатик бузилиши; кифозлар, лордозлар, кифосколиоз, қоматнинг бузилиши, кўкрак қафаси, умуртқа ва оёқлар деформацияси, ясси оёқ панжаси, оёқ панжалари фалажи; таянч-ҳаракатланиш аъзоси ривожланиши аномалияси, бўғимлар деформацияси, артрозоартритлар, бўғинлар рекурвацияси, жисмоний ривожланишида орқада қолиш; остехондропатия, хондродистрофия; полиомиелит ва менингоэнцефалитга чалингандан кейин болалар церебрал фалажида таянч-ҳаракатланиш аъзоларининг барча патологиялари, гемиопорезлар, плегиялар, монопорезлар, Эрб-Дюшен фалажи, полирадикулоневритлар);
 - психик ривожланишда орқада қолаётган болалар (ақлий орқада қолиш, жиддий ақлий орқада қолиш, психик ривожланишнинг кечикиши);
 - нуқсонлари мураккаб бўлган болалар (ривожланишида 2 ва ундан ортиқ нуқсонга эга бўлган болалар).

104, 108-ҲАВОЛАЛАР

Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 1753, 2007 йил 26 декабрь)

1. Умумий қоидалар

1. Мактабгача таълим муассасасига болалар 2 ёшдан бошлаб 6–7 ёшгача бўлган болаларни қабул қилиш туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарори билан ташкил этиладиган халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги қабул қилиш комиссияси томонидан (кейинги ўринларда қабул комиссияси деб юритилади) амалга оширилади.
2. Қабул комиссияси туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ҳузурида беш кишидан иборат таркибда ташкил этилади ва унинг таркиби қуйидаги мутахассислардан шакллантирилади:
 - Қабул комиссияси раиси — туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирини;
 - Қабул комиссияси котиби — туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг мактабгача таълими бўлими мутахассиси;
 - Қабул комиссияси аъзолари — мактабгача таълим муассасаси мудирлари ва услубчилари.
3. Муассислари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бўлган мактабгача таълим муассасасига болаларни қабул қилиш қабул комиссиясининг қарорига биноан халқ таълими бўлимлари томонидан мазкур низомнинг 1-илласида келтирилган шаклда бериладиган йўлланмалари асосида амалга оширилади.

Муассислари бошқа органлар бўлган мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш уларнинг муассислари томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда ушбу мактабгача таълим муассасалари болаларни халқ таълими бўлимларининг йўлланмалари бўйича шартнома асосида қабул қилиши мумкин.

4. Нодавлат мактабгача таълим муассасасига болаларни қабул қилиш ва уларнинг чиқиб кетиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ ва нодавлат мактабгача таълим муассасининг устави билан белгиланади.

109-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисидаги низом

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мактабгача таълим муассасаларига қатнамайдиган мактабгача ёшдаги болаларнинг қисқа муддатли (4–5 соат) гуруҳлари фаолиятини тартибга солиш учун йўналтирилган.

111-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон қарори билан тасдиқланган Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги низом

8. Махсус мактабгача муассаса Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан жисмоний ёки ақлий ривожланишида турли нуқсонлари бўлган болалар контингентини биргаликда ўрганиб чиқиш якунлари бўйича ташкил этилади.

Даволаш-соғломлаштириш хизматларига муҳтож бўлган болалар контингенти мавжуд бўлган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси билан биргаликда тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига махсус мактабгача муассаса ташкил этиш тўғрисида асосланган таклиф билан муурожаат қилади.

Махсус мактабгача муассаса ташкил этиш тўғрисидаги таклиф махсус мактабгача муассасани ташкил этиш таклиф этилаётган минтақада охириги 5 йилда 2 ёшдан 7 ёшгача болалар орасида тегишли касалликларнинг кўпайганлигини кўрсатадиган соғлиқни сақлаш органларининг расмий статистика маълумотлари билан асосланиши керак.

9. Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ташкил этиладиган махсус мактабгача муассаса жойлаштирилиши мўлжалланаётган ҳудудда болалар мактабгача таълим муассасаларининг жойлашини муурожаат қилинган пайтдан бошлаб бир ҳафта муддатда ўрганади ва махсус таълим муассасасини жойлаштириш учун фаолият кўрсатаётган болалар боғчалари (ясилар) дан намунавий бинони ёхуд махсус таълим муассасасини ташкил этишга қўйиладиган норматив талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган махсус лойиҳа бўйича янги бино қуриш учун участкани танлайди.

Ушбу таклиф тегишли асослаш билан биргаликда бир ҳафта муддатда туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига киритилади.

113-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида низом

IV. Мактабгача таълим муассасасини бутлаш

16. Мактабгача таълим муассасасига болалар 2 ёшдан бошлаб 6–7 ёшгача туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг қарори билан ташкил этилган халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги қабул қилиш комиссияси томонидан тегишли тиббиёт хулосаси ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади. Қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

117-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори

18. 2008 йил 1 январдан бошлаб давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига тўловлар миқдори 29-иловага мувофиқ белгилансин.

Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминоти учун тўланадиган тушумлар назарда тутилган бошқа бюджет маблағлари билан бирга мақсадли тартибда тарбияланувчиларни озик-овқат билан таъминлашни яхшилашга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда кам таъминланган оилалар болалари учун тўловдан озод қилишни назарда тутган ҳолда (тарбияланувчилар умумий сонининг 15 фоизи доирасида) Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида янгиланган низомни тасдиқласин.

119, 121-ҲАВОЛАЛАР

Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 1768, 2008 йил 13 февраль)

II. Мактабгача таълим муассасаларида тўловлар ҳисоб-китоби ва уни тўлаш тартиби

15. Мактабгача таълим муассасасидаги бола таъминоти учун тўловларнинг бир кунлик қийматини аниқлаш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ота-оналар бир ойлик тўловларининг миқдори мактабгача таълим муассасасининг ойлик иш жадвали бўйича иш кунлари сонига бўлинади.

16. Бола касаллиги ёки унинг оила аъзолари касалланганлиги (карантин бўлган) туфайли, шунингдек ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг меҳнат таътили даврида боланинг мактабгача таълим муассасасига кетма-кет уч кундан ортиқ келмаган давр учун тўланган тўловлар, кейинги тўловларда ҳисобга олинади (фақат мактабгача таълим муассасасининг иш кунлари сони ҳисобга олинади).

Боланинг касаллиги ёки унинг оила аъзолари касалланганлиги (карантин бўлгани) туфайли боланинг келмаганлиги тегишли даволаш муассасаси ёки участка врачлари томонидан берилган маълумотнома билан тасдиқланиши шарт.

17. Бола уйда қолган бошқа барча ҳолатларда мактабгача таълим муассасасида болалар таъминоти учун тўловлар умумий асосларда ундирилади.

18. Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг аризасига кўра тўловлар тўлиқ бўлмаган ой учун яъни, боланинг ушбу мактабгача таълим муассасасига қатнашни тўхтатадиган ва рўйхатдан чиқариладиган кунгача бўлган давр учун ундирилиши мумкин.
19. Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) мактабгача таълим муассасасига боланинг ушбу муассасага қатнаши тўхтатилиши тўғрисида камида бир ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши лозим. Агар бу ҳақда мактабгача таълим муассасаси огоҳлантирилмаган бўлса, тўланган пулни қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади. Бунда боланинг мактабгача таълим муассасаларида тўлов тўланган даврдан ортиқ муддатга қолиши, ушбу ой учун тўловнинг қолган қисми тўланмагунча мумкин эмас.
20. Мактабгача таълим муассасаси бошқа иш режимига ўтган ҳолатларда, муассаса бошқа иш режимига ўтган кундан бошлаб тўловлар болаларнинг бўлиши тегишли узайтирилган, муддатли гуруҳлар учун белгиланган миқдорда тўланади.

122-ҲАВОЛА

1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида» ги Қонун

3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

30-модда. Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

123-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сон қарори билан тасдиқланган Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари тўғрисида низом

V. Таълим жараёнининг қатнашчилари

29. Ота-оналар ёки ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахслар махсус мактабгача муассасанинг таълим-тарбиявий фаолияти, ўз болаларига берилаётган таълим ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам билан танишиш ҳуқуқига эгадир.

126, 128-ҲАВОЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида низом

4. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни

4.1. Болаларни умумтаълим мактабига қабул қилиш тиббий-психология-педагогика комиссиясининг тавсияномалари бўйича 6–7 ёшдан амалга оширилади. Мактабларда ҳар йили му- тахассислар жалб қилинган ҳолда ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш таъминланади.

Жисмоний ва психологик ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш махсус (ёрдамчи) мактабларда, шунингдек санаторий-интернат туридаги мактаблар- да амалга оширилади.

129, 130, 131, 132, 134-ҲАВОЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил октябрдаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болаларни уйда ўқитиш тўғрисида йўриқнома

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» га мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Соғлом авлод» дастурини ҳаётга татдиқ этиш, ногирон, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болаларга уйда якка (индивидуал) ҳолда таълим бериш тартибини белгилайди.
2. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволаниш- га муҳтож мактаб ёшидаги болаларга уйда якка ҳолда таълим беришни ташкил этишга рух- сат этилади. Худудлар бириктирилган умумий ўрта таълим мактабларининг директорлари ва маҳаллий таълимни бошқарув органлари ногирон болаларни уйда ўқитиш чораларини кўрадилар ва улар учун таълим жараёнларининг ташкил этилишини изчил назорат қила- дилар.
3. Ногирон болаларнинг уйда ўқитиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган «Уйда ўқитишга муҳтож бўлган болаларнинг касалликлар рўйхати» га кўра амалга оширилади (1-илова).
4. Ногирон болаларни тарбиялашда оила асосий манба ҳисобланади. Оила Ўзбекистон Рес- публикаси конституцияси, «Оила» кодексининг тегишли бандларига мувофиқ, ногирон бо- лани тарбиялаш, мактабга тайёрлаш ва билим олишига шароит яратиш учун масъулдир.
5. Оила ва мактаб жамоаси ногирон болаларни ўқитишда болаларнинг мойиллик ва қизиқиш- лари ҳамда ижодий қобилиятларини ҳисобга олиб, уларни таълим олиш илан бирга ўзи ту- шунган ҳолда касб-хунар танлашига кўмаклашадилар.

II. Ногирон болаларни уйда ўқитишни ташкил этиш

1. Ногирон шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган ва шу туфайли мактабга қатнай олмайдиган мактаб ёшидаги болалар Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 25 апрелда- ги 4/1-сонли ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим мактаби жойлашган худуддаги мактаб ёшидаги болалар ҳисобини олиб бориш тўғрисида йўриқно- ма» га мувофиқ аниқланиб, рўйхатга олинади.
2. Мактаб директори ўқув йили бошланган кундан бошлаб 5 кун ичида:
 - мактаб жойлашган худудда истиқомат қилаётган касаллиги туфайли уйда ўқиши лозим бўл- ган болалар рўйхатини (2-илова), даволовчи муассаса(касалхона, диспансер ёки поликли- ника) хулосасини худудий халқ таълими бўлимига тақдим этади. Халқ таълими бўлими бо- лани уйда ўқитишга рухсат бериш юзасидан буйруқ қабул қилади;
 - ўқитувчилар орасидан ногирон бола билан ишлаш истагини билдирган, бундай болалар- га диққат эътиборли ва уларга ғамхўрлик кўрсата олувчи, тажрибали ўқитувчиларни унга бириктириш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Изоҳ: Агар уйда ўқиши керак бўлган болада бир вақтнинг ўзида бир неча касаллик турлари учраса ҳамда унга фан ўқитувчиларидан ташқари бошқа мутахассислар ёрдами керак бўлса ва мактабда бундай мутахассис (логопед, диффектолог ва бошқа) лар бўлмаса, туман халқ таълими бўлими «Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази» ҳамда соғлиқни сақлаш бўлими билан биргаликда зарур мутахассисни топиб, ўқувчига бириктиришга масъулдир. Мутахассислар худудда жойлашган, тегишли касаллик турлари бўйича фаолият юритаётган мактаб ёки мактаб-интернатлардан ҳам (улар бевосита буйсиновчи ташкилот билан келишган ҳолда) олинishi мумкин. Бундай ҳолларда ушбу мутахассисларга ҳам амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда йўриқномаларга мувофиқ иш ҳақи белгиланади.

3. Ногирон шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган ва шу туфайли мактабга қатнай олмайдиган боланинг ёши, аввал мактабда ўқиган бўлса, нечанчи синфгача ўқиганлиги ҳисобга олиниб, у маълум бир синф журналидаги ўқувчилар рўйхатига киритилади.
4. Синф раҳбари уйда таълим бераётган ўқитувчилар, боланинг ота-оналари билан келишган ҳолда касаллик турини инobatга олиб, мазкур йўриқномага илова этилаётган намунавий ўқув режаларидан бирига асосан машғулотлар жадвалини (3-илова) ишлаб чиқади ва ўқув-тарбия ишлари бўйича мактаб директорининг ўринбосарига тасдиқлаш учун тақдим этади (намунавий ўқув режалари илова этилади).
5. Машғулотларнинг ўқитувчилар томонидан ўз вақтида олиб борилиши синф раҳбари томонидан, ўқув дастурларининг тўлиқ бажарилиши ўқув-тарбия ишлари бўйича мактаб директорининг ўринбосари томонидан назорат қилинади.
6. Уйда ўқитишни ташкил этишда:
 - боланинг жисмоний ёки руҳий ривожланишига, теварак-атрофдаги дунё ҳақидаги тасаввурлари ва савод даражасининг юксалишига;
 - ахлоқий-маонавий сифатлари ва ижтимоий ахлоқ кўникмаларини шакллантиришга;
 - эстетик ҳис-туйғу ва тушунчалар, илк меҳнат кўникмаларини ривожлантириш ва касбга йўналтиришга аҳамият берилади.
7. Уйда таълим олаётган ногирон болаларни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш, меҳнатга қизиқишини тарбиялаш, уларни фан, техника, саноат ва спортга жалб этиш мақсадида мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб қилиш мумкин.
8. Вақтинча касаллик сабабли уйда таълим олаётган ўқувчилар (йўл транспорт ҳодисалари, бахтсиз воқеалар ёки бошқа касалликлар сабабли вақтинча даволанувчи ўқувчилар) саломатлигини тиклаганларидан сўнг, умумий қоидалар асосида таълим муассасаларида ўқишларини давом эттириш ҳуқуқига эгадир.
9. Уйда якка тартибда таълим олаётган ўқувчилар давлат таълим стандартларида белгиланган меъёрларга биноан умумий ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатни битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганларидан сўнг олиш ҳуқуқига эгадир. Бунда муассаса маъмурияти буйруғи билан уйда таълим олаётган ўқувчини аттестациядан ўтказувчи ҳайъат таркиби тасдиқланади. Ота-оналарнинг истак-хоҳишлари ҳамда болаларнинг касалликлари турини инobatга олиб, имтиҳонларни уйда ёки мактабда ўтказиш мумкин.
10. Уйда якка тартибда таълим олаётган ўқувчиларни ўқитиш учун ўқув режасидаги ҳафталик соатлар миқдори қуйидагича белгиланади:
 - I–IV-синфларда — 8 соатгача;
 - V–IX-синфларда — 10 соатгача;
 - X–XI-синфларда — 12 соатгача.

Ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи ставкаларнинг халқ таълими тизимидаги ягона тариф жадвалига мувофиқ туман(шаҳар) халқ таълими бўлимларининг тежалган иш ҳақи фондлари ҳисобидан тўланади. шу билан бирга уларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Халқ таълими ходимларининг иш ҳақини тартибга солиш тўғрисида» ги 490-сонли қарорнинг 2-иловасига асосан 50 фоиз қўшимча устама иш ҳақи тайинланади.

11. Мактаб уйда якка тартибда ўқитилаётган ногирон ўқувчиларни мойилликлари, қизиқишлари ҳамда ижодий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўрнатилган тартибда дарслик ва бошқа адабиётлар билан таъминлайди.
12. Дарс ва машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг билими мунтазам равишда баҳолаб борилади ва бунинг учун ҳар бир ўқитувчи алоҳида дафтар юритади. Унга қўйилган баҳолар мактабнинг ўқувчи рўйхатга олинган синф журнаliga кўчириб борилади. Мазкур дафтарга ўқитувчилар томонидан машғулотлар ўтказилаётганлиги ҳақида ота-оналар ўз имзоларини қўядилар. Дафтар ўқитувчининг ўзида сақланади ва ойлик иш ҳақи учун табел ёзиш вақтида маъмуриятга кўрсатилади. Ўқув йили охирида бошқа ҳисоботлар билан бирга мактаб раҳбарига топширилади (3-илова).
13. Ногирон болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг қонуний вакиллари билан тарбиячи ва ўқитувчилар мунтазам алоқа ўрнатишлари лозим.

135-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган Болалиқдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом

13. Нафақа Пенсия жамғармаси бўлими томонидан 16 ёшдан катта болалиқдан ногироннинг, 16 ёшдан катта болалиқдан ногирон ёки ногирон боланинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси, васийси ёки ҳомийсининг яшаш жойи бўйича тўланади.
14. Нафақаларни тўлаш ҳар ойда Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан белгиланган муддатларда, бироқ жорий тўлов ойдан кечикмай амалга оширилади.
Нафақалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома бўйича тўланиши мумкин.
15. Қайта тиббий текширишдан ўтказиш муддати ўтказиб юборилганда нафақаларни тўлаш «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 55-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.
Нафақа олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида доимий яшаш учун бошқа туман (шаҳар)га кўчганда нафақани тўлаш янги яшаш жойи бўйича тегишли Пенсия жамғармаси бўлими томонидан нафақа олувчининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди олингандан кейин шу туман (шаҳар)да давом эттирилади. Бундай ҳолда нафақа тўлаш илгариги яшаш жойи бўйича нафақа тўлаш тўхтатилган вақтдан бошлаб давом эттирилади. Нафақа олувчиларни ҳисобдан чиқариш ва янги яшаш жойида ҳисобга олиш тартиби, шунингдек уларнинг йиғма жилдларини жўнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.
16 ёшдан катта болалиқдан ногирон ёхуд ногирон бола доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетганда нафақа тўлаш тўхтатилади.
Нафақа тўлашнинг тўхтатилиши ёки қайта тикланишига олиб келадиган бошқа ҳолатлар (нафақа тайинланган шахслар тўлиқ давлат таъминотига ўтказилганда ёки «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйлари ва шу қабиларга юборилганлиги ёки ундан қайтиб келганлиги сабабли тўлиқ давлат таъминотидан чиқарилганда) пайдо бўлганда нафақа тўлаш тегишли ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойднинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади ёки тикланади.
16. 16 ёшдан катта болалиқдан ногирон ёки ногирон бола озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган тақдирда тайинланган нафақани тўлаш тўхтатилади ва жазони ўташдан озод этилгандан кейин тикланади.
17. Олувчи томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган ҳисобланган нафақа суммаси уни олиш учун мурожаат қилингандан олдинги уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун бир йўла тўланади.
Пенсия жамғармаси бўлимининг айби билан ўз вақтида олинмаган нафақа суммаси бирор-бир муддат билан чеклашсиз бир йўла тўланади.

18. 16 ёшдан катта болалиқдан ногиронга тайинланган нафақа, унга унинг ҳақ тўланадиган ишни бажаришидан ёки бошқа турдаги даромадлар (стипендиялар, алиментлар ва шу кабилар) олишидан қатъи назар, тўланади.

Ногирон болага тайинланган нафақа унга бошқа пенсиялар ва нафақалар, шу жумладан боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақаси олишидан қатъи назар, тўланади.

Ҳар хил нафақаларнинг турларини олиш ҳуқуқига эга бўлган 16 ёшдан катта болалиқдан ногиронга унинг танлаши бўйича нафақанинг бир тури тайинланади.

19. Тайинланган нафақа 16 ёшдан катта болалиқдан ногирон ёхуд ногирон бола тўлиқ давлат таъминотида бўлган давр учун тўланмайди.

137-ҲАВОЛА

2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун

18-модда. Ногиронларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Ногиронларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларида, шу жумладан ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, шунингдек ногиронлар жамоат бирлашмаларининг корхоналарида ижтимоий таъминот муассасалари билан биргаликда ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурига мувофиқ таъминланади.

Касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш даврида ногиронларни моддий жиҳатдан таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

138-ҲАВОЛА

2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун

20-модда. Ногирон болаларнинг оиладаги таълими

Ногирон болаларнинг оиладаги таълими таълим муассасаларида, шу жумладан ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олишнинг имкони бўлмаган тақдирда, ота-онанинг ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг истаги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Бунда ота ёки онага ёхуд ота ёки она ўрнини босувчи шахсга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда моддий таъминот ҳамда имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари, шу жумладан ихтисослаштирилган таълим муассасалари ногирон болаларнинг оилада таълим олишида ота-онага ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга ёрдам кўрсатиши шарт.

141-ҲАВОЛА

1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун

3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

142-ҲАВОЛА

1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун

13-модда. Ўрта махсус, касб-хунар таълими

Ўрта махсус, касб-хунар таълим олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари эгалланган касб-хунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юртидир.

2007 йил 9 апрелдаги Қонун билан тасдиқланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

3.3.3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (I-IV синфлар), умумий ўрта таълим (I-IX синфлар), ўрта махсус, касб-хунар таълимини қамраб олади.

Касб-хунар таълими дастурларини ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий (бакалаврият, магистратура) таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни қамраб олади.

145-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари тўғрисидаги низом

I. Умумий қоидалар

2. Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари (кейинги ўринларда Коллеж деб юритилади) имкониятлари чекланган шахсларни ўқитадиган ва тарбиялайдиган ҳамда имкониятлари чекланган ўқувчиларнинг ўқиши ва касб-хунарга эга бўлишларида тенг имкониятларни таъминлайдиган давлат таълим муассасаси ҳисобланади.

146-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги ПФ-3864-сон «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

3. 2007 йилнинг 1 июлидан:

- жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежларда ногирон-ўқувчиларнинг бепул овқатланиши;

147-ҲАВОЛА

2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун

25-модда. Ногиронларни иш билан таъминлаш

Ходимларининг сони йигирма кишидан ортиқ бўлган корхоналарда, муассасалар ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида уч фоизи миқдорида иш жойларининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлайди.

Ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ижро этмаганлиги учун корхонага, муассаса ва ташкилотга ҳар бир яратилмаган иш жойи учун ана шу корхона, муассаса ва ташкилот ходимининг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида жарима солинади.

148-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

Республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шакллари кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

Саноат корхоналарининг касаначиларга зарур хомашё ва материалларни етказиб бериш асосида оилавий пудратни ривожлантириш фуқароларга вақтдан унумли фойдаланиш, шу билан бирга, паст рентабелли ва кўп меҳнат сарфи талаб қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратади, бу, ўз навбатида, йирик корхоналар иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва баъзи бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш орқали йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар касаначиликни ривожлантиришнинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:
 - меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини таъминлашни инobatга олган ҳолда аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш;
 - саноат корхоналари билан уларнинг буюртмалари асосида уйда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш, ме-

бель, электрон саноатида, шунингдек, телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш;

- корхоналарнинг буюртмалари асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачилар томонидан хомашё, материаллар ва яримфабрикатларни етказиб бериш ҳамда буюртма асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни кафолатлашда барқарор шароитлар яратиш.
2. Белгилаб қўйилсинки:
 - корхоналарнинг буюртмалари уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) томонидан меҳнат шартномаси асосида бажарилади;
 - корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади, пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади;
 - касаначилиқ меҳнати амалга ошириладиган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмайди;
 - меҳнат шартномасида ишларни бажариш учун зарур ускуналар етказиб бериш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, асбоблар, жиҳозлар, материаллар ва яримфабрикатлар билан таъминлаш, касаначиларни мажбурий тарзда техника хавфсизлигига ўқитиш ҳамда буюртмачи талаб қилган сифат стандартлари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташиб кетиш, бажарилган иш учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича корхоналарнинг касаначилар олдидаги кафолат ва мажбуриятлари кўзда тутилади.
 3. Товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб 2014 йилнинг 1 январигача, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинсин.
 4. Корхоналарга меҳнат шартномаси асосида касаначиларга корхоналар буюртмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шarti билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш ҳуқуқи берилсин.

Махсус техника хавфсизлигига амал қилишни тақозо этадиган уй шароитида назорат қилиш имкони бўлмаган, кучли ток билан ишлайдиган, катта энергия талаб қиладиган, техник жиҳатдан мураккаб бўлган ускуналарни, шунингдек, хавфли кимёвий бирикмаларни касаначиларга бериш, ижара ва лизинг асосида тақдим этиш ҳамда улардан уй шароитида фойдаланиш тақиқланади.

5. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

касаначилар буюртмачи-корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ амал қилган тақдирда, уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни қўшимча сертификатлаш ва стандартлаш талаб этилмайди. Бунда уйда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати бўйича белгиланган стандартларга риоя қилиш бўйича масъулият, у саноат корхоналарига қайтарилганда — касаначилар зиммасига, охириги истеъмолчига сотишда эса саноат корхонаси зиммасига юкланади;

меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган корхоналарга касаначилар томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг қайтарилиши улгуржи савдо ҳисобланмайди ва лицензияланмайди;

касаначилар фаолияти буюртмачи-корхона қонунчилиқда белгиланган тартибда текширилгандагина назорат қилувчи органлар томонидан текширилиши мумкин.

149-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сон «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»и қарори

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда оила бюджетлари даромадларини кўпайтиришнинг, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этишнинг ва халқ хунармандчилигининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолишнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг фуқароларнинг хунармандчилик фаолиятини касаначилик меҳнати шаклларига киритиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.
2. Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришни тизимли асосда мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлашни таъминласин;
Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда оилавий тадбиркорликда қатнашаётган, шунингдек хунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни, шу жумладан шогирд хунармандларни касаначилик билан шуғулланаётган шахс сифатида ҳисобга олишни ташкил этсин;
оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш параметрларининг янги иш ўринларини ташкил этиш ҳудудий дастурлари прогноз параметрларига киритилишини таъминласин;
2009 йил учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш, шу жумладан «Усто-шогирд» усули билан ўқитиш дастури бўйича уларни тайёрлаш учун 1 млрд сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминласин.
4. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига, «Микрокредитбанк»га ва бошқа тижорат банкларига оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчиликни ривожлантиришга, уй меҳнатини ташкил этишга белгиланган тартибда имтиёзли микрокредитлар ажратилишини кенгайтириш тавсия этилсин.
5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар:
 - ҳоналарни ижарага бериш, махсус жойларни ажратиш ва обод қилиш, хунармандлар ишлаб чиқарган буюмлар ва товарларни сотиш учун ихтисослаштирилган дўконлар ва шохобчаларни ташкил этиш йўли билан хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашсинлар;
 - хунармандчилик субъектларини маҳаллий хом ашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлашда, хунармандчилик буюмлари кўرғазмаларини ўтказишда, ёшларни хунармандчилик кўникмаларига ўқитиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда амалий ёрдам кўрсатсинлар;
 - меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминласинлар.

152-ҲАВОЛА

1998 йил 1 майдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун

6-модда. Меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари

Давлат:

- иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;
- ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайри-қонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни;
- мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;
- ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;
- янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртлиларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;
- бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сон қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига мувофиқ Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, меҳнат органларининг таклифига биноан, ишлаш учун бошқа жойга ихтиёрий равишда кўчиб ўтиш учун компенсациялар тўланади;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.

153, 160, 161, 162-ҲАВОЛАЛАР

1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

214-модда. Тиббий кўрик

Иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан қуйидаги ходимларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

- ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;
- олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- ногиронлар;
- меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;
- озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;
- умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимлар тиббий кўриқлардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўриқдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

Ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғи ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Агар ходим ўз соғлигининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриқлардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

154, 155-ИЛОВАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида низом

3. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга (кейинги ўринларда ташкилот деб аталади) ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони белгиланади (банд қилиб қўйилади). Ушбу тоифага қуйидагилар киради:

- ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар;
- таълим муассасаларини тугатган ёшлар;
- муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар;
- ногиронлар;

156-ҲАВОЛА

1998 йил 1 майдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун

7-модда. Аҳолининг айрим тоифаларини ишга жойлаштиришдаги қўшимча кафолатлар

Давлат:

- ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга, шу жумладан ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга ҳамда кўп болали ота-оналарга;
- таълим муассасаларини тамомлаган ёшларга;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатишганларга;
- ногиронларга ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахсларга;
- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарори билан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахсларга қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Қўшимча кафолатлар қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, иш ўргатишнинг махсус дастурларини ташкил этиш, корхона, муассаса ва ташкилотларга мазкур тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар билан таъминланади.

157-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида низом

3. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга (кейинги ўринларда ташкилот деб аталади) ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони белгиланади (банд қилиб қўйилади). Ушбу тоифага қуйидагилар киради:

- ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар;
- таълим муассасаларини тугатган ёшлар;
- муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар;
- ногиронлар;

II. Иш ўринларини банд қилиб қўйиш шартлари ва тартиби

4. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилганлар учун банд қилиб қўйилаётган иш ўринлари сони иш топишда қийналаётганлар сонининг ўзгаришига қараб қайта кўриб чиқилади.

5. Ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш ходимларининг рўйхат бўйича ўртача сони йигирма нафардан кўпни ташкил этадиган ташкилотлар учун белгиланади.

Бунда ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида 3 фоизи миқдорида иш ўринларининг энг кам сони белгиланади ва банд қилиб қўйилади.

Банд қилиб қўйилаётган иш ўринларининг жами миқдори маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ ташкилот ходимлари рўйхат бўйича ўртача сонининг 7 фоизидан ортиқ миқдорда белгиланиши мумкин эмас.

158-ҲАВОЛА

Ишлаб чиқаришда ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи иш жойларни аттестациядан ўтказиш тартиби (рўйхат рақами 839-сон, 1999 йил 18 ноябрь)

I. Умумий қоида

1. Меҳнат шароити ҳамда ногиронлар ишлаётган ишчи ўринларни аттестациядан ўтказиш мақсади имконияти чекланган фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш юзасидан хавфсиз меҳнат шароити, профессионал йўналганлиги ва мувофиқлигини таъминлашдан иборат.
2. Ногирон меҳнат шароити ишчи ўринлари аттестацияси, ногирон меҳнатидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотларда, мулкчилик ва идорага қарашлигидан қатъий назар (ишловчиларнинг 50%дан кам бўлмаган ҳолда) амалга оширилади.
3. Ногирон меҳнат шароити ишчи ўринлари аттестацияси меъёрий асоси сифатида қуйидагилар белгиланади:
 - Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси;
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрдаги № 433 қарори «Ўзбекистон Республикасида ногиронлар реабилитацияси юзасидан 1996–2000 йилларга мўлжалланган давлат дастури»;
 - Ўзбекистон Республикаси ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни 18 ноябрь 1991 йилдаги;
 - «Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш» ҚМҚ 2 июль 1996 йилдаги;
 - Меҳнат шароити ва меҳнат шароитидан келиб чиққан ҳолда ишчи ўринларни аттестациябаҳоланиши методикаси. 1996 йил;
 - СанҚваН ишлаб чиқариш омиллари;
 - Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ), ГОСТлар.
4. Ўз вақтида ва сифатли ногиронлар ишчи ўринлари аттестацияси ўтказилиши масъулияти корхона ёки ташкилот раҳбари (хўжайини)га юклатилади.
5. Асосий ногиронларнинг меҳнат шароитидан келиб чиққан ҳолда ишчи ўринларни аттестация баҳоланиши илмий-методик муассасаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти ва ИТИСГиПЗЎРССВ ҳисобланади.

159-ҲАВОЛА

Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестация қилиш услуги (рўйхат рақами 247, 1996 йил 28 май)

I. Умумий қоида

- 1.1. Меҳнат шароити ва меҳнат шароитидан келиб чиққан ҳолда ишчи ўринларни аттестациядан ўтказилишидан мақсад фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ҳамда хавфсиз, санитария-гигиена меъёрларига жавоб берадиган меҳнат шароити яратилишини амалга оширишдан иборат.
- 1.2. Меҳнат шароитини баҳолаш асосида ишчи ўринлар аттестацияси ўтказилади.
- 1.3. Меҳнат шароитини баҳолаш асосида ишчи ўринлар аттестацияси (кейинчалик–аттестация) мулкчилик шакли, хўжалик ҳамда идоровий мансублигидан қатъий назар корхона ва ташкилотларда ўтказилади.
- 1.4. Аттестация қуйидагиларни киритади:
 - 1.4.1. ишлаб чиқариш муҳити шароити, меҳнат жараёни ва иш ўрни кескинлиги ва оғирлигининг жисмоний, кимёвий, биологик омилларининг мукамал инструментал тадқиқоти;
 - 1.4.2. иш ўрнининг зиёни ва хавфлилиги даражасига кўра таснифлаш;
 - 1.4.3. имтиёзли нафақа таъминоти ҳуқуқига эга бўлиш учун ишлаб чиқариш, корхона, меҳнат тури, касб, лавозимнинг №№ 1, 2, 3 кўрсаткичли рўйхатига киритиш ва таснифлаш;
 - 1.4.4. Меҳнат шароитида номувофиқлик ва махсус иш турига қараб ҳар йилги қўшимча таътил берилиши;
 - 1.4.5. Меҳнат шароитида номувофиқлик бўлишига қараб ходимларга имтиёзли нафақанинг белгиланиши (ўрнатилиши) тартиби;
 - 1.4.6. Меҳнат шароитида салбий оқибатлар ва омилларнинг келиб чиқишини аниқлаштириш;
 - 1.4.7. имтиёзга эга бўлиш ва меҳнат шароити баҳоланиши юзасидан фуқаро ва юридик шахслар ўртасида келиб чиқадиган низоларни бартараф қилиш;
 - 1.4.8. Меҳнат шароитини соғломлаштириш ва касбий касалликлар профилактикаси юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- 1.5. Меҳнат шароитига кўра ишчи ўринларни аттестациядан ўтказишнинг меъёрий асоси қуйидагилар ҳисобланади:
 - Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси;
 - Рўйхат № 1, ёшидан қатъий назар ишлаб чиқариш, корхона, иш, касб ва лавозим доирасида пенсия ҳуқуқи таъминланиши;
 - Рўйхат № 2, ишлаб чиқариш, корхона, иш, касб ва лавозим доирасида пенсия 10 йилга қисқартирилган муддатда берилиши ҳуқуқининг таъминланиши;
 - Рўйхат № 3 ишлаб чиқариш, корхона, иш, касб ва лавозим доирасида пенсия 5 йилга қисқартирилган муддатда берилиши ҳуқуқининг таъминланиши;
 - Ишлаб чиқариш муҳити шароити, меҳнат жараёни ва иш ўрни кескинлиги ва оғирлигининг жисмоний, кимёвий, биологик омиллари гигиеник таснифи, ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган;
 - Ўзбекистон Республикаси Санитар меъёрлари, гигиеник қоидалари ва нормативлари;
 - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи стандартлар.
- 1.6. Аттестация ўтказилиши давомати корхона томонидан белгиланади, 5 йилда бир маротаба ўз вақтида аттестация ўтказилиши зиммаси корхона раҳбари (хўжайини)га юклатилади.
- 1.7. Ташкилот ва корхоналарда меҳнат шароити ҳамда ишчи ўринлар аттестацияси ўрганлиши юзасидан назорат ўтказилиши, шу жумладан имтиёзли пенсия рўйхатини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юклатилади.

163-ҲАВОЛА

1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

80-модда. Ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатлар

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни:

- паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса, — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани;
- меҳнат дафтарчасини, биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;
- ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар тегишинча ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломини ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

166-ИЛОВА

1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

220-модда. Ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қўшимча чоралари

Иш берувчи белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи томонидан йўлланган ногиронларни ишга қабул қилиши шарт.

ТМЭКнинг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир.

I ва II гуруҳ ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

I ва II гуруҳ ногиронларига ўттиз календарь кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган асосий таътил берилади.

Ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

167-ҲАВОЛА

1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

103-модда. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун бериладиган имтиёзли ҳуқуқ

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади.

Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда қуйидагиларга афзаллик берилади:

- 1) қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;
- 2) оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга;
- 3) мазкур корхонада қўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;
- 4) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларини тамомлаган шахсларга ўқишни тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда икки йил мобайнида;
- 5) мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган шахсларга;
- 6) уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;
- 7) атом объектларидаги фалокатлар оқибатида келиб чиққан оширилган радиация нурланиши билан боғлиқ нурланиш касаллиги ва бошқа касалликларга йўлиққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар муносабати билан бошланганлиги аниқланган ногиронларга; ана шундай фалокатлар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчиларига, шунингдек мазкур зоналардан эвакуация қилинган ёки кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

Жамоа шартномасида ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган бошқа ҳолатлар назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолатлар, агар ходимлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмаган тақдирдагина, инobatга олинади.

168-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори билан тасдиқланган Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш ва ногиронликни белгилаш тартиби тўғрисида низом

VI. Қайта тиббий текширишдан ўтказиш муддатлари ва ТМЭК қарорлари юзасидан норозилик билдириш тартиби

31. 3-азбац. Чернобил АЭСидаги аварияни тугатиш оқибатлари муносабати билан ногирон деб эътироф этилган шахсларга I-II гуруҳлар ногиронлиги муддатсиз белгиланади, III гуруҳ ногиронликда қайта текширишдан ўтказиш муддати 5 йил. Ногиронликнинг сабаби кўрсатилади: «ЧАЭСдаги авария туфайли келиб чиққан».

169-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги ПФ-1289-сон «Ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлаш тўғрисида»ги Фармони

1. Белгилансин, 1996 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлови миқдори қуйидагича амалга оширилади:
 - Улуғ Ватан Уруши фахрийлари ва ногиронлари (уларга тенглаштирилган шахслар), I, II гуруҳ ногиронлари ва Чернобил АЭСда жабр кўрганларга пенсия тўлиқ миқдори тўланади;
 - қолган ишловчи пенсионерларга белгиланган пенсия миқдорининг 50% тўланади.
2. Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳамда ижтимоий суғурта жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишувига мувофиқ бир ойлик муддат ичида ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби ишлаб чиқилсин ва республикадаги вазирлик, идоралар, корхона ва ташкилотларга етказилсин.

3. Амалдаги Фармонга биноан ўн кунлик муддат ичида Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасига қонунчилик юзасидаги таклифларни киритсинлар.
4. Фармоннинг бажарилиши назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

171-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 351-сон қарори билан тасдиқланган Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тартиби

IV. Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби

18. Меҳнат дафтарчаси тадбиркорнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

19. Меҳнат дафтарчаси тадбиркор рўйхатдан ўтказилган жойдаги Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимида унинг мазкур тумандаги (шаҳардаги) тадбиркорлик фаолиятининг бутун муддати мобайнида сақланади ва юритилади.

Агар фуқаро тадбиркорлик фаолияти бошлангунга қадар меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган бўлса, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими белгиланган тартибда меҳнат дафтарчаси очади.

Агар тадбиркорлик фаолияти фуқаро учун ўриндошлик ҳисобланса, унинг меҳнат дафтарчаси асосий иш жойида юритилади.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик билан ўриндошлик бўйича шуғулланувчи шахснинг хоҳишига кўра меҳнат дафтарчасига тадбиркор сифатидаги фаолият даври тўғрисидаги ёзув киритилиши мумкин. Ёзув рўйхатдан ўтказиш жойидаги Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан киритилади.

20. Тадбиркор меҳнат дафтарчасининг:

- а) «Сана» устунида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш бошланган, тўхтатиб қўйилган ва тикланган сана, шунингдек тадбиркорлик фаолияти тўхтатилган сана тўғрисидаги ёзув ёзилади.
 - Тадбиркор бадал тўлаган ойнинг биринчи куни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш бошланган сана ҳисобланади.
 - Тадбиркор бадал тўлашни тўхтатган ойнинг охири куни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тўхтатиб қўйилган сана ҳисобланади.
 - Бадал тўлаш тикланган ойнинг биринчи куни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тикланган сана ҳисобланади.
 - Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисобдан чиқариш кунигача тўланган тақдирда — солиқ органларида ҳисобдан чиқарилган сана, суғурта бадаллари ушбу кунгача тўланмаган тақдирда тадбиркор бадал тўлашни тўхтатган ойнинг охири куни тадбиркорлик фаолияти тўхтатилган сана ҳисобланади.
- б) «Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги маълумотлар» устунида тегишли равишда қуйидаги ёзувлар ёзилади:
 - «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади», шунингдек тадбиркорнинг давлат солиқ хизмати органларида ва бўлимнинг номи тўлиқ кўрсатилган ҳолда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимида рўйхатдан ўтказиш рақами кўрсатилади;
 - «Суғурта бадаллари тўлашни тўхтатиб қўйди»;

- «Суғурта бадаллари тўлашни тиклади»;
 - «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолиятини тўхтатди»;
- в) «Қайси ҳужжатга асосан ёзилган» устунига «_____туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг 200_ й. “_” _-сон маълумоти асосида» деб ёзилади.
21. Тадбиркор томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадал белгиланган муддатдан кейин бир ой мобайнида тўланмаган тақдирда, меҳнат дафтарчасига «Суғурта бадаллари тўлашни тўхтатиб қўйди» деган ёзув ёзилади. Агар тадбиркор мазкур ёзув ёзилгандан кейин бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадал тўлашни тикласа, меҳнат дафтарчасига «Суғурта бадаллари тўлашни тиклади» деб ёзилади.
22. Тадбиркорлик фаолияти тўхтатилган тақдирда меҳнат дафтарчасига «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолиятини тўхтатди» деб ёзилади.
23. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни тўхтатган ёки рўйхатдан ўтказиш жойини ўзгартирган шахсининг талаби бўйича Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг бўлими меҳнат дафтарчасини унинг қўлига беради.

172-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топшида қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида низом

15. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаган ташкилотга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима солинади.
- Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаганлик учун жаримани тўлаганлик ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этишдан озод қилмайди.
16. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаганлик учун ундирилган жарималар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда асосан аҳолининг ушбу тоифаси учун янги иш ўринлари яратишга, шу жумладан ногиронлар учун ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этишга сарфланади.
17. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорининг бажарилишини назорат қилиш меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилади.

174-ҲАВОЛА

1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

228-модда. Тунги ишларда, иш вақтидан ташқари ишларда, дам олиш кунларидаги ишларда аёллар меҳнатини қўлланишни ва уларни хизмат сафарига юборишни чеклаш

Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

175-ҲАВОЛА

1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

230-модда. Қўшимча дам олиш куни

Ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдоридида ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади.

176-ҲАВОЛА

1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

232-модда. Ўн икки ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун қўшимча таътиллار

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб) фойдаланилиши мумкин.

177-ҲАВОЛА

1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

144-модда. Таътилларни бериш вақти ва навбати

Йиллик таътилларни бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши керак.

Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

- ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;
- I ва II гуруҳ ногиронларига;
- 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга (250-модда);
- жамоа шартномаси, келишувида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

178, 179-ҲАВОЛАЛАР

1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

229-модда. Аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тўлиқсиз иш вақти белгилаш

Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси (119-модда) белгилашга мажбурдир.

1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

119-модда. Тўлиқсиз иш вақти

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Иш берувчи ушбу Кодексда (229-модда), шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт.

Тўлиқсиз иш вақти шarti билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

180-ҲАВОЛА

2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун

2-боб. Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш

11-модда. Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз киришини, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлашга доир вазифаларни бажармаганлик учун иқтисодий жавобгарлик

Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томошагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув транспортдан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофида қатнайдиغان йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича ушбу Қонунда назарда тутилган талабларни бажармаганлик учун ташкилотларга энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Жарима солиш суд томонидан, ташкилотлар ҳуқуқбузарлик содир этишдаги айбига иқрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

Тўланган жарима суммалари Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига йўналтирилади ҳамда улардан ушбу Қонун 10-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган объектларни мослаштиришга доир тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жаримани тўлаганлик ташкилотларни ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, транспортдан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича ушбу Қонун талабларини бажаришдан озод этмайди.

184-ҲАВОЛА

ШНК 2.07.02-07 «Аҳолининг кам ҳаракатланувчи қатлами ва ногиронларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда турмуш фаолияти муҳитини лойиҳалаштириш»

Умумий қоидалар.

Бино ва иншоотларга кириш шароитларини таъминлашга, инсон ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга, имконияти чекланган шахслар ҳаёт тарзининг нормал шарт-шароитларни яратишга қаратилган ушбу мейёр ва қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида(мулк шаклларида қатъий назар) бино ва иншоотлар лойиҳаларини(шунингдек қайтақуриш), қурилиш ва режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқувчи барча лойиҳалаштирувчи ташкилотлар учун мажбурийдир.

187-ҲАВОЛА

ШНК 2.07.02-07 «Аҳолининг кам ҳаракатланувчи қатлами ва ногиронларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда турмуш фаолияти муҳитини лойиҳалаштириш»

Барча турдаги умумий турар жойларнинг биринчи қаватида кресло-аравачалардаги ногиронлар учун топшириққа биноан яшаш жойларини лойиҳалаштириш кўзда тутилган. Яшаш хонаси кресло-аравачадаги 1 ногирон учун — 14 м², 2 та ногирон учун — 18 м² дан кам бўлмаслиги керак. Кресло-аравачадаги ногиронлар учун турар жойларни жиҳозлашда амалдаги мейёрларни ҳисобга олиш керак.

189, 190 ҲАВОЛАЛАР

2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади) мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

2-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига ушбу Қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат этиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонунда белгиланган тарзда тартибга солинади.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар қонунларда уларни кўриб чиқишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, ушбу Қонунга мувофиқ кўриб чиқилмайди.

15-модда. Аризалар, таклифлар ва шикоятларни бериш тартиби

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади.

Фуқаро ариза, таклиф ва шикоятни шахсан беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёки мурожаатини алоқа воситалари орқали юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб ариза, таклиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Ариза, таклиф ва шикоятга улар юзасидан илгари қабул қилинган, фуқародаги мавжуд қарорлар (ёки уларнинг нусхалари), шунингдек ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

194-ҲАВОЛА

2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун

16-модда. Аризалар, таклифлар ва шикоятларни бериш муддатлари

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар бериши учун муддат белгиланмайди. Айрим ҳолларда муайян давлат органининг ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш имкониятига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида рўёбга чиқариш, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра, бундай давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятларни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарорлар қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган пайдан эътиборан узоғи билан бир йил ичида берилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи томонидан тикланади.

195-ҲАВОЛА

2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун

17-модда. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш

Фуқароларнинг давлат органига келиб тушган мурожаатлари ана шу органнинг ўзи ёки зиммасига мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Мурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёҳуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли органларга жўнатиш

учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожаатлар худди шу муддат мобайнида асослантирилган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади.

Фуқароларнинг мурожаатларини ҳар тарафлама муфассал ва холисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси қўшимча ахборот тўплаши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатини кўриб чиқаётган давлат органи зарур ҳолларда мурожаат жойнинг ўзида кўриб чиқилишини таъминлаши керак.

Алоҳида ҳолларда, мурожаат этган шахснинг ўзи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқишнинг имкони бўлмаса, улар давлат органининг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорларни давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолайди.

Агар ариза, таклиф ёки шикоятда баён қилинган масалалар ҳал этилаётганда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш зарурати юзага келса, бу иш қонун ҳужжатларида мувофиқ амалга оширилади.

18-модда. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари

Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

193-ҲАВОЛА

2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун

19-модда. Мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсан иштирок этиш ҳуқуқи

Мурожаат давлат органлари томонидан кўриб чиқилаётганда фуқаро мурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборот олиш, важларини шахсан баён этиш ва изоҳлар бериш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёки ўз вакили хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт.

194-ҲАВОЛА

2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун

21-модда. Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органининг мажбуриятлари

Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Ариза ёки шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтириши шарт.

Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи, унинг мансабдор шахси мурожаатни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарор ижросини назорат қилиши, агар фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилишга доир чора-тадбирлар кўриши ҳам шарт.

195-ҲАВОЛА

2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун

24-модда. Мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлиги

Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, фуқарони мурожаат қилганлиги учун таъқиб қилиш, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

49-модда. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши —

- энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —
- энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси

144-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Мурожаат кўриб чиқилишини асоссиз рад этиш, мурожаатни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилиш ёхуд фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этиш, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказадиган ҳолда бузиш —

- энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Фуқарони давлат органига, корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасига мурожаат қилганлиги ёки мурожаатда баён этилган танқид, шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб қилиш —

- энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

196-ҲАВОЛА

2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун

10-модда. Прокуратура органларининг тизими

Прокуратура органларининг тизими қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;
- туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари;
- вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси;
- туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади.

1995 йил 30 августдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун

1-модда. Судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи

Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, чет эллик фуқаролар ушбу Қонунда белгиланган тартибда судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунга мувофиқ судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

4-модда. Шикоят бериш

Фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Тобелик тартибида юқори турувчи орган, мансабдор шахс шикоятни бир ойлик муддатда кўриб чиқишлари шарт. Агар фуқаронинг шикоятини қаноатлантириш рад қилинган бўлса ёки у шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоятни ҳуқуқлари, эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига кўра жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили бериши мумкин.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ё у яшайдиган жойдаги судга ёки орган жойлашган ердаги, ёхуд хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга берилади.

Ҳарбий хизматчи ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят билан ҳарбий судга, шунингдек юқори турувчи мансабдор шахсларга ушбу моддада кўзда тутилган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

II. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- 1) қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;
- 2) Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;
- 3) жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- 4) судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва давлат органлари бошқа ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш;
- 5) нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;
- 6) тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб қилинган корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- 7) хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда ва уларни бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда шартнома интизомини мустаҳкамлаш;
- 8) юридик шахслар, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш;
- 9) тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- 10) замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.
- 11) адлия органлари ва муассасалари тизимига раҳбарликни амалга ошириш.

197-ҲАВОЛА

1995 йил 30 августдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун

4-модда. Шикоят бериш

Фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Тобелик тартибида юқори турувчи орган, мансабдор шахс шикоятни бир ойлик муддатда кўриб чиқишлари шарт. Агар фуқаронинг шикоятини қаноатлантириш рад қилинган бўлса ёки у шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоятни ҳуқуқлари, эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига кўра жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили бериши мумкин.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ё у яшайдиган жойдаги судга ёки орган жойлашган ердаги, ёхуд хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга берилади.

Ҳарбий хизматчи ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят билан ҳарбий судга, шунингдек юқори турувчи мансабдор шахсларга ушбу моддада кўзда тутилган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

198-ҲАВОЛА

1995 йил 30 августдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун

6-модда. Судга шикоят билан мурожаат қилиш муддатлари

Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

- фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб уч ой;
- фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой;
- агар фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берганидан кейин бир ой муддат ўтган кундан бошлаб бир ой.

Шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.

199, 200, 201-ҲАВОЛАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси

104-модда. Давлат божи

Судларга даъво аризалари, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалар, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация тартибида шикоятлар ва назорат тартибида протест келтириш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида аризалар берганлик учун, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхалари берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади.

110-модда. Суд харажатларини тўлашдан озод қилиш

Давлат божини тўлашдан озод қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Суд фуқаронинг мулкий аҳволига қараб, уни давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашдан озод қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси

328-модда. Ундириш объектлари

Давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

1) судларга бериладиган даъво аризаларидан, органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлардан, алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан, судларнинг қарорлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва аризаларидан, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги шикоятлар ва аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан, ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун;

329-модда. Умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан озод қилиш

Умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

- 1) даъвогарлар — иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари

1.	Судларга бериладиган даъво аризаларидан, алоҳида кўриладиган ишлар бўйича ариза (шикоят)лардан, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ишлар бўйича судларга бериладиган шикоятлардан, судларнинг қарорларига кассация ва назорат шикоятларидан, шунингдек, судларнинг ҳужжатлардан нусхалар берганлиги учун:	
а)	даъво аризаларидан — даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг:	
	20 бараваригача бўлганда	даъво баҳосининг 5 фоизи миқдориди;
	20 дан 40 бараваригача бўлганда	даъво баҳосининг 10 фоизи миқдориди;
	40 дан 80 бараваригача бўлганда	даъво баҳосининг 15 фоизи миқдориди;
	80 бараваридан кўп бўлганда	даъво баҳосининг 20 фоизи миқдориди;
б)	давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг жисмоний шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан қилинган шикоятлардан (суд қарори чиқарилаётган томонидан ундирилади)	энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдориди;
в)	никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан	энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди;
	такрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан	энг кам иш ҳақининг 120 фоизи миқдориди;
	никоҳ бекор қилинаётганда мол-мулк бўлинган ҳолда	бож 1-банднинг «а» кичик бандига мувофиқ даъво баҳоси бўйича белгиланади;
г)	бедарак йўқолганлиги ва руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги оқибатида белгиланган тартибда қобилиятсиз деб топилган ёки камиди уч йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан	энг кам иш ҳақининг 2 фоизи миқдориди;
д)	уй-жойларни ижарага олиш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан, ворисликни қабул қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги, хатга олинган мулкни қайтариб бериш тўғрисидаги ва мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) бошқа даъво аризаларидан	энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди;
е)	алоҳида кўриладиган ишлар бўйича ариза (шикоят)лардан	энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдориди;
ж)	судларнинг қарорларига кассация ва назорат шикоятларидан	даъво аризаси ёки бошқа аризалар, шикоятлар берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкий низолар бўйича эса — талашилаётган суммадан ҳисоблаб чиқариладиган ставкалар миқдориди;
	жиноий иш бўйича фуқаролик даъволаридан	даъво баҳосининг 10 фоизи миқдориди;
з)	судларнинг қарорлари, ҳукмлари, ажримлари, судларнинг бошқа қарорларининг дубликатлари ва нусхаларини, шунингдек, томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра судлар томонидан ишлардан бериладиган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун	ҳужжатнинг ҳар бир бети учун энг кам иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдориди;
и)	ҳакамлик суди қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек ҳакамлик суди қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан	энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари.

202-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

28-модда. Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш

Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш чораси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Ногиронлиги сабабли транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин эмас, транспорт воситаларини алкоголь ичимликдан, гиёвандлик воситаси таъсиридан маст бўлган ҳолда ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда бошқариш ҳоллари, шунингдек ўзлари иштирокчи бўлган йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган жойдан кетиб қолиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш чораси қўлланилиши мумкин эмас.

203-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

29-модда. Маъмурий қамоққа олиш

Маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун — ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яқка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

204, 206-ҲАВОЛАЛАР

2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун

11-модда. Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса ва-сийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етгунча қонунга мувофиқ тўла муомалага лаёқатли деб эътироф этилган (эмансипация) бола ўз ҳуқуқларини, шу жумладан ҳимояга бўлган ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳамда мажбуриятларини мустақил бажаришга ҳақлидир.

Бола ота-она ва ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қилинадиган суиистеъмоликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таъ-

лим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли.

Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганидан, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилишлари шарт. Шундай маълумотлар олинган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шарт.

205-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси

3-кичик бўлим. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш

26-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

264-модда. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларга оид ишлар

Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларга қуйидагилар киради:

- 1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятлар;
- 2) нотариуснинг, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органларининг ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёхуд уларни нотўғри бажарганлиги устидан берилган шикоятлар;
- 3) прокурорнинг ҳуқуқий актни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишлар.

1995 йил 30 августдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун

1-модда. Судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи

Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, чет эллик фуқаролар ушбу Қонунда белгиланган тартибда судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунга мувофиқ судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

207-ҲАВОЛА

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси

28-модда. Эмансипация

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.